

Девони Саҳвий

(Бу китобда аруз вазнида ёзилган классик жанрдаги шеърларим, ғазаллар ва мухаммаслар жамланган)



Муаллиф

Саҳвий

2016 йил

Швеция

Ғазаллар:

Ла илоҳа иллоллоҳ

Пайғамбарлар нидоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Ҳақ аҳлининг садоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Дунё пайдо бўлгандан, то қиёмат бўлгунча,
Ҳақ динларнинг асоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Осмону — ер, ой — қуёш, малаклар тилинда фош,
Зикрларнинг аълоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Одам атодан бошлаб, токи қиёматгача,
Ҳақ аҳлининг садоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Имон калимаси шу, кўнгил хазинаси шу,
Тасбиҳларнинг пешвоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Қанчалар мушрик инсон, топди бу сўздан имон,
Мараз диллар шифоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Уламолар даҳолар, Муфаккирлар донолар,
Кўнгилларин сафоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Қанча асру замонлар, қанча ҳарбу — омонлар,
Имон ва ширк низоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Мушриклар жаҳаннамда, сохта маъбудлар билан,
Ширк аҳлининг хатоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Шунинг учун кўп жонлар, берилгандир қурбонлар,
Қуфр имон ароси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Бу сўз олам асоси, яралиш муддаоси,
Аҳли жаннат навоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Кимлар учун неъматдир, кимлар учун иззатдир,
Кимлар юзин қароси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Насиб этса гар айтиш, йўқдир орқага қайтиш,
Яратганнинг атоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Кимлар молнинг фидоси, кимлар нафсин шайдоси,
Оламларнинг Худоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Ибодатга лойиқ Зот, тан олган топгай нажот,
Алмисоқнинг вафоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Ҳақ келса қочар ботил, Барча золиму қотил,
Залолат интиҳоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Мушрикка жаннат ҳаром, тавҳидгадир эҳтиром,
Чунки, жаннат баҳоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Бўлсак бир кун собиқ биз, шу каломга содиқ биз,
Дардлик диллар давоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Эсда тутинг ҳар дамда, инсу жинни оламда,
Синашдан муддаоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Шайтонларни қочирган, олам аро сочилган,
Зулматларнинг зиёси; Ла илоҳа иллоллоҳ!

Саҳвий ҳамду саноси, мансублик иддаоси,
Ҳаётининг маъноси; Ла илоҳа иллоллоҳ!

Расулуллоҳ САВ га бағишлаб

Бу нубувват маснадин сизга насиб этган Худо,
Сизга кўргандир Ўзи, Олий омонатни раво!
Куфр зулматида қолган эрдию, аҳли башар,
Сиз сабаблидан ёрутди, ушбу зулматни зиё.
Не машаққатлар билан меҳнат чекиб, даъват қилиб,
Раҳмати ҳақ бирла, бу хизматни қилдингиз бажо!
Сиз туфайлидан ҳидоят топди, инсу жинс тамом,
Олам аҳли узра ҳақнинг, ҳужжати бўлди адо!
Қиёмат бўлганда турсам, зору ҳайрон ё Расул,
Ҳақ насиб этсин, шафоатингизни мен айлай дуо!
Саҳвиё, айтгил расулуллоҳга дуои салом,
Йўқ ажаб ўтсанг бу дунёдан, бўлиб роббинг ризо!

Бевафо дунё

Ҳар доим юрагим ғашлаб кетарсан,
Бе ихтиёр кўзим ёшлаб кетарсан.
Сенга мафтун бўлган, барча нодонни.
Иблисни ортидан, бошлаб кетарсан.
Эй ёлғончи дунё, бевафодурсан,
Алдайсан, хор қилиб тишлаб кетарсан.
Қочиб қаерларга борай дастингдан?
Излаб топиб келиб, ушлаб кетарсан!
Сенга қўл берганни, ўтқазиб тахтга,
Юрагини гўё, «тош»лаб кетарсан.
Тангри каломиди келган сифотинг,
Мўминлар кўнглини нишлаб кетарсан.
Эй Саҳвий бу дунё «нажасдир гўё,
Қанчалар тўплама, ташлаб кетарсан.

Интизор айлар мани

Найларам бу дилни бунча, интизор айлар мани?
Барча пинҳон дардларимни, ошкор айлар мани?¹
Таъна қилманг, беқарор бўлсам ҳамиша субҳу-шом,
Дарди ҳижрон дилни ўртаб, беқарор айлар мани!
Хотирим қилса паришон, фурқати айб айламанг,
Эй биродарлар, нетай, ҳижрони зор айлар мани?!

На сабр қилмоққа тоқат-йўқ, на дардимга даво,
Дам -бадам, бетоқату беихтиёр айлар мани.
Интизор бўлдим, ҳажр шомиди мен субҳим кутиб,
Келмайин ҳеч кутганим, ғамга дучор айлар мани.
Кўнгил истар энди дунёнинг ғамин тарк айламоқ,
Чунки, Ҳақ зикри дилимни, беғубор айлар мани!
Саҳвиё узма умидингни Худонинг фазлидан,
Мағфират айлаб, карамдин бахтиёр айлар мани!

Бўлмасин

Мен каби оламда ҳеч ким, зору-ҳайрон бўлмасин,
Топмайин дил мақсадин, хотир паришон бўлмасин.
Дарди-фирокин чекиб, юрмоққа тоқат қолмади,
Бўлса ҳам турли балолар, дарди-ҳижрон бўлмасин!
Олам ичра ҳеч мусулмон банда, туҳматлар билан,
Беайб озор чекиб, ҳам банди зиндон бўлмасин.
Дўсти ёридан-диёридан, жудо бўлгач яна,
Фитналарга дуч бўлиб, мосивоимон бўлмасин.
«Мусулмонмиз»деб, мусулмонларга қилганлар зулм,
Ўтгай имонсиз бўлиб, ҳаргиз мусулмон бўлмасин!
Дўстлар имонни саломат сақламок осон эмас,
Эътиқод-имон даъво, қилганда ёлғон бўлмасин!
Мен азал қисмат билан, кўрдим неки етган бало,
Дўстларим ҳайрон, душман шоду, хандон бўлмасин.
Истамоққа тоқатим йўқ, дилга малҳам бас, етар,
Бўлмаса, бу бедаво дардимга дармон, бўлмасин!!
Айбу-нуқсонига армон, айлагай Саҳвий бугун,
Борми бир инсон, хатосидан пушаймон бўлмасин?!

Дадамнинг вафоти муносабати билан ёзилган ғазаллар

Алвидо

Ал-видо, ё ал-видо, нури жаҳоним кетдилар,
Тарк этиб фоний жаҳонни, меҳрибоним кетдилар!
Ҳақ Таоло қисматиға бўйсуниб рози бўлиб,
Даргоҳинга энди Роббим, дадажоним кетдилар!
Сабри бир дарё каби, хулқи расулуллоҳ каби,
Юлдузлар ичра моҳ каби, ширин забоним кетдилар.
Доим ибодатлар билан, зикру-тиловатлар билан,
Ибратли одатлар билан, фахри замоним кетдилар.
Найлайин бу айрилиқ, дарди дилимни ўртагай,

Энди билдим, фахри, кўрки хонадоним, кетдилар.
Мен дуо айлаб яратганга-ғазал ёзмай нетай?!
Чунки, оламдан менинг-“руҳи-равоним”-кетдилар.
Эшитгандим, сиз вафот топганда айтганди онам,
«Яхшилар авлодидан, қолган нишоним кетдилар»!
Бизга ташлаб бу ҳаёт, ғавғосидан қўлни ювиб,
Дилга далда-бошга гўё, соябоним–кетдилар.
Одамизод айрилиб қолса билар кўп нарсани,
Кўрмайин роҳат-фароғат, бағри қоним кетдилар.
Мавж урсин қабрингизда раҳмати нури Худо,
Ғам-аламда қалб-вужуди, нотавоним кетдилар.
Бир-биримиға ғаниматмиз, синов дунёсида,
Бурчни биздан соқит айлаб, «имтихоним» кетдилар!
Жойингиз жаннатда бўлгай!-деб, қилур Саҳвий дуо,
Ҳақ сари умид этиб, жаннатмаконим кетдилар.

Бесамар қолмас дуоингиз

Улуғ неъмат экан бизга, ҳаётда сизни борингиз,
Кўзимга тўтиё қилмоққа топмасман ғуборингиз.
Муҳаббат риштаси бирла, боғланган дилим сизга,
Насиб этгай зиёрат айламоқ, энди мозорингиз.
Ҳаётим шамъи ўчгунча, кўнгилда дард алам қолди,
Бўлолмадим тириклик пайтингизда хоки пойингиз.
Мани бу дарди армонимни дунёда давоси йўқ,
Тиларманки Худодан, жаннат ичра бўлса жойингиз!
Гумоним йўқки, Роббим меҳрибондир барча мўминга,
Доҳил этгай раҳматига, Меҳрибон Парвардигорингиз.
Яратган рози бўлгай, мағфират қилгай, азиз этгай,
Яқин бўлгай Расулуллоҳга, жаннатда саройингиз!
Бўлиб ҳамроҳингиз жаннатда пайғамбарлар, сиддиқлар,
Яна солиҳ ва солиҳа азизлар дўсти-ёрингиз!
Худойим фазли бирла кўрсатиб дийдори покини,
Ўзининг дўслари ичра кўтарсин эътиборингиз!
Худонинг даргоҳи афзал эрур, ёлғончи дунёдан,
Сизга боқий саодатни, насиб этгай Худойингиз!
Ғанимат билмадим, имкону фурсатни нетай энди?
Тиларман Тангридан доим, қилиб дуои-зорингиз!
Дуодан тўхтама ота-онангни ҳаққиға Саҳвий,
Дуода манфаат бор, бесамар қолмас дуоингиз!

Марсия

Улуғ неъмат экан бизга, ҳаётда сизни борингиз,
 Кўзимга тўтиё қилмоққа топмасман ғуборингиз.
 Муҳаббат риштаси бирла, боғланган дилим сизга,
 Насиб этгай зиёрат айламоқ, энди мазорингиз.
 Ҳаётим шамъи ўчгунча, кўнгилда дард алам қолди,
 Бўлолмадим тириклик пайтингизда хоки пойингиз.
 Мани бу дарди армонимни дунёда давоси йўқ,
 Тиларманки Худодан, жаннат ичра бўлса жойингиз!
 Гумоним йўқки, Роббим меҳрибондир барча мўминга,
 Дохил этгай раҳматига, меҳрибон Парвардигорингиз.
 Яратган рози бўлғай, мағфират қилгай, азиз этгай,
 Яқин бўлғай Расулуллоҳга, жаннатда саройингиз!
 Бўлиб ҳамроҳингиз жаннатда пайғамбарлар, сиддиқлар,
 Яна солиҳ ва солиҳа азизлар дўсти-ёрингиз!
 Худойим фазли бирла кўрсатиб дийдори покини,
 Ўзининг дўстлари ичра кўтарсин эътиборингиз!
 Худонинг даргоҳи афзал эрур, ёлғончи дунёдан,
 Сизга боқий саодатни, насиб этгай Худойингиз!
 Ғанимат билмадим, имкону фурсатни нетай энди?
 Тиларман Тангридан доим, қилиб дуои-зорингиз!
 Дуодан тўхтама Саҳвий ота онангни ҳаққига,
 Дуода манфаат бор бесамар кетмас дуоингиз.

Азиз дадажонимга атаб ёзилган Марсия

Хотиранингиз бунчалар армон бўларин билмадим,
 Фурқатингизда кўзим гирён бўларин билмадим.
 Сиздан айрилган кунимдан соғинарман сизни ман,
 Айрилиқни ўти бу чандон бўларин билмадим.
 Кеча-кундиз нурли сиймонгиз кўзим олдиндадир,
 Ҳажрингизда юрак-бағрим, қон бўларин билмадим.
 Давр экан, даврон экан, во ҳасрато-ё ҳасрато,
 Ўтди-кетди, қайта бу имкон бўларин билмадим.
 Борида билмас одамзод, неъматни Ҳақ қадрини,
 Айрилиб қолса кейин, ҳайрон бўларин билмадим.
 Эслагайман сўзларингиз доимо қалбимдадир,
 Дилда бу дардим мани, пинҳон бўларин билмадим.
 Ўтди фурсат, одамийзод аслида бу дунёга,
 Тез келиб кетгувчи бир, меҳмон бўларин билмадим.
 Шубҳасиз, Ҳақдир ўлим, фоний ҳаёт ўткинчидир,
 Ўлмайин қолгувчи бир инсон бўларин билмадим.
 Ҳар киши лойиқ қадр топгай бориб иймонига,
 Кимни ҳамроҳи бугун, иймон бўларин билмадим.

Шукрки, Ҳақ бирлигин тасдиқ қилиб жон бердингиз,
Бандага бундан улуғ, эҳсон бўларин билмадим.
Аҳли иймонларга ваъда қилди, Аллоҳ жаннатин,
Ҳеч қачон Ҳақ ваъдаси, ёлғон бўларин билмадим.
Жойингиз жаннатда бўлсин, мағфират қилсин Эгам,
Жаннатул маъво каби, ошён бўларин билмадим.
Шоир ўғлингиз дуо айлар ибодатлар қилиб,
Манфаат биздан фақат “Қуръон” бўларин билмадим.
Сенга илҳом бўлди ҳосил, ушбу ғамдин Саҳвиё,
Ёзганим бир кун келиб, дoston бўларин билмадим!

Кимлигимни шу куни, Роббим аён айлар мани

Ёлғиз Аллоҳ бу ҳаётда, имтиҳон айлар мани,
Бошқаларни фарқи йўқ, «ким?»,» -деб, гумон айлар мани!
Бор умидим Яккаю-Ёлғиз илоҳимдан эрур,
Ҳақ Ўзи раҳм этмаса, ким ҳам омон айлар мани?!
Икки манзил мунтазирдир, Одамизод олдида,
Билмадим, энди йўлимни қай томон айлар мани?!
Ҳақдин Ўзга билмагай, бўлгач қиёмат соати,
Кимлигимни шу куни, Роббим аён айлар мани!!
Изтиробимни дилимда. сақлаёлмасман ниҳон,
Ўртаниб руҳим, вужудим нотавон айлар мани.
Токи имкон бор экан, Ҳаққа қилурман илтижо,
Бир куни келгай тилимни, безабон айлар мани!
Топмадим найлай, ватанда тинч яшашга бир макон,
Жабру-зулми энди, расвойи жаҳон айлар мани.
Бу не қисматдир ҳаётда, қадрини топмас одам?,
Энди тақдирим шу қисматга, нишон айлар мани!!!
Фитна ёмондир қатлдан, Тангрининг сўзи гувоҳ.
Дину, дунё фитнаси, бағримни қон айлар мани.
Истамасдим дунёи фонийда, умри жовидон.
Кошки, тез Роббим сари, руҳим равон айлар мани.
Сиғдиrolмас қалбига Саҳвий дилин армонини.
Ўқиганлар англагай, назмим баён айлар мани.

Ҳануз

Дўстларим найлай кўнгил қайғу билан вайрон ҳануз,
Чора топмай ақли ҳушим, ҳолима ҳайрон ҳануз.
Айлагай кўнглимни маҳзун хотирамда кўп бисот,
Кетмади дилни эзиб турган алам армон ҳануз.

Мен ғариб ғурбатда ҳам бўлдимку эркимдан жудо,
Ҳеч мени тарк этмади бу ташвиши зиндон ҳануз.
Қочган эрдим фиравннинг зулмидан Мусо каби,
Бор эканда бизга бу жойдан насиба нон ҳануз.
Қирққа кирдим оқибат охир на бўлгай билмадим,
Мен бу дунё дардига тополмадим дармон ҳануз.
Энди имонимга нуқсон етмасин деб қўрқаман,
Бир ҳаловат топмади кўнглимдаги имон ҳануз.
Излаган топган дегайлар Каъбани, мен топмадим,
Етмайин мақсадга мен оввораи сарсон ҳануз.
Кун ба кун сабр ила тоқат қолмағай ғам тошидин,
Қолатим ислоҳига ҳеч бўлмади имкон ҳануз.
Бўлма Саҳвий ноумид ким ҳолатинг Ҳаққа аён,
Раҳматин сендан дариғ тутган эмас Раҳмон ҳануз.

Изларингни излар эрдим

Изларингни излар эрдим, кечалар уйғоқ бўлиб,
Қонмади ҳаргиз лабинга, лабларим чанқоқ бўлиб,
Найлай армонингда ўтмоқ, бизга шу тақдир экан,
Бўйнингга тақилмадим гўёки, кўзмунчоқ бўлиб.
Мен сенга дарду дилимни, ҳеч қачон айтолмадим,
Қўрганимда юзларинги, тер босиб, титроқ бўлиб.
Ёрутар эрди хаёлинг, орзуим осмонини,
Ўтди умрим хаёлингда, неча йил бўйдоқ бўлиб.
Кечдингу мендан ва лекин, мен кечолмасман ҳануз,
Ларзага солганда ишқинг, кетмадим тупроқ бўлиб.
Сухбатинга ташна кўнглим, етмади орзусига,
Ҳилпирар эрди юраклар, талпиниб, япроқ бўлиб,
Хаёлинг то ҳануз Саҳвий, тарк этолмасдир уни,
Билмадим неларни ёздинг, бу кеча чарқоқ бўлиб?!

Ҳануз

Бу не одат ухламай тунларда бедорман ҳануз,
Нотавон жисмим ҳаловат топмайин зорман ҳануз.
Не оғир юк менинг зеҳнимни босиб, тинч қўймағай,
Офият истаб, ҳаловатга харидорман ҳануз.
Олмаганман аҳли комилдан камолот дарсини,
Чунки, бу дунё ғами бирла гирифторман ҳануз.
Чарчаган, телба асаблар ихтиёри мендамас,

Сурати соғлом, ва лек сийратда беморман ҳануз.
Гарчи мендан кечди бу дунё ҳануз мен кечмадим,
Барча тарк этган матоларга талабгорман ҳануз.
Тоату тақво учун, журъат топилмас танда ҳеч,
Нафси аммора ишин қилмоққа тайёрман ҳануз.
Гарчи Саҳвийнинг гуноҳининг ҳисоби йўқ турур,
Мағфират аҳли бўлишликдан умидворман ҳануз.

Нисор этсам

(Ота онамга атаб)

Етолмасман, йўлингизда, кўзимни интизор этсам,
Тилардим хизматингизда, азиз жоним нисор этсам.
Меҳрли онажонимсиз, азизим отажонимсиз,
Дилимни меҳрини сизларга, шеъримда зиҳор этсам.
Мунтазирман нурли сиймонгиз кўриш истаб мудом,
Илож йўқ соғиниб найлай, кўришни дилхумор этсам?
Ғанимат билмадим имкону фурсатни, хато қилдим,
На суд, қилмишларимни эсласам гар, оҳу-зор этсам?!
Бало келганда сабр айлаб, қазога рози бўлдингиз,
Шукрлиллоҳки, жоиз сиз билан мен ифтихор этсам.
Мурувват кўрсатишга, топмадим имкон, –тилагим шу,
Қариган чоғингизда бир меҳрла эътибор этсам.
Сабр айланг, бу кунлар ҳам, қиёматда бўлур маълум,
Худонинг олдида мен ҳақлигим тасдиқ қарор этсам.
Бўлинг биздан ризо, сизлар ки, Ҳақ сиздан ризо бўлсин,
Яратгандан дуо сизларга мен имкони бор этсам!
Ўғлингиз Саҳвий тилайдир, сизга Аллоҳ раҳматин,
На чора, энди қўлдан келган ишни ихтиёр этсам.

Дийда гирён бўлдингиз

Онажоним менга аввал иссиқ ошён бўлдингиз,
Қонингиз оқди вужудимда, менга қон бўлдингиз.
Отажоним сиз сабабли бизни пайдо қилди Ҳақ,
Қудратуллоҳ, сиз вужуди, ҳосили жон бўлдингиз.
Менга сизларни сабаб қилгандир Аллоҳнинг Ўзи,
Сиз менга гўё «қуёшу-моҳитобон» бўлдингиз.
Меҳр бирла ёшлигимдан парваришлар айлабон,
Қанчалар дард чекканимда, дийда гирён бўлдингиз!
Тангри берсин ажрини тун кечаларда ухламай,
Алла айтиб бешигим, устида посбон бўлдингиз.
Менга имон берди асли, сиз туфайлидан Худо,

Чунки имонга сабаб шу, сиз мусулмон бўлдингиз.
Қийналиб ишлаб ҳалол меҳнат билан бизни боқиб,
Бизга боққан ҳар балога, гўё қалқон бўлдингиз.
Кексайиб қолганда сизлар, биздан иззат етмади,
Яна бизни ташвишимиз, бирла сарсон бўлдингиз.
Қадрингизга етмадилар, улғайиб фарзандингиз,
Бемехр фарзандингиз ҳолига ҳайрон бўлдингиз.
Йўлларимга кўз тикиб-келгаймикан ўғлим,–дея,
Кеча-кундуз интизор, йўлга нигоҳбон бўлдингиз.
Бу на қисмат бўлди бизлар, барчамиз сарсон бўлиб,
Кексайиб қолганда йиғлаб зору-нолон бўлдингиз.
Қўп хатоликларга йўл қўйдим ҳаётда найлайин,
Ўлгунимча энди бу, қалбимда армон бўлдингиз.
Ҳасратим шу сизга ҳеч лойиқ мурувват қилмадим,
Неча кун бизнинг ҳузуримизда меҳмон бўлдингиз.
Менга олам ичра сиздан, афзал инсон йўқ эди,
Эй азизлар, доимо дардимга дармон бўлдингиз.
Сизга Ҳақ даргоҳида бергай мукофотин Ўзи,
Шояд, Аллоҳ раҳматига етган инсон бўлдингиз?!
Ўғлингиз Саҳвий, яратганга дуо айлар бугун,
Мағфират қилгай Ўзи, назмимда достон бўлдингиз!

Муддаосидан мени

Баҳраманд этдинг шукр, имон зиёсидан мени,
Энди қилғайсан омон, иблис балосидан мени.
Қўп адашдим эй Худоё, асрагил фазлинг била,
Қилмагил нафси ҳавонинг мубталосидан мени.
Шубҳасиз афзал эрур, Ҳақнинг ризоси дунёдан,
Ёрутгил кўнглим муҳаббатнинг жилосидан мени.
Ҳақни дўст тутмоқ шуки, ботилни тарк этмак керак,
Сақлағайсан фитналик дунё матосидан мени.
Эй кўнгил дунё муаммоси била ғамлар чекиб,
Чалғитарсан охиратнинг, муддаосидан мени.
Ҳақни севмоқ шарти бўлди, расулига иттибоъ,
Сўфиё, чалғитмагил, суннат адосидан мени.
Саҳвиё, мангу саодат истасанг қилгил дуо,
Қилмағай ҳаргиз жудо, Роббим ризосидан мени.

Интиҳоси деб билинг

Дунёга келмоқ синовни, ибтидоси деб, билинг,
То ажал етганда сизлар, интиҳоси деб, билинг!
Эй биродарлар туғилмоқ, бирла ўлмоқ ораси,
Бизга “имон имтиҳонин можароси” деб, билинг!
Асли шу мақсад билан дунёга келди, инсу-жин,
“Ҳосили умринг яратганни ризоси” деб, билинг!
Ёлғиз Аллоҳга ибодат айламоқ, динга асос,
Сиз бу мақсадни “яшашни муддаоси” деб, билинг!
Гарчи неъмат, молу-мансаб, бирла фарзанду аёл,
Айни пайтда сиз булар, “жоннинг жафоси” деб, билинг!
Барчамиз навбат билан, бир-бир ўтармиз дунёдан,
Кимки имонсиз борар, бахтин қароси” деб, билинг!
Сахвиё, шудир ҳаётда, инсу-жиннинг қисмати,
Ким бу маънидан узоқ, “Ҳақнинг қазоси” деб, билинг!

Ғам бўлмаса

Қувонч бўлмасди агар, ёнида ғам бўлмаса,
Яралмасди бу олам, жинсу одам бўлмаса.
Синов бўлмасди асли биз яралган бу дунё,
Бировдан биров ортиқ ва ёки кам бўлмаса.
Омонату оқибат иймон ҳосиласидир,
Яшай олмас одамзот хотири жам бўлмаса.
Дунёдаги ўткинчи шон-шарафдан не фойда,
Ҳақ қошида қиёмат, кун муҳтарам бўлмаса.
Қандай бўларди ҳаёт қилолмайман тасаввур,
Бир-бировдан ололмай юрган алам бўлмаса.
Сахвийнинг дил баёни, дилидаги армони,
Охир тавобу насиб, байтул ҳарам бўлмаса!

Дарди муҳаббат

Кўрмасайдим жамолинг эй покиза хилқат,
Тушди дилимга нетайин дарди муҳаббат.
Бу дард мани охир дилим айлади абгор,
Айттали дардимни санга, етмади журъат.
Фироқида ўтди умрим ки неча йиллар,
Қисмат экан менга унинг ҳажрида меҳнат.
Ғариблик даштини кездим зору саргардон,
Ишқингни дилимдан чиқара олмади ғурбат.
Дардингни дилим қаърида пинҳон айладим,

Истамадим айламоғин, эл мани ғийбат.
Кимки, «кўнгил дарди битар, йўқ бўлур» деса,
Қилган бўлур муҳаббатнинг шаънида тухмат.
«Бири кам дунё» деганлар, билгил Саҳвиё,
Битта эмас бешта», десанг, балки ҳақиқат?

Ичинда

Шунча одам тўртта девор ичинда,
Тушмаган билмагай зинҳор ичинда.
Кечаю кундуз йўқ ҳаловат, ором,
Доимо одамлар, бедор ичинда.
Жиноятчиларнинг жойидир бу жой,
Лекин яхшилар ҳам бисёр ичинда.
Бир-бировга бари буткул бегона,
Билмайсан кўнглини, не бор ичинда?..
Турарлар бир гапни гапирсанг ногоҳ,
Тилингдан тутишга тайёр, ичинда.
Қийиндир одамзот ўтказса умрин,
Шундай фирибгару айёр ичинда.
Ўзгача бир олам, ўзга бир дунё,
Кимлар ҳурматдадир, ким хор, ичинда?..
Ҳаётда иззатда яшаган кўплаб,
Одамлар яшарлар, ночор ичинда.
Бу ерда ҳам кўпдир ибратлар, Саҳвий,
Ўтирмаган билмас, не бор ичинда?!

Ўртагай

Дилни ҳижрон дарди бисёр ўртагай,
Куйдирар, тунларда бедор ўртагай.
Неча йиллар дарди пинҳон қийнади,
Энди бора-бора ошкор ўртагай.
Қафас ичра гулни ҳажрида булбул,
Дилни–қилган нолаи-зор ўртагай.
Интизор бўлган юраклар найлайин,
Изтироб, такрор-такрор ўртагай.
Ҳақдан ўзга билмагай дардим мени,
Эсга тушса номуси-ор ўртагай.
Саҳвиё, билсанг бу дард бир сен эмас,
Ҳар кишига бўлса дучор ўртагай.

Кўрмагунча

Куфрни ҳис қилмассан-имонни кўрмагунча,
Залолатни кўрмассан-қуръонни кўрмагунча.
Имон лаззатин тотмоқ, учун сабабдир куфр,
Билмассан яхши қадрин-емонни кўрмагунча.
Дарди балолар кўрмай яшаётган хотиржам,
Хурлик қадрига етмас-зиндонни кўрмагунча.
Албатта билмас одам-сидқу-садоқат қадрин,
Макру-ҳийлаю алдов, ёлғонни кўрмагунча.
Ҳайфдир ҳаёт неъматини, ҳар ким ношукр бўлса,
Бўлмас олимни қадри, нодонни кўрмагунча.

Ҳар нарасада ҳикмат бор-сен тафаккур этмассан,
Оламдаги муқобил-мезонни кўрмагунча.
Одам суратин кўриб, одам дегайлар Саҳвий,
Сийратида бир ваҳший, ҳайвонни кўрмагунча.

Алвидо

(Турмадан чиқаётганда ёзилган)

Алвидо, эй дўстларим, эй меҳрибонлар алвидо,
Келган ўхшар ажралиш вақти, ёронлар алвидо!
Бизни кўп синовга дуч этди Худонинг қисмати,
Билмадим қандай тугар, бу имтиҳонлар, алвидо!
Неча йиллар, тикан симлар ортида умри ўтиб,
Ноумидлик қилмаган, умри хазонлар алвидо!
Доимо очлик билан, калтак билан кун ўтказиб,
Ҳақ йўлидан қайтмаган, чин қаҳрамонлар алвидо!
Ҳақ нажот берсин биродарлар тилагим шу менинг,
Қолди қалбим сиз билан, эй қадрдонлар, алвидо!
Кеча кундуз одамизод қадрини барбод этиб,
Устимизда дўқ уриб, турган “аён”лар алвидо!
На ётишда, на туришда, на яшашда маъни бор,
Ҳидоятдан бенасиб, эй “нотавон”лар алвидо!
Зулм бирла етсин умрингиз ўзин поёнига,
Доимо заҳрин сочиб, чаққан “илон”лар алвидо!
Эрталабдан кечгача биз мадҳия куйлаб, яна,
Тонгача калтак еган, мазлум замонлар адвидо!
Саҳвий истайдир Худоё, энди ҳеч кўрсатмагил,
Кўргали йўқдир кўзим, нохуш маконлар алвидо!

Харидоринг сени

Бевафо дунё, нега кўп бунча хушторинг сени?!
Эр-хотин-ёшу-қари, бирдек харидоринг сени?!
Қанча дўстлар сен туфайли, бўлдилар бегоналар,
Тарк этиб меҳрин ўзаро, бўлдилар ёринг сени.
Ўғил-қиз, Ота-Онадин, сен сабабли бўлди оқ,
Оқибат барбод бўлур, қизғанда бозоринг сени.
Мубтало бўлган кишилар сен биланиқрор бўлур,
Бўлса гар бир роҳатинг, юзмингдир озоринг сени.
Кўп ёмон бўлган мусулмонларга дунё фитнаси,
Кўплар имонин сотиб, бўлди сазоворинг сени.
Фикр этармиз бўлмас обод, молу-давлатсиз ҳаёт,
Аслида кўпроқ машаққатлар бўлур, боринг сени.
Молу-дунёга муҳаббатдан ҳазар қил Саҳвиё,
Токи бўлсин давлату-дунё, талабгоринг сени!

Раҳматинга зор бўлиб

Раҳматинга зор бўлиб кутган эдим, кутгим яна,
Зору-интизор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.
Мен Сени амрингдаман, изнингдаман, ҳифзингдаман,
Толиби Дийдор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.
Орифи биллоҳ учун, ҳикмат аниқ, қудрат аниқ,
Ҳукминга тайёр бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.
Гарчи кўп осийману, ожизману, фазлинги мен...,
Жондан ҳам безор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.
«Комил имон бўлса йўлдош, тарк этай дунёни» деб,
Ғам била дучор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.
Барчаси ўткинчи Олам шодлиғи кайғуси ҳам,
Сабру тоқат ёр бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.
Ҳақ таоло нусратидин доимо айлаб умид,
Саҳвиё, ночор бўлиб, кутган эдим, кутгим яна.

Истарман

Ярим кўнглимни ё Раб, тўлдирмоғинг истарман,
Дилимдаги оташни сўндирмоғинг истарман.
Ғарибман бу зиндонда, фисқу-фужур ҳар ёнда,
Яшагандан ҳайронда, ўлдирмоғинг истарман!
Тилагим шу ё Аллоҳ, имоним айла ҳамроҳ,

Раҳматинг бирла гоҳ-гоҳ, кулдирмоғинг истарман.
Ўзинг марҳаматингдан, нажот бер офатингдан,
Дилимни раҳматингдан, қондирмоғинг истарман.
Ожиздирман Илоҳим, кечгил қилган гуноҳим,
Ҳақ аҳлини ҳамроҳим, қилдирмоғинг истарман.
Қўпаймоқда ёмонлар, золимлар зўравонлар,
Офиятли замонлар, бўлдирмоғинг истарман.
Саҳвий бас қил нолишни, машаққату ташвишни,
Қиёматга бу ишни, қолдирмоғинг истарман.

Бўлмаса

Найлайин, менга яшашдан энди, маъно бўлмаса?
Максаду орзуларим гўёки рўё бўлмаса?!
Неча йиллар бўлдики, мен дарбадар оввораман,
Қайга борсам бошима, ташвишу ғавғо бўлмаса?!
На яшашга қолди рағбат, на ҳаётга эътибор,
Бўлмасин, дарду балосиз ушбу дунё, бўлмаса?!
Максадим ушбу ҳаётдан, Ҳақ ризосидур мени,
Бўлмагай ҳожат яшаш, мақсадки пайдо бўлмаса!
Қилмадим ҳеч бир муносиб бандалик, дилпораман,
Манфаат борми амалдан, дилда тақво бўлмаса?!
Бизга бу олий шиорни, иддао этмак на суд,
Аввало олий шиор, қалбингда барпо бўлмаса?!
Фарқи ҳам бўлмас ҳаётни, ғам била хурсандлигин,
Атрофингда дардинга сирдошу, ошно бўлмаса?!
Ўтда куйдирсин мени, шу бутлару тоғутлар
Мен сиғинган, мен суянган, Тангри танҳо бўлмаса?!
Ёлғизу Танҳолигинга, зарра шубҳам йўқ мени,
Раҳм қил Саҳвийга охир, зору расво бўлмаса!

Ўлмағай

Олам ичра ҳеч мусулмон, дардга дучор ўлмағай!
Бедаво бўлган мусибатга гирифтор ўлмағай!
Бу мусибатлар ёмони тухмату бўҳтон экан,
Беайб бадном бўлиб, ноҳақ айбдор ўлмағай!
Қолмасин ҳеч ким ҳаётда ажралиб ўз қавмидан,
Қадрини билмас қавм ичра қолиб, хор ўлмағай!
Сақлай олмай охири ўз, одамийлик қадрини,
Алданиб нафси балосига гуноҳкор ўлмағай!
Тавбалар қилгил Худоға мағфират айлаб умид,

Тавба шарти шу, гуноҳ албатта такрор ўлмағай!
Жаҳолатдан маст бўлиб, ғафлатда ётган дил агар,
Энди ҳам уйғонмаса, ўлгунча бедор ўлмағай!.
Сахвиё, тавба-тазарруъ айла, собит бўл кейин,
Тавбалар бир кун, хижолатга сабабкор ўлмағай!.

Эмасми?

Оқиллар бу дунёга, лолу-ҳайрон эмасми?
Дунё ҳаёти асли, бир имтиҳон эмасми?!
Офият истаб олам, аҳли топмади ҳаргиз,
Чунки унинг асоси, мағзи, ёлғон эмасми?!
Бир-бирини рад қилиб, Ҳақ талашур одамлар,
Ҳақ устида ихтилоф, қилган ёмон эмасми?!
Дунё учун, мол учун, қон тўкишга на ҳожат,
Унинг барча бисоти, охир вайрон эмасми?!
Қани қанча жаҳонгир, дабдабали подшоҳлар,
Барчаси хоки тупроқ, ерга яксон эмасми?!
Арабми ё ажамми, насабда не фарқи бор?!
Барча одамни асли, битта инсон эмасми?!
Ҳаёт муаммосига Сахвий бўлмагил ҳайрон,
Булар шубҳасиз Одил, Ҳаққа аён эмасми?!

Айлар букун

Банданг арзини адо айлар букун,
Даргоҳинга илтижо айлар букун!
Ҳолима раҳм айла, ё Роббим менинг,
Раҳматинг, дил муддао айлар букун!!
Битмади ташвиш муаммоим ҳануз,
Душманам беҳад жафо айлар букун!.
Икки дунёда Ўзинг хор этмағил,
Мазлуминг нусрат рижо айлар букун!..
Ношукр бўлма кўнгил сабр айлагил,
Ҳар неки Роббинг қазо айлар букун?..
Бўлғуси шаксиз қиёмат ғам ема,
Ҳақ Ўзи одил жазо айлар букун!
Сахвиё имон саломат бўлса бас,
Бўлмаса юзингқаро айлар букун!

Айлама

Эй дўст дилингни бунча тор айлама!

Дардингни дардсизга изҳор айлама!
Дунёнинг ғамидан ҳаммада бисёр,
Охиратни ғамин ошкор айлама!
Бу дунё вайрони бўлмагай обод,
Бўлмаганни энди сен бор айлама!
Қайғуни қўй билким, фурсат ғанимат,
Азиз ҳаёт неъматин хор айлама!
Орзу ният тузоғига тушибсан,
Ўз-ўзинга ғамни бисёр айлама!
Шукр қилиб яша имкон борича,
Дилни балога гирифтор айлама!
Саҳвиё, дилинга қилгил насиҳат.
Бир хато қилдингми, такрор айлама!

Унутма

Эй дилим, номус-орингни унутма!
Ғурури эътиборингни унутма!
Қазо гирдоби тортса қай тарафга,
Униб-усган диёрингни унутма!
Агар етса мабодо, мулку давлат,
Унутма дўсти ёрингни унутма!
Ҳали барча халойикдан ҳисоб бор,
Шулар ичинда борингни унутма!
Камтарин бўл, ўзингни катта олма.
Ўз имкон иқтидорингни унутма!
Якин бил, бандасан бечорадурсан,
Улуғ Парвардигорингни унутма!
Қўлингдан келганинча яхшилик қил,
Омонат ихтиёрингни унутма!
Меҳр риштаси боғланган дилинга.
Дуоларинга зорингни унутма!
Қўп одамлар ўтди дунёдан Саҳвий,
Сан ҳам бир кун, барорингни унутма!

Истама

Энди сен Мажнун кўнгил, Лайлини кўрмоқ истама,
Ёки кеч мендан, менинг кўксимда бўлмоқ истама!
Дил қуши бир бора сайд бўлган эди, ишқ тўрида,
Фитналик саёд уни, тутмоққа сиртмоқ истама!
Эй кўнгил дунёни кезгил, тор қафасни тарк этиб,
Денгизу уммонни кўзла, жилға ирмоқ истама!
Дарбадар кезганда оламни агар гул учраса,
Тарк этиб кет, ҳаргиз ҳамроҳликда юрмоқ истама!

Чунки,ҳар гулда тикан бор, фитнадир бошдан оёқ,
Шунча куйгандинг етар бас, энди куймоқ истама!
Нафсига таслим бўлур дил, Роббига боғланмаса,
Зикри Ҳақдин ўзгага, ҳеч дилни бермоқ истама!
Йўқса эй дил, тарк этиб Саҳвийни кўксин кет йироқ,
Сен менга мангу карам, йўлини тўсмоқ истама!

Бормикан

Дўстларим оламда мендек расво одам бормикан?,
Менда Ҳақ рози бўлиб ўтган бирор дам бормикан?!
Мен Худога қилмадим лойиқ ибодат ҳеч қачон,
Менда бисёр маъсият, солиҳ амал ҳам бормикан?!
Изтироб босгай дилимни охиратни ўйласам,
Эй, биродарлар бу янглиғ, дардга малҳам бормикан?!
Ўз дилимни англай олмасман ўзимча айтаман,
Бу кўнгилда ҳам қиёмат, хавфидан ғам бормикан?!
Қанчалар интилмасин дил мақсадига етмади,
Дунёда кўнглимга маъқул, ёру маҳрам бормикан?!
Билки гуллар ҳеч тиконсиз бўлмагай олам аро,
Айтинг Ҳақдин ҳам муқарраб, дилга ҳамдам бормикан?!
Саҳвиё, зикр ила бўл, шудур мақоми мўътабар,
Кимса, зокирлардан афзалроқ мукаррам, бормикан?!

Шариатдан гапир

Гапирсанг бизга биродар,, сен шариатдан гапир,
Амри-маъруф, наҳй-мункар қил, насиҳатдан гапир!
Қалбимиз севмайдиган, ё ақлимиз етмайдиган,
Нарсаларни айтма бизларга, ҳақиқатдан гапир.
Ҳеч қачон битмас, бу оламнинг муаммосин қўйиб,
Ё қиёматдан ва ё, дўзах ва жаннатдан гапир.
Эътиқод, имон ибодат, ширк нима, тавҳид нима,
Ақлий ҳужжатларни қўй, қуръону-суннатдан гапир.
Ўтдилар дунёдан Аллоҳнинг ризосини олиб,
Бизга, асҳоби киромдан, аҳли ибратдан гапир.
Қалбда кўп иллат бугун кибру ҳасад фисқу риё,
Дилни дардининг давоси, илму ҳикматдан гапир.
Саҳвиё, аввал ўзингни ўнгла,сўнг даъватга чиқ,
Ботил ҳужжатларни қўй, тақвою тоатдан гапир.

Тайёр бўл

Эй кўнгил, ғафлатда етмай тургилу бедор бўл,
Ушласанг имон йўлин, келгай синов тайёр бўл!
Бизга қилгандир балони келмоғин қуръон хабар,
Энди собит тур, синов устида устивор бўл!
Чунки имон йўлининг, аввалдан охир суннати,
Шу экан, таслим бўлиб, тасдиқ қилиб, иқрор бўл!
Кимни имони зиёд бўлгай, ким имондан жудо,
Дилни хавфдан холи этма, доим уммидвор бўл!
Кўп зулм қилдинг мусулмонларга эй золим, бориб...,
Фиръавн, Намруд билан дўзах тубида хор бўл!
Зийнати дунё ва дунё аҳли, мафтун этмасин,
Жаннатини истасанг, Ҳақ аҳли бирла ёр бўл!
Саҳвиё, Ҳақ раҳмати, жаннатдан афзал англасанг,
Ҳам ризосини тилаб, ҳам толиби дийдор бўл!

Соғинч азоби

Соғинч азоби оғир, дил диёрни соғинар,
Маҳбусликда қон кўнглим, ихтиёрни соғинар.
Мусофирлик маҳбуслик, муҳожирлик мазлумлик,
Бошидан ўтмагунча, ким мазорни соғинар?!
Яқинлару-сирдошинг, қариндошу-қардошинг,
Хор бўлса ғариб бошинг, эътиборни соғинар!
Доим бўлиб интизор, яшамоқлик ҳам душвор,
Сўхбатларига дил зор, дўсти ёрни соғинар.
Чиқса бу ғариб жоним, тугарми имтиҳоним?
Менинг руҳи равоним, Бийруборни соғинар.
Муддат бордир ўлимга, муайян манзилимга,
Пок руҳлари йўлимга, интизорни соғинар.
Саҳвий, сабр эт балога, шукр айлагил қазога,
Дил интилиб уқбога, тез борорни соғинар!

Келмади

Ё Раб, мен кутганим замон келмади,
Тоқатим бўлди тоқ, ҳамон келмади?!
Ҳали ўзгармади ғамлик ҳаётим,
Ҳали ҳам дардима дармон келмади.
Ҳаётдан безору ҳам беқарорман,

Бир илож қилгудек, имкон келмади.
Умид қилиб кутдим ҳануз кутарман,
Офият, нега биз томон келмади?!
Балога собиру, Қазога рози,
Бўлишлик биз учун, осон келмади.
Ботилни мағлуб ва ҳақиқат ғолиб,
Бир кун,бўлишига гумон келмади!
Саҳвиё, тақдирда қисмат битилган,
Кўрмайин кетувчи инсон келмади?!

Дегайлар

Боғбон–изласанг, «бўстонда» дегайлар,
Чўпон–чўлу-»биёбонда» дегайлар.
Десанг; «шоҳу–гадо бўлмас баробар»,
«Баробардир,қабристонда» дегайлар.
Десанг «бу дунёда борми, тинч ҳаёт?
«Тикан ҳам бор гулистонда» дегайлар.
Десанг «барча дилда бўлар муҳаббат»,
«Гул унмагай қаҳратонда»-дегайлар.
Десанг «Ҳақ дўстлари само кезарми»?
«Ҳазрати Исо осмонда»-дегайлар.
Десанг «бу ҳаётда борми ҳақиқат»?
«Ҳақ нозил бўлди,қуръонда» дегайлар.
Десанг «мени гуноҳим кўп нетарман»?
«Умидсизликни шайтонда» дегайлар.
Десанг; «тақдир битилгандир азалдан».
«Ихтиёр ҳам бор инсонда»дегайлар.
Десанг; «ғазал шайдосидирман Саҳвий»,
«Сеҳр ҳам бордир, баёнда»-дегайлар.

Билмассан

Эй, банда ғофилдурсан-ибодатни билмассан,
Билдинг дунёни илмин -ҳидоятни билмассан.
Сенга ғолиб жаҳолат-йўқ имоний ҳаловат,
Тутган йўлинг залолат-ҳаловатни билмассан.
Интиларсан тутмассан-югурарсан етмассан,
Топганинга тўймассан-қаноатни билмассан.
Жаҳолат ичра доим -молу-мансаб дунёдан,
Бахт излайсан ҳақиқий, саодатни билмассан.
Ҳаёт ташвиши битмас-ҳар кун ҳар хил муаммо,
Оёқ остинда турган, фалокатни билмассан.

Оч кўзингни эй инсон-ҳақ йўлига қайт энди,
Сани кутар олдингда, кўп офатни билмассан.
Бошқалардан ибрат ол-ўзингни ҳақ йўлга сол,
Яқиндурким эҳтимол, қиёматни билмассан?!
Гувоҳ бўлғил ё Раббий-етказиб қўйди Саҳвий,
Эй банда кўп ҳикматни, кароматни билмассан!

Умид

Ҳақ ризосидир ҳаётим, ибтидосидан умид,
Ҳар киши қилғай ўзин Роббин ризосидин умид!
Мақсадим ушбу ҳаётдин ҳақ ризосидур фақат,
Банда албатта кутар ўз муддаосидин умид!
Ким оловдан, кимки тошдан, ким қуёшу – ойдан,
Ким қилар Маъбуд, дея нафси-ҳавосидин умид.
Кимки сувдан, кимдир ҳайвон, ким жину шайтондин,
Ким кутар дардига арвоҳлар шифосидин умид.
Кимдир ўйлар молу дунё, мансаби бўлса, тамом,
Ким қилар фолбин дуохонлар давосидин умид.
Бир фараз айланг, турибди бирга, шоҳ бирла гадо,
Турсалар халқлар тилаб, ҳожат гадосидин умид!
Бу масал оқил кишиларга етар ибрат учун,
Айлағай Савҳий фақат, ёлғиз Худосидин умид!

Истама

Бевафо дунёда вафо истама,
Айшу ишрат, кайфу сафо истама.
Бу дунёда роҳат фароғат кўзлаб,
Ўз жонинга ўзинг жафо истама.
Ҳақ зикрисиз бўлмас дилинг хотиржам,
Бу дард учун бошқа даво истама.
Яна бу дунёга қўйиб муҳаббат,
Ўз бошингга битмас бало истама.
Гарчи кўнгил истар хотиржам ҳаёт,
Айни ўша катта хато, истама!
Дил мулкига шайтон бўлар ҳукмрон,
Кейин тугамайди ғавғо, истама!
Дунё истаганлар кўп ўтди Саҳвий,
Улардан ол ибрат, асло истама!

Билмаслар

Ҳаром ҳариш ейдилар, тўйганни ҳам билмаслар,
Қадру қимматига қўл қўйганни ҳам билмаслар.
Нафси тўла ҳукмрон, уни бошқарар Шайтон,
Инсофининг кўзини ўйганни ҳам билмаслар.
Дили тош қотса инсон, бўлар ҳайвондан ёмон,
Қалби қабоҳат билан тўлганни ҳам билмаслар.
Қалбни ўлгани шудир, жасадида аввалроқ,
Лекин бу ўлик қалблар, ўлганни ҳам билмаслар.
Эси паст, бефаросат, бўлиш бу катта офат,
Ўзининг нафсига қул бўлганни ҳам билмаслар.
Саҳвий, дил ҳам гул каби, парваришдир талаби,
Лекин сўлар гул каби, сўлганни ҳам билмаслар.

Англамас

Одам эрмас ким яшаб турган, жаҳонин англамас,
Умр мазмунин, ҳаётнинг имтиҳонин англамас.
Бир тафаккур айламак, лозим ахир инсон учун,
Йўқ ажаб, ҳайвон агар, одам забонин англамас!
Бефаросатлар куфр водийсида сарсон эрур,
У ҳаётида йўлин, манзил-маконин англамас.
Бемурувват бемехр, бегонадан не фарқи бор?
Дўст эмаслар, бир-бирин сирри-ниҳонин англамас.
Оқил одамларнинг иши, доимо ҳикматлидир,
Чунки, нодон сўз ва иш вақтин,замонин англамас!
Шунча йил умр ўтказиб, оламда бу ақлим мени,
Одамизоднинг ҳануз, яхши-ёмонин англамас.
Саҳвиё, билким шуаро аҳлининг тақвоси йўқ,
Ўзига ҳар шеърідан, етган зиёнин англамас.

Жудо

**Ё Раб, ўлғон чоғда жоним,жисми вайрондан жудо,
Ул бўлиб мундин жудо, Сен бўлмағил ондин жудо!**

(А. Навоий)

Қанча жонлар бўлдилар,бу жисми вайрондан жудо?
Бўлғуси хоки туроб, бўлгач жасад жондан жудо!

Жаннат ичра сайр этар,энди қиёмат кунгача,
Жон кушиким бўлмаган бўлса, гар имондан жудо!
Ҳам жасад барзах ҳаётинда, Худо фазли билан,
Эътиқод шу,бўлмагайлар, лутфу эҳсондан жудо!
Руҳи поклар шод бўлиб, кезгай беҳишт бўстонини,
Чунки, бўлгайлар бу дунё, номли зиндондан жудо!
Энди Аллоҳ дўстларига, йўқ эрур хавфу хатар,
Билки бўлгандир улар, қайғу ва армондан жудо!
Қиёмат кун жон жасадга қўшилиб киргай яна,
Ўзга бўлмаслар бу мангу, боғи-бўстондан жудо!
Аҳли жаннатларга махсусдир ризою-рахмати,
Этмагил Саҳвийни ҳам,ё Раб шу имкондан жудо!

Карбалонинг даштини

Сайр этиб кездим ҳаётда кўп балонинг даштини,
Аҳли байт кезган мисоли, Карбалонинг даштини.
Истарам мен офият топмоқ бало даштин кезиб,
Ким топибдир офият, кезмай фанонинг даштини?!
Лек етолмадим ҳануз ҳам, водийи тақвога мен,
Қанча саргардон кезиб, нафсу ҳавонинг даштини.
Сабр водийсига ўтдим, энди истиғно билан,
Тарки лозим ғайри ҳақдин, мосувонинг даштини.
Эй биродарлар, менинг тавҳид шиоримдир фақат,
Азм этдим энди қатъ айлай, ризонинг даштини!
Бу ҳақиқат бирла охир, Ҳаққа етмоқ истагим,
То Навоийдек кезиб назму навонинг даштини.
Илтижо қилмоқ керак Саҳвий, ижобат Тангридан,
Қил таваккул, сайр этиб чиққил маъоний даштини.

Меҳмонинг сени

Эй, ҳаёт биз неча кун, бағрингда меҳмонинг сени,
Бермас ҳеч ором бу меҳмонига, шайтонинг сени.
Кўп ўқидим одамизод, таъриху достонини,
Хиёнат бирла тўла, таъриху достонинг сени.
«Ҳақиқат ғолиб бўлур», дерлар,бу кунда аксидир,
Фарқи борми айт букун, рост бирла ёлғонинг сени.
Қон тўкилган доимо, мансаб амал дунё учун,
Қон билан гўё бўялган, қасру-айвонинг сени!
Макру-ҳийлангдан,яратгандан сўрайдирман паноҳ,

Бўлмагай ҳаргиз дилим, мафтуни ҳайронинг сени!
Қанчалар қочсамда баъзан, кўнглими ром айладинг,
Бормиди мендан ололмай, юрган армонинг сени?!
Ўтди умринг бу ҳаётда, энди яхшими-ёмон?
Саҳвиё, гар бўлса ҳамроҳ, басдир, имонинг сени!

Англасанг

Дунё учун одамзод,фидо бўлар англасанг,
Умрим тугаб бир куни, адо бўлар англасанг.
Молу-мулк фарзанд аёл,зийнат экан дунёга,
Шуларни деб, подшоҳлар, гадо бўлар англасанг.
Соғинч азоби ёмон,мехр қўймайди омон,
То ўтгунча ҳаётдан, бало бўлар англасанг.
Тарк айла ўзни буткул,Аллоҳга қил таваккул,
Юрагинг дардига шул, даво бўлар англасанг.
Имоннинг йўли оғир, қон бўлар жигар бағир,
Топсанг ҳосили охир,тақво бўлар англасанг.
Иблисга қул кўп инсон,фарқи йўқ, куфру-имон,
Икки дунё бегумон, расво бўлар англасанг.
Билсангиз шарр ва офат,мўминларга шарофат,
Чунки, роҳи ҳидоят, пайдо бўлар англасанг.
Булар Ҳақ йўлни тутти, аҳли дунё унутти,
Ғариб мазлумни дўсти, Аллоҳ бўлар англасанг.
Саҳвиё,қилма гумон,келар сен кутган замон,
Сабр тагинда сарик, тилло бўлар англасанг.!

Санга

Эй, кўнгил, имон йўлинда етди бу меҳнат санга,
Билки пайдо бўлди имкон,топмагинг раҳмат санга.
Шукр қил Роббинга ушбу ғам учун,озор учун,
Сабр этиб ажрин олишга, етди бу фурсат санга,
Анбиё-авлиёларнинг йўлидир ушбу йўл,
Бас, бу йўлда келмоғи турли бало, суннат санга.
Шукр айтгил етди бу суннат, зулм, зиндон учун,
Охиратга бўлса бир ҳужжат, улуғ давлат санга!
Қўр ўқиб таърихни, кўр Тангри каломин фикр этиб,
Келди бу майдонда турмоқлик учун навбат санга!.
Куфр ила имон курашгай то Қиёматга қадар,
Қай тарафда колганинг эслаш, улуғ неъмат санга!
Бизга асхоби киромлар, ўтган аждод давридан,
Кўп эрур ҳужжат, далил, олсанг агар ибрат санга.
Сураи ёсин ўқиб кўргил Ҳабиб Нажжорни,
Ҳақ йўлини “Ҳақ!” демоққа, етдими журъат санга?!

“Унга айтилди; мукофотинг шуки “жаннатга кир”,
Кошки бўлгай ғамларинг ажри бориб жаннат санга.
Тарк этиб дунёни ўткинчи ҳавас орзуларин,
Бахт шудир, кўрсатса Ҳақ даргоҳида иззат санга!
Балки Роббинг гуноҳингни авф этиб фазли билан,
Берса Солиҳлар сафинда бир мақом қурбат санга.
Куфри имонни аросинда туганмас ихтилоф,
Аҳли имон бўлмагунча бўлмагай нусрат санга.
Чунки, Иблисдан сени Роббинг бўлур ғолиб мудом,
Бор бу ҳолатда агар билсанг улўғ ҳикмат санга!
Дилни қил хотиржам энди, беҳуда қайғуни қўй,
Ўлсанг имон бирла ўлмаклик бўлсин ният санга.
Балки золимлар сабаб етгай шаҳодат неъмат,
Бўлғуси аждоду авлодинга бу ҳужжат санга.
Эй Худое, ато этгил аҳли Исломига нажот,
Бизга илтижо қилиш хосдир, ҳукм Кудрат Санга.
Холиқо ожиз ғарибман, Сенга аҳволим аён,
Мағфират қил гарчи лойиқ қилмадим тоат Санга!
Ота-онам бўлди ё Раб, раҳматинга интизор,
Раҳмат этгил чунки хосдир мағфират раҳмат Санга!
Бирлигинг ҳаққи дуоимни ижобат қил мени,
Ўзга маъбудлик даъво этмак бўлур туҳмат Санга!
Сахвиё килғил таваккул Роббинга, қил дилни шод,
Бил, Унинг тақдиридандир, етса не қисмат санга!

Кўриб

“Кимки бу дунё матосини истаб амал қилса, унга шу дунёда мукофотини берамиз. Унинг учун охиратда насиба йўқдир!” (Шўро сураси, 20 оят).

Ҳақ билур кўнгилдаги фикру-маҳолингни кўриб,
Бергуси ажру жазо, шу ҳатти-қолингни кўриб.
Сен бу дунёни мукофоти учун қилсанг амал,
Баски, “олдим” деб, тушун мансаб ва молингни кўриб.
Ўлгунингча балки кўрмассан ҳаётингда завол,
Охиратдан уз умид, топган камолингни кўриб!
Ҳақ гувоҳдир, охиратдан ҳеч насибанг йўқ сени,
Чунки, ўтдинг барча айшу бемалолингни кўриб.
Охиратни дунёга сотмоқ нечук шармандалиқ?
Не бўлур ҳолинг, Яратган Зулжалолингни кўриб?!
Ҳақ ризосини бериб топган матоинг англағил,
Бевафо бу молу-мулк, фарзанд аёлингни кўриб!
Сахвиё, шаксиз Худонинг ваъдаси барҳақ эрур,
Ўзи раҳм этгай сени, афтода ҳолингни кўриб!

Хаёлингдан Сени

То йироқ тушдим азизам мен жамолингдан сани,
Бўлмади топмоқ хабар имкони ҳолингдан сани.
Доимо сарсон, ғариблик даштида оввораман?,
Ўтди ойу-йилларим фикру-хаёлингдан сани.
Борми эй, дунё бирор кимсаки сен қилган вафо?
Фарқи йўқдир ҳеч камолотинг, заволингдан сани?
Эй кўнгил, тақдир экан шу, ўтди фурсат бўлди кеч,
Энди не фойда, бу қилган оҳу-зорингдан сани?!
Хотира, армон овунчоғим фироғинг шомида,
Эсласам хуш хотирим, дунёда борингдан сани.
Кўнгил боғида хазон бўлган, умидим гуллари,
Қисмат ўзгармас экан, азму қарорингдан сани.
Саҳвиё, сан бунча бахтим шўр» дебон, қайғурма кўп,
Чунки, бу ишлар эмасди, ихтиёрингдан сани!

Зикри Худонинг қадрини

Юрмаган зулмат аро, билмас зиёнинг қадрини,
Билмагай жоҳил одамлар, авлиёнинг қадрини.
Бўлди инсонга шараф, ростлик ила меҳру-вафо,
Бефаросат билмагай меҳру-вафонинг қадрини.
Бўлмаса эрда ғурур, бўлмас аёлида ҳаё,
Беҳаёлар билмагай, шарму-ҳаёнинг қадрини.
Масал бордирким; «касал бўлган одам бўлғай табиб»,
Токи дард чекмай туриб, билмас шифонинг қадрини.
Дарди-ғам меҳнат-машаққат тортмаса инсон агар,
Қайда билсин тинч-ҳаёт, кайфу-сафонинг қадрини?!
Одамизод билмагай, Оламда бўлмасдан жудо,
Ҳеч бирор неъматни, бир ютган ҳавонинг қадрини.
Зору-саргардон юриб, кўрмаганлар билмагай,
Ота-она-дўсти-ёр, хеш-ақрабонинг қадрини.
Саҳвиё Роббинга-тоат, айламансан субҳу-шом,
Билмадинг ҳеч, лаззати зикри-Худонинг қадрини!

Оҳанграбоси борми?

Гўзалларни, билмайман, оҳанграбоси борми?!
Дилларни ром айлайди, ё бир балоси борми?!
Мафтун этиб бу кўзлар, куйдиради боққанни,
Шунчалар ҳам бу кўзлар, меҳригиёси борми?!
Деманг, «Фарходу Ширин»,» Лайли Мажнун» достонин,
Муҳаббат афсонасин ҳеч интиҳоси борми?!
Шоир қалам қоғози ожиз, баён этишдан,
Айтинглар бу туйғуни, шарҳин адоси борми?!
Интизор дилни ҳардам, куйдирса дарди ҳижрон,
Висолидан ўзга бу, дардни давоси борми?!
Қанчадан қанча мағрур, бошлар эгилди охир,
Бу йўлда фарқи йўқдир, шоҳу-гадоси борми?!
Ҳижронда ўтди умри, дўстлар Саҳвийни айтинг,
Шу жазога лойиқ бир, қилган хатоси борми?!

Диннинг камоли бўлса

Не саодат, ҳар кимни жуфти ҳалоли бўлса?
Итоатли, муслима, шарму ҳаёли бўлса?!
Маъноли боқса доим, ақл берган Худойим,
Ширин сўзли мулойим, нозик иболи бўлса!
Жилмайиб кулганида, гулдек очилганида,
Хусн қўшар хуснига, лабларда холи бўлса.
Бўлса мушфиқ, меҳрибон, дилингда қолмас армон,
Ет қадрига, шул жонон, диннинг камоли бўлса?!
Ўйланиб юрма ўртоқ, қилгил ўзингдан узоқ,
Ўтганинг яхши бўйдоқ, умринг заволи бўлса?!
Ҳақ амрин айлар канда, эрни қилар шарманда,
«Кирмас жаннатга банда, кибру ҳаволи бўлса»!!
Дўстлар ўқиб бу шеърни, айб айламанг Саҳвийни,
Шундай гўзал «парини, топмоқ ҳаёли бўлса!

Ғазал бўстонида

**Истадим сайр айламоқни мен ғазал бўстонида,
Кулмангиз, «не бор санга?» деб, Мир Алишер ёнида?!**

(Эркин Воҳидов)

Мен «ғазал боғин» кезиб кўрдим, уни боғбони ким?
Ким сипоҳи, ким эшикбон, қасрида посбони ким?!
Ким бу боғни салтанат қасрида хизматкор эрур?,
Лашкари ким, Беклари ким, тахтининг Султони ким?!
Шеъриятдан бохабар бўлган киши, таслим бўлур,
Ўқиганда гар Навоийнинг ғазал достониким!
Шубҳа қилмаслар бу кунда, шоири туркий забон,
Беш асрким, назми Турон Мулкининг Ҳоқони, ким?!
Асли бўлгандир каромат Тангридан бу истеъдод
Чунки, фатҳ айларди, бўлса ҳар киши имкони ким!
Кўр Навоийни тасаввуру «хаёл осмони»ни,
Олдида паст бўлди гўё, бу жаҳон осмониким!
Саҳвиё, сен бу ғазал бўстонини қилма ҳавас,
Истеъдодинг йўқ, қабул этмас ғазал бўстониким?!

Ким кўрибди?

Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин сизларга ёрдам берилмас.

(Худ сураси 112 оят)

Ким кўрибди тожу-тахтга мубталолардан хайр?
Мол била мансабга қул, рўйи сиёлардан хайр?!
Дин била имоннинг қадри шунчалар арзонмиди?
Нега мўминлар кутар, казо-казолардан хайр?!
Қилмангиз «Золим нажас»лар ҳаққига хайри дуо,
Икки дунё топмағайсиз, бу дуолардан хайр!
Боғламанг дилни, буларнинг салтанат амволига,
Кўрмағайсиз, ҳеч бу дарди бедаволардан хайр!!
Кўп улуғ зотлар ҳаётдан ўтди, ғам ҳасрат чекиб,
Сабр айлаб топдилар, офат-балолардан хайр!
Ёлғиз Аллоҳга таваккул айлаган «подшоҳ»эрур,
Билки, «подшоҳ»истамас, ҳаргиз «гадо»лардан хайр!
Ибрат олмоққа кифоядир Набийлар қиссаси,
Кутмангиз Ҳақни қўйиб, ботил «худо»лардан хайр!!
Саҳвиё, Ҳаққа таваккул айла, тарк эт барчани,
Кутма ҳеч, кўнгли тўла «кибру-ҳаво»лардан хайр!

Манга

Етди бу имон йўлида, кўп балолардан манга,
Асли бу мерос етиб келган, боболардан манга.
Чунки, бу йўл анбиёлар, авлиёлар йўлидир,
Келди шу зотларга келган, кўп жафолардан манга.
Давр ўтар, инсон ўтар, имон ўша, инсон ўша,
Куфр ҳам келган, узоқ даври аролардан манга.
То қиёмат куфру-имон, ихтилоф этгай мудом,
Қолди ибрат, Ҳақ йўлида, жон фидолардан манга!
Айланиб даврон, бугун мен бу синов майдонида,
Ҳақ ризосига эришмоқ муддаолардан манга!
Сабр бер, собитқадам қил, ўткар имоним омон,
Ўлмак афзал, хорлигу, тўхмат жазолардан манга.
Бандаман рози қазога, келса нусрат йўқ ажаб,
Сабр этиб, шукр ила қилган, илтижолардан, манга.
Умид айлаб раҳматинг, Саҳвий қилур, ё Раб, нидо,
Офият бер, бу туганмас, можаролардан манга!

Талх

Айлаган гардун менинг комимни талх,
Дарди ҳижрон ичра айёмимни талх.
Тотли эрди ҳажри ҳам васлин кутиб,
Кетди уммид, қилди ҳижронимни талх.
Ташнадир лаъли лабига дил бугун.
Қилди дарди, бу ғариб шомимни талх.
Телбадирман бу ҳажр айёмида,
Дарди фироқ этди оромимни талх.
Қарбалонинг даштида Мажмун мисол,
Айлаган шоми ғарибонимни талх.
Талх бўлибдир назму наво таъми ҳам,
Ҳажри қилди лафзу каломимини талх.
Саҳвиё, талх бўлса шеъринг йўқ ажаб,
Чунки, ҳижрон қилди илҳомимни талх.

Дерлар

Дерлар; ошингни ичгил кўчада, бўлса ҳалол,
Беминнат бўлса нонинг, муаммо йўқ, бемалол.
Лекин, кўчада минглаб очлар яланғочлар бор,
Сенинг ошингни кўрса, уларга келгай малол.
Қара миллион миллионлаб, сарсон саргардонларни,
Виждони бор одамни ўйлантирар бу аҳвол?!
Қўшниси оч турганда, мўмин қорнин тўйғизмас,
Бугун қўшнилари очдир, қорнимиз тўқ, бу не ҳол?!
Менга оғир бугунги қочоқларга қарашлик,

Эй бойвачча ошна сен, ҳам уларга назар сол!
Бу дунёда азалдан, адолат бўлган эмас,
Қаранг кимлар оч наҳор, кимлар тўплар дунё мол?!
Саҳвий сенда бўлмади, мол мулк топишга имкон,
Топганда балки сен ҳам, бермас эдинг эҳтимол?!

Етмадим орзуга ҳеч

Етмадим орзуга ҳеч, орзу ҳавас қилган билан,
Хотирим жам бўлмади, орзуни бас қилган билан.
Қалбида сидқу садоқат бўлмаган улфатни сен,
Охири барбод неча йил, ҳам нафас қилган билан.
Кўнгил тори нозик бўлгай, узма сўз тошин отиб,
Мабодо узсанг, тузалмас, сўзни бас қилган билан.
Ҳақ Таъоло даргоҳида, мўътабар бўлган киши,
Мўътабардир ким уларни, хору хас қилган билан.
Аҳли ҳақнинг наздида, ҳақ аҳлининг қадри баланд,
Паст саналмас, аҳли дунё, уни пас қилган билан.
Расулуллоҳ дедилар; «мўмин киши бўлмас нажас,»
Гарчи, вужудин нажосатлар нажас қилган билан.
Саҳвий, комиллик орзу қилмагил, дунёда ҳеч,
Бани Одам комил бўлмайди ҳавас қилган билан.

Дилни гадо этмоқдасиз!

Бугун сиз роҳат қилиб, кайфу сафо этмоқдасиз,
Билмагайсиз, аслида жонга жафо этмоқдасиз.
Сизда бор имкон шароит, молу — дунё барчаси,
Ғанимат билмай бу фурсатни хато этмоқдасиз.
Эй биродарлар, унутманг зиммангизда ҳаққи бор,
Кимсаларни, ушбу ҳаққидан жудо этмоқдасиз.
Кеча кундуз молу дунёнинг изидан чопа чоп,
Бевафо дунёга сизларму, вафо этмоқдасиз?
Эртами кечми, қачон келгай ажалдан беҳабар,
Бунча қийнаб жонни ким учун фидо этмоқдасиз?
Аҳли дунёнинг мисоли сизга ўрнатилди,
Нега ботилга умр нақдин адо этмоқдасиз?!
Саҳвий сизни қайтарар, дунёга қуллик аҳдидан,
Чунки, бой бўлган сари, дилни гадо этмоқдасиз?!

Ғарибликда ўтар умрим

Ғарибликда ўтар умрим, оху — зорим шу менинг,
Қазонинг ҳукми билан, келган диёрим шу менинг.
На азал тақдирга чора бор, на дардимга даво,
Ажал етса энди шу, манзил, мазорим шу менинг.
Душманимдан кўрмадим мардликни, дўстимдан вафо,
Дўсту душманларни тарк этдим, қарорим шу менинг!
Бир мусофирдек ўтарман, бевафо дунёсидан,
Қисматим бўлган ғариблик, ифтихорим шу менинг!
Ғолибу мағлуб бари, ўтгай кураш майдонидан,
Гарчи мағлубман, курашмоқ, номус — орим шу менинг!
Дилимнинг дардини назмим, фош этар олам аро,
Не қилай, мен бесабр, бечора, борим шу менинг?!
Сахвиё, бир кун ўтарсан, дилда армонинг билан,
Насиб этгай раҳматини, интизорим шу менинг.

Ажиб даври даврондир

Ажиб даври даврондир, кўринг имтихонини,
Тўқмоқдалар мўминлар, мўминларнинг қонини.
Шум хабарни эшитиб, бўлар дилимиз хуфтон,
Бу хабарлар тинч қўймас, ҳеч кимнинг виждонини.
Ғам устига машаққат, машаққат устига ғам,
Нима қилмоқлик керак, айтинг бир имконини!
Наҳот бу барчасига, ИАК зулми айбдор,
Қонлар билан ёзинглар, ИАКнинг достонини.
Эй одамлар, қаранглар, қанчалик даҳшатли ҳол,
Кўринглар бизга насиб, этган бу давронини.
Юртин севган виждонли, инсон бўлса, бўлди хор,
Қачон топар бу миллат, шавкатини шонини?!
Бу умматнинг ҳолига ғам чекар Сахвий доим,
Ҳақ саломат асрасин, мўминлар имонини.

Қазо ҳукми экан

Дилим ҳажринг ила, юз пора бўлди,
Давосин топмайин, оввора бўлди.
Васлинг хаёлида хотир паришон,
Чорасиз қолдию, бечора бўлди.
Ҳижрон водийсида кезиб саргардон,

Кўзимнинг ёшлари фаввора бўлди.
Сани излаб, кезар руҳим самони,
Етти иқлим кезиб, сайёра бўлди.
Хусн маликасин севган, гадо дил,
Ҳаётда бу «хато» бир бора бўлди.
Доим ошиқларнинг қисмати ҳижрон,
Висолин неъматин ағёра бўлди.
Саҳвий, истамасдинг бундай оқибат,
Қазо ҳукми экан, начора, бўлди?!

Изладим

Дунёда бир комил инсон изладим,
Лекин тополмадим, чандон-изладим!
Ҳаётда йўқ экан мукаммал инсон,
Мен бўлиб оввора сарсон изладим.
«Уламолар ичра изланг» дедилар,
Тополмадим, лекин ҳар он изладим.
Фақат пайғамбарлар «маъсум» эканда,
Мен буни англамай нодон, изладим.
Одамзод холимас экан хатодан,
Буни англагунча ҳайрон, изладим.
Мўминларни қадри тақво биландир,
Билдим ўқиб ҳадис-қуръон, изладим.
Эй Саҳвий, тавбаю-тақво қилиб кет,
Билдимки, Меҳрибон Раҳмон, изладим!

Ё Раб

Ё Раб, осий бандаман ким ўзим нафсимни хор эттим,
Қўлимдан келмаган ишни қилишликни шиор эттим.
Мустабид зулмига мен рози бўлмасдан кураш бошлаб,
Шеърларимда дилимнинг нафратини ошкор эттим.
Бу майдонда жадал қилганда битта мақсадим бўлган,
Золимлардан мазлумлар қасдин олмоққа қарор эттим.
Бу миллат бирлашиб эрки учун бошлар курашни деб,
Қилиб жидду жадални қанча умримни нисор эттим.
Кулмади ҳеч бизга толеъ, ихтилофлар адо бўлмас,
Пароканда гуруҳни тарк этишни ихтиёр эттим.
Кутиб золим заволини, паришон хотирим буткул,
Нетай энди бугун мен ўзгалар юртин диёр эттим?!
Бу не юзи қаролик мақсадинга етмайин Саҳвий,
Олиб мағлубиятни тан ўзимни шармисор эттим.

Душманим кўпдир

Келди даврондан менинг улкан зарар ҳамёнима,
Қанчалик қайғу алам етди эзилган жонима.
Шу балога учраганда куйганимдек, куймадим,
Етганинда қанчалар нуқсон менинг имонима.
Молу дунё меҳри дилни ром қилиб олган экан,
Билмадим, бундан не фойда бор экан шайтонима?
«Камбағални отнинг устида қопар ит» дейдилар,
Балки шунга дуч бўлар, итлар менинг карвонима?
Бу фалокат дастидан тарк этди илҳомим мени,
Келмайин қўйди нечукким, анча бўлди ёнима.
Эй Худоё, мағфиратингдан умидни узмадим,
Раҳматинг ғолиб саноксиз бўлсада нуқсонима.
“Паноҳингда асрагил” деб, айлагай Саҳвий дуо,
Душманим кўпдир ҳаётда ташна турган қонима.

Армоним менинг

Бу ҳаёт даштида қирқ йил кезди карвоним менинг,
Билмадим манзилга соғ, етгайму имоним менинг?!
Менда йўқ бу дарбадарликдан сира ором, қарор,
Кошкиди, ўлсам қутулсам, чиқса бу жоним менинг!
Бормикан бу сабру-тоқатни поёни, муҳлати,
Қолмади қилмоқ сабр-тоқатга имконим менинг?!
Кошки етсам охири манзилга, Ҳақ рози бўлиб,
Насиб бўлса энди шу, қолмасди армоним менинг.
Илтижоим шуки «ё Раб, тоқатимдан ташқари,
Юклама, елкамга юк», йўқ энди дармоним менинг!
Ҳақ гувоҳимдир ҳаётдан мутлақо безорман,
Сенга маълумдир Эгам, ҳоли-паришоним менинг!
Азиз зотлар кетдилар, дунёда ҳеч ким қолмади,
Сўнмагай етмай уларга, дилда сўзоним менинг!
Соғинар банданг Сенинг даргоҳинга етмоқни тез,
Умидворман, мағфират этгуси Раҳмоним менинг!
Саҳвиё, токай яшарсан изтироб гирдобиди,
То ажал етгунча қийнар, энди виждоним менинг!

Кечалар

Илтимосим ушбу сиздан, кечалар, жон кечалар,
Айламанг бунча дилим мулкени вайрон, кечалар.
Сиз била бирга ғариб кўнглимга ҳам зулмат келар,
Келмангиз асло, нурафшон бўлсин осмон, кечалар!
Кўнглим осмонин ёрутгудек кўёшу, ой, йўқ,
Дунё осмонин ёрутгай, моҳитобон, кечалар.
Балки юлдузлар мисоли кўздан оққан қатра ҳам,
Чунки, бу ҳижрон тунида, дилда сўзон кечалар.
На сабр қилмоққа тоқат йўқ, на дардимга даво,
Гар муҳаббат даштида ёндирса ҳижрон кечалар.
Сўз деманг Фарходу-Ширин, Лайли-Мажнундин манга,
Ҳар кеча битмоққа арзир битта дoston, кечалар!
Айланиб арзу-само, тинмас, шудир муддат, ҳаёт,
Сахвиё, парвонадек гирдингда сарсон кечалар!

Қурбон хайити муносабати билан

Муборак бўлсин айём, аҳли Ислom, муборак!
Аллоҳ бизга лутф этган улуғ айём муборак!
Ҳазрати Иброҳимдан қолган улуғ байрам бу,
Ҳақ йўлига аталган, қурбонлик жон муборак!
Байтуллоҳга зиёрат, насиб этгай бизга ҳам,
Ислom динин шиори, улуғ аркон муборак!
Мусулмонларга бу кун, вожиб бўлди шод бўлмоқ,
Бир-бирига мурувват, лутфу-эҳсон муборак!
Рамазондан афзалдир, чунки, Ййдул Акбардир,
Ҳақ раҳматин топишга, бўлган имкон муборак!
Ҳожилар арафотда, дўстлар қолманг ғафлатда,
Кетади тез фурсатда, азиз меҳмон муборак!
Ҳақ ризосин топмоққа, сабаб бўлса оқибат,
Эй мазлумлар, сизларга бўлсин зиндон муборак!
Асрлар ошган карвон, келаяпди биз томон,
Ғанимат бил, эй инсон, бизга бу он муборак!
Саҳвий, табриклаб сизни, битди ушбу ғазални,
Тарк этмасин сизларни, баҳри ғуфрон, муборак!

Илтижо

Илтижо айлай Худоё, мен букун даргоҳинга,
Раҳм этиб кўрсат ҳидоят йўлини гумроҳинга!
Кофиру-фосиқлар ичра, фосиқ бўлдим оқибат,
Масал борким;»Ўхшагайсан- бўлса, ким ҳамроҳинга».
Имтиҳон дунёсида бўлгил мададкорим Ўзинг,

Сақла тушмакдан, чиқиб бўлмас, чуқурли чоҳинга.
Тангрига этгил таваккул, ўзгалардан ибрат ол,
Тез йиқилгайсан суянсанг, молу-мулки жоҳинга.
Раҳматингла бу ҳаёт йўлинда ҳамроҳим қилиб,
Эй, Худо дуч эт, ҳидоят йўлидан огоҳинга.
Саҳвиё айла таваккул Тангрига, узма умид,
Ҳақ Ўзи фазли билан, етса ажабмас оҳинга.

Кетмоқдасан тупроқ бўлиб

Зулмга қарши бу эл, бирлашмади, тарқоқ бўлиб,
Кутишмоқда жим туриб, тоқатлари ҳам тоқ бўлиб.
Англамас ўз қадрини, ғафлатдадирлар то ҳануз,
Не қилур уйғотмаса, олимлари уйғоқ бўлиб?!
Қачон бу юртда аҳоли ҳаққини қилгай талаб,
Билмадим ўтгайми ёки, бир умр қўрқоқ бўлиб?!
Шунча йилдирким, бу золим зулмини тарк этмади,
Қонмади эркнинг ҳавосидан, бу эл чанқоқ бўлиб.
Ҳеч қачон, ўз халқини, бир пулга олмас фикрини,
Сохтадир сайловлари, халқ қолдилар аҳмоқ бўлиб.
Элни сабри қолмаган, кун кундан ошгай нафрати,
Ажабмас, тушса бу нафрат бошига, тўқмоқ бўлиб.
Тик яшаб ўт Саҳвиё, бу қисқа умринг арзимас,
Қул бўлишга.., барибир кетмоқдасан тупроқ бўлиб.

Бўлмадим

Ғариблиқда мен ватандаги каби хор бўлмадим,
Юз туман турли бало, офатга дучор бўлмадим.
Қанчалар дўсту биродарлар ҳануз зулм остида,
Алам қилгай, мен уларга бир мададкор бўлмадим.
Истагим халқим фаровон бўлсин, эркин яшасин,
Найлайин лекин, бу мақсадга сазовор бўлмадим.
Етди золимлар қўлидан, бизга қўп, жабру-жафо,
Шу зулмни йўқ қилишликга сабабкор бўлмадим.
Бу улуғ мақсадга етмоқ, йўлини топмай ҳануз,
Англадимки, бу каби давлатга тайёр бўлмадим.
Ўтди умрим кечалар ғамга тўла, шеърлар ёзиб,
Ҳеч қачон лекин, ибодат бирла бедор бўлмадим.
Саҳвиё, бу қайғу-ташвишлар, адо айлар сени,
Англасамда, қайғудан, ҳозирча безор бўлмадим.

Ўғилчамга аталган ғазаллар

Марҳабо кел ўғлим, Фоний дунёга, сен отанг қирқ ёшга етганда келдинг,
Йўлингга кўз тутган Бобо, Момонгни, дунёни тарк этиб кетганда келдинг.
Улар дийдорингдан бўлган умидвор, қиёмат охирга қолибди дийдор,
Неча йиллар кутиб, бўлиб интизор, орзу умидлар ҳам, битганда келдинг.
Сенга Ватан бўлди, ғурбат диёри, отангда йўқ хануз эрк ихтиёри,
Келар навбат билан қисматда бори, ёлғизлик жонимга текканда келдинг.
Марҳамати бўлсин сенга Аллоҳни, чин уммати бўлгил Расулуллоҳни!
Фитналик оламда, даданг гумроҳни, сабрининг косаси тўлганда келдинг.
Эй Фарзанд! Илоҳо соҳиб имон бўл!, Аллоҳ ёринг бўлсин, доим омон бўл!,
Оқилу, Олиму, бир мард ўғлон бўл!, сен кўзлар қувончин кутганда келдинг.
Содиқ бўл аждодлар эътиқодига, лойиқ бўл ҳамиша инсон зотига,
Тайёр бўл, Эл юртинг, халқ имдодига, йиллар йўлингга кўз тутганда келдинг.
Ҳамд бўлсин, ҳақнинг бу иноятига, бошласин сени ўз ҳидоятига,
Лойиқ фарзанд қилсин, Бобонг отига, сен улар синовдан ўтганда келдинг.
Сен ғариб кулбамга нур сочган қуёш, ортиқ кутишгаям йўқ эди бардош,
Сен Саҳвий, тунлари кўзларида ёш, Аллоҳга дуолар этганда келдинг.

Мададкоринг ҳамиша Худо бўлсин, ўғилчам

Мададкоринг ҳамиша, Худо бўлсин ўғилчам,
Қуръон барча дардинга, шифо бўлсин ўғилчам.
Банда бўлгил Аллоҳга, уммат расулуллоҳга,
Аллоҳ йўлида жонинг, фидо бўлсин ўғилчам.
Узоқ яша дилбандим, мени азиз фарзандим,
Тилингда доим зикру, сано бўлсин ўғилчам.
Ибодатда қоим бўл, адолатда доим бўл,
Ширинг доим сидқу, вафо бўлсин ўғилчам.
Бизлар ватангадолар, юрак бағри адолар,
Сенинг йўлинг мунаввар, зиё бўлсин ўғилчам.
Йўқдир қавму қариндош, йўқдир ёнингда йўлдош,
Сенга сабр ила бардош, ато бўлсин ўғилчам!
Тингла насиҳатимни, тутгил васиятимни,
Шулар сенга отангдан, нидо бўлсин ўғилчам.
Саҳвий қилур илтижо, Яратган Зотга дуо,
Оқибат сендан Аллоҳ, ризо бўлсин ўғилчам!

Тилак

Сенга бергай Ҳақ Ўзи, имон зиёсидан улуш,
Ҳам расули Мустафо, хулқи-ҳаёсидан улуш.
Ҳам Абу Бакру Сиддиқ, хулқи боикромидан,
Ҳам яна Ҳазрат Умар, хавфу-рижосидан улуш.
Ҳазрати Усмон сахоси бирла, илми Муртазо,
Барча Асҳоби Киром, илмин зиёсидан улуш.
Барча ўтган тобеинлар, барча солиҳ бандалар,
Барча қуръон аҳлининг, топган сафосидан улуш.
Насиб этгай мужтаҳидларнинг шижоат ғайрати,
Ҳадис илминда Бухорийнинг закосидан улуш.
Барча фазл аҳлининг, фазлин карам қилгай Худо,
Назм илминда Навоийнинг даҳосидан улуш.
Насиб этгай сенга, аждодларнинг иззатлик йўли,
Етмагай лекин улар, қилган хатосидан улуш.
Сенга жаддинг хулқи одоби, насиб этсин болам,
Сени кўрганлар десун; "олган бобосидан улуш!"
Мен неки орзу-тилак, қилдим насиб этгай сенга,
Етмагай лекин манга, етган балосидан улуш.
Сен учун Ҳақдин тилак айлаб, ғазал ёздим бугун,
Жўжиқим етгай сенга, Саҳвий дуосидан улуш.

Эй ўғилчам

Эй ўғилчам бу сўзим мендан нидо бўлсин санга,
Сен ҳақингда Тангрига, қилган дуо бўлсин санга!
Сенки бу дунёга келдинг, энди бу дунёгамас,
Ҳаққа банда бўлки, бу дунё фидо бўлсин санга!
Аввало олғил илм, бўлғилки ислом олими,
Ҳақ ризоси ҳаётингдан, муддао бўлсин санга!
Билки, бизга қолди кўп ибрат расулуллоҳдан,
Суннатини ушламоқ, кўнглингда жо бўлсин санга!
Сенга бергай Ҳақ саодатли ҳаёт, касбу-камол,
Интилиб қилган улуғ, мақсад раво бўлсин санга!
Тангрига қилғил таваккул, доим истиғно килиб...,
Мосиваллоҳдан, келиб Шоҳлар гадо бўлсин санга!
Бу ҳаёт ҳодисларидин етмагай ҳаргиз завол,
Мададкоринг доимо, ёлғиз Худо бўлсин санга!
Жўживой сенга бағишлаб, мен бугун ёздим ғазал,
Не тилакларни тилабдир Саҳвиё, бўлсин санга!

Умидим бор

Умидим бор, ортда қолгай, кўргулик, ҳасратларинг,
Тонг яқиндир, унут бўлгай, ўтмишинг, даҳшатларинг.
Оғирликдан кейин енгиллик келар, бу ваъда ҳақ,
Эй мазлумлар, рўёбга чиқар эзгу ниятларинг.
Мўъжиза даркор эмас, шудир Худонинг суннати,
Алмашиб тургай ҳамиша, яхшилик, кулфатларинг.
Эл фаровон бўлмоғин шарти, адолатдир фақат,
Адл бўлса, бесамар кетмас эди, меҳнатларинг.
Адолатни тикламоқ, фарзандларингни бурчидир,
Қўзғолинг мардлар бугун, кўрсин бу эл ҳимматларинг!
Зулмга қарши турунглари, элни мард ўғлонлари,
Унутилмасдир ватан олдиндаги хизматларинг!
Саҳвиё, зулмат тугаб, бўлса ватан обод агар,
Уйга қайтардик, тугар эрди сенинг ғурбатларинг!

Яхшилик

Ҳар бало келса бордир, шу балода яхшилик,
Хафа бўлма эй дўстим, бор жафода яхшилик.
Кечикяпти сен кутган, яхшиликлар, ачинма,
Албатта бор кечиккан, ҳар қазода яхшилик.
Солимлар зулм этарлар, ўз бошига етарлар,
Мазлумга бор балога, мубталода яхшилик.
Будир ҳикмат асоси, бўлажак интиҳоси,
Ўйлама бор деб фақат, кайф сафода яхшилик.
Сабр айлаб балога, рози бўлгил қазога,
Унутсанг бўлмагай бил, аҳд вафода яхшилик!
Неъматига шукр айла, ғанимат бил имконинг,
Шукр айтсанг бўлгайдир, кўп зиёда яхшилик.
Саҳвий сенга мен кўриб, билганимни айтайин,
“Бўлмагайдир ўзаро, жанг низода яхшилик”.

Фитналик давронда

Фитналик давронда ҳар ёнда ғариб бечоралар,
Дардларига даво излаб топмадилар чоралар.
Чорак асрдирки, солим салтанатда ўлтирар,
Чорак асрдирки, бу халқ, зулмидан дилпоралар.
Ҳеч қачон кўрмас фаровонлик, зулм турган диёр,
Кимга бахт келтирган айтинглари, рибою-поралар?!
Охиратдан ташқари, дунёда ҳам хорлик келар,
Бунга ақли етмадилар, Лолаю-Гулноралар!
Бу ҳаётдан ибрат олмоқ йўқ, қаранг гумроҳлар
Ҳануз тинмай молу-мулк тўплаш билан овворалар.
Коинотда барча нарсаси, муҳаббатга интизор,

Кўринг офтоб гирдида, парвонадир сайёралар.
Саҳвиё, Ҳақ қудратига зарра шубҳа қилмагил,
Бесамак кетмайди қилган бу дуои-зоралар.

Хушхабар

Оят: Аллох уларни азобламайди агар сиз (эй мухаммад) ораларида булсангиз.ва Аллох уларни нимага азоблайди агар истиғфор айтсалар.

(Анфол сураси 33 оят.)

Келди бу оятда бизгаларга, фалокатдан хабар,
Ҳам нажот топмок йўли, улкан шарофатдан хабар.
Келмагай бизга бало, бўлса Расулуллоҳ ҳаёт,
Кетгани у зотни аслида, қиёматдан хабар.
Энди бизга қолди доим, айтмок истиғфор, халос,
Нажот топмок шарти ҳам, шу бўлди оятдан хабар.
Тавба бирла икки дунё, бўлса обод, йўқ ажаб,
Чунки, кўп келган бу мазмунли ривоятдан хабар.
Эй Худоё, мен тилайман, мағфират қилгил дея,
Шукр айтарман берибдур, бу саодатдин хабар.
Аслида мўмин мусулмонларга хос, бу хушхабар,
Чунки, имон бўлмаса, келмас башоратдан хабар.
Саҳвиё, Роббинг каломи бебаҳо неъмат эрур,
Унда бордир икки дунё, барча ҳолатдан хабар.

Кўрмадинг

Эй, менинг бечора халқим, сийму-зарни кўрмадинг,
Хон, амир, юртбошилардан, не зарарни кўрмадинг?!
Сенинг номингдан гапирдилар, сенинг қонинг ичиб,
Таърихингда бундан ортиқ, дардисарни кўрмадинг.
Тирикликда барча мард фарзандларинг бадном қилиб,
Дунёдан ўтгач улардан, мўътабарни кўрмадинг.
Улуғ таърих, улуғ миллатлар учун ибратлидир,
Нега авлодингда ибратдан асарни кўрмадинг?!
Энди бу кунлардан авлодинга не ибрат қолур,
Чунки, аждодингда сен ибрат назарни кўрмадинг.
Буюклик йўлин йўқотган, таназзулга юз тутар,
Бизга тарихдан етиб келган хабарни кўрмадинг?!
Нотавонлар қавмининг армони битмас Саҳвиё,
Қавмини ҳақ йўлдан урган, йўлтўсарни кўрмадинг?!

Рози бўл

Бир куни кетсам ҳаётдан “жўжихон”им рози бўл,
Омонатдир дунёда, озурда жоним, рози бўл.
Камолинги кўрмасам, Аллоҳга топширдим сени,
Омонатдордир Эгам, йўқдир гумоним рози бўл!
Оғирроқдир сендин айрилмоқ менга, жонимдан ҳам,
Чунки, сендан азизмасдир, танда жоним, рози бўл!
Мен каби оввора бирла, бир умр ҳамроҳ бўлиб,
Рўшнолик кўрмаган, Сайёрахоним рози бўл!
Хизматингизни қилолмасдан кетиб қолсам агар,
Эй Ватан, халқим, дўсти-қадрдоним, рози бўл!
Маъбуди барҳақлигинг, иқрору-тасдиқ айладим,
Бу гуноҳкор бандадан, меҳрибоним рози бўл!
Раҳматинг муҳтожи Саҳвий, ё Раб, айлайди дуо,
“Саодатли айлаб ҳар икки жаҳоним, рози бўл!”

Қазодан сунган ажал

Қазодан сунган ажал, етмади бу юртбошига,
Бир адолатли киши ҳам келмади юрт бошига.
Умри ўтди зулм бирла, тинмайин бу мустабид,
Раҳм қилмасдан бу элнинг кўздан оққан ёшига.
Мени қалбим турмада умри хазонлар ўртагай,
Қойиле, бунча сабр қилган бу эл бардошига.
Бунчалар аччиқ бу элнинг қисмати ҳайронман,
Жим турарлар зулм қилганда яқин қардошига?!
Тавқи лаънат бирла тарихда қолур золим киши,
Лаънат бўлсин, мустабидларнинг қабрда лошига!
Қаранг бадбахтлар бугун билмас ғанимат фурсатин,
Тавба лозим бандага, етса қарилик ёшига!
Сен зулм аҳлига қарши турмоғинг шарт Саҳвиё,
Қилмайин парво улар отган маломат тошига!

Найлайн

**Мумкин эрмас чун ватанда бир нафас дам урмоғим,
Эй Навоий ихтиёр этмай жалони найлайн?!**

Алишер Навоий

.....

Бошга тушди кўрмайин ҳукми қазони найлайин,
Бўлмайин етса қазо ҳукми ризони найлайин?!
Қазосига рози бўлмоқ бандаликнинг белгиси,
Сабр қилмай, етди бошимга балони найлайин?!
Кўрмаган ким бор жафони давридан давронидан,
Кўрмайин мен энди тақдири Худони найлайин?!
Ҳижрат айлаб юртидан чиққан расуллоҳ ҳам,
Энди мен тутмай тариқи Мустафони найлайин?!
Мен киму, ўз юртидан қочган вазиру шоҳлар,
Қўймаса ўз ҳолига мендек гадони найлайин?!
Англадим охир ватандин офият афзаллигин,
Айламай тарки диёр, жонга жафони найлайин?!
То тирик эркан одам бўлгай балога мубтало,
Офият истаб яна, қилмай дуони найлайин?!
Қайда бўлсам энди имоним саломат бўлса бас,
Бу ўтар дунёда ўзга муддаони найлайин?!
Саҳвиё, қилгил дуолар қолсин имонинг омон,
Дилда тутмай доимо, хавфу рижони найлайин?!

Мен керакмасман элимга

Мен керакмасман элимга, менга элдошим керак,
Дўсти ёроним, қадрдоним, қариндошим керак.
Мен элимни соғинарман, эл мени соғинмагай,
Мустабид юртбошининг жаллодига бошим керак.
Мен ватан ҳажрида куйдим бир умр, лекин унинг,
Васлига етмоқлигимга қанча кўз ёшим керак?!
Бу ғариблик даштида оввора сарсонман ҳануз,
Душманам кўп, дўстларим йўқ, сабру бардошим керак?
Ажал етса, ота онам ёнида тутсам макон,
Чунки, бу юртларда ўлсам, кимга бу лошим керак?
Дардимни дунёга дастон айласам айб айламанг,
Менга ҳам дарду ғамим, айтишга сирдошим керак.
Беватан инсон яшай олмас экан эй Саҳвиё,
Мен учун эл юрт ила, диндош ватандошим керак.

Ўртанур

Ўт ёнар дилда нетай, жону-жаҳоним ўртанур,
Сабру-тоқат айлаёлмай,устихоним ўртанур.
Топмади ҳаргиз кўнгил ором ҳамиша беқарор,
Сигдиролмай дардини, жисмимга жоним ўртанур.

Биродарлар энди бўлдим, маслахат мухтожимен,
Дардни чекканлар билар, руху равоним ўртанур.
Бир мусофир музтарибдурман, қафасда қуш каби,
Дард аламдан барча ошкору ниҳоним ўртанур.
Бўлди собирлик мақоми сабр этиб,шукр айламоқ,
Тоқатим тоқ бўлди, жисми нотавоним ўртанур.
Телба бўлдим ушбу ғамдин энди охир оқибат,
Арз этолмасман дилим дардин, забоним ўртанур.
Саҳвиё, мумкин эмасдир ўтлиғ афғон айламоқ,
Тушса оҳим шуъласи, байтул ҳазоним ўртанур.

Ёлғон

Билдим бу имтиҳон дунёси ёлғон.
Барча муаммоси, ғавғоси ёлғон.
Худонинг амрига қилмай итоат,
Аллоҳга бандалик даъвоси ёлғон.
Нафсинг талаб қилган маишат роҳат,
Булар шайтонни муддаоси.- ёлғон!
Кимки ҳаром амални тарк этмаса,
Демак, билгил унинг тақвоси ёлғон.
Қўнгил дардининг оғирдир давоси,
Билсанг уни оҳанграбоси ёлғон.
Имондан ўзга не ҳосили умринг,
Бошка йўллар кайфу сафоси ёлғон.
Эй Саҳвий, имонинг бўлсин ҳамроҳинг,
Ўзга орзуларнинг равоси ёлғон.

Мустақиллик қасидаси;

Насиб этди истиқлол, даврида ҳам яшамоқ,
Бу даврни мен учун оғир энди эсламоқ.
На ичишга сув бордир, на ейишга нонинг бор,
Иш йўқ, пул йўқ, кийим йўқ, қийин бир нима демоқ.
Ишлаш учун одамлар, кетмоқдалар чор тараф,
Лозим экан одамзод, кеча кундуз нон емоқ.
Қишда ўтин йўқ, газ йўқ, қалтираб ётдим тунлар,
Кунига икки соат, ёнади уйда чироқ.
Тинч қўйишса кошкийди, бир кунимиз кўрардик,
Майли қорин тўймаса, устимиз бўлса ямоқ.
Лекин, шу аҳволда ҳам, қўймас ўз ҳолимизга,
Тугамадику хорлик, ҳақорат, калтак, қамоқ.

Мен ҳайронман нимага, бу аҳволга тушдик биз?,
 Нега биздан яхшироқ, яшар рус, қирғиз, қозоқ?!
 На диний таълим олдик, на дунёвий таълим бор,
 Бизлар минтақадаги, барча халқлардан қолоқ.
 Зулму зўравонликни кўринмайди охири,
 Ишлаб пул тополмассан, топсанг қадри йўқ бироқ!
 Аёл қизлар фоҳиша, йигитлари мардикор,
 Бу аҳволдан виждонинг қийналмайдими ўртоқ?!
 ИАК ўйинга тушар, ҳар йил байрам келганда,
 Қарсак чалади ҳамма, ичиб олишиб ароқ.
 Бу аҳмоқона ўйин кулгуни дилбузардан,
 Томошо қилар бу халқ, бўғзига келган пичоқ.
 «Мустақил бўлгач турмуш, фаровон бўлди», дея,
 Нутқ ўқилади доим, маъноси йўқ, тумтароқ.
 Қанча милён муҳожир, қанча минглаб қамоқда?,
 Қанча одамлар дайдиб, турли элларда қочоқ?!
 Ҳамма тинчини ўйлар, исён йўқдир қалбларда,
 Парчаланди бу миллат, бирлаша олмас, тарқоқ.
 Кўплар жонидан тўйиб, қасд қилмоқда жонига,
 Одамларда яшашга қолмаяпди иштиёқ.
 Дунёга ҳўжайинлик иддао қилгувчилар,
 Нега бу ИАК учун, доим очади кучоқ?!
 Аҳмоқ қилиб бу элни, қонин ичмоқда золим,
 Ё бир иш қилолмади, ёки кетмади, олчоқ.
 Наҳот бизнинг раҳбарлар, шундай бари виждонсиз?,
 Наҳот буларда бошмас, фақат мағзи йўқ пўчоқ?!
 Бу юртда фақат битта, одам ҳокими мутлақ,
 Бошқа амалдор йўқдир, бошқаси бир ўйинчоқ.
 Мустабиднинг қизлари яшамоқда фаровон,
 Биттасига кўз тегди, тақмаганми кўзмунчоқ?
 Фақат шу мустабидга яқинлар яхши яшар,
 Қандай бахтли, ким унга, бўлса уруғ ва аймоқ?!
 Адолатсиз золимга омад кулиб боқдику,
 Бугун оқлар қорадир, қоралар бўлдилар оқ.
 Эзилди, руҳи синди, адо бўлди бу миллат,
 Ҳаққини талаб қилиш, фикридан лекин узоқ.
 Айниқса диндор бўлган одамларга кўп қийин,
 Ҳамма ерда уларга, қўйилар қопқон тузоқ.
 Ўз ҳолини ўнглашга, ўзи интилмас бу эл,
 Адо бўлган зулмдан, начора, бўлса қўрқоқ?!
 Чорак асрким, бу эл, кутар бир ўзгаришни,
 Яқин қолгандир балким, кутилаётган бу чоқ?!
 Бугун ватандан узоқ, яшаяпман кузатиб,
 Қалбимни ўртар доим, ватаннинг меҳри, фироқ!
 Бундай мустақилликдан, минг бор дерман, алҳазар,
 Бундан кўра аввалги, аҳволимиз яхшироқ!
 Бугунгидан бир мунча яхши эди ҳолимиз,
 Гербимизда қуш эмас, бўлганда «Болға — Ўроқ»
 Ўйлаб ўйлаб калава, учини тополмасман,

Нима қилай, дилимда, кўпдир жавобсиз сўроқ?!
Бизга мисол қилинмас, фаровон давлат ҳаргиз,
Бизга уқтиришар, кўр, мана Сурия, Ироқ!
Аслида бу урушлар, зулм оқибатидир,
Мустабидларнинг барин, ютсин қаро ер, тупроқ!
Дейишар; «тинчлик учун, шукр қилмоқ керакдир,
ИАК бўлмаса агар, бўларди аҳвол чатоқ!»
Бундай гаплар сафсата, эканлигин биламиз,
Ҳамма жимдир, ҳеч кимга, керакмас азоб, қийноқ.
Сабр қилиб кутармиз, бир кун ўзгариш бўлар,
Лекин, ҳеч ўзгармади, тоқатимиз бўлди тоқ.
Лекин, дунёга боқиб, бошқалар ҳолин кўриб,
Бу кунлар ҳам ўтар деб, ўйлаб қоламан, мундоқ.
Дарду ғамларим барин, айтиб енгил тортишга,
Яхшиямки бор экан, бугун социал тармоқ.
Лекин. бу тармоқда ҳам, уя қурган жосуслар,
Улар «балиқ» ушлашга, бу тармоқ бўлди қармоқ.
Яхшиямки, бунчалик тубан давлат кўп эмас,
Биздек расво тузумни санашга етар бармоқ.
Бу ҳолатда энди, давом этмас бу аҳвол,
Вақти келди шубҳасиз, лозим бўлар ўзгармоқ.
Албатта, биздан ҳоли, танглар кўп бу дунёда,
Ўзга элларда бўлган, даҳшатларга ҳам бир боқ!
Барибир келди энди, ўзгаришлар замони,
Лозимдир бизга обод, фаровон, ватан қурмоқ.
То обод бўлмагунча, мустақил бўлолмаймиз,
Бундай ватанни уят, бизга «мустақил» демоқ.
Мустақилликка атаб, қасида ёзди Саҳвий,
Айб айламанг шеърида, йўқ деб, вазн ила туроқ.

Синдирар

Менинг сабру-тоқатим, ҳар хил бало синдирар,
Тақво йўлига кирсам, нафси-ҳаво синдирар.
Мен ушлаган йўлимдан-қўрқмас эдим ўлимдан,
Келиб ўнги сўлимдан, шаштим жафо, синдирар.
Буни кўрмаган билмас, синовлар ҳам ҳазилмас,
Иймонингни бир қалтис, қилган хато синдирар.
Эй золим ўйла бир зум, токай давом этар зулм,
Тахтингни бир кун мазлум, қилган дуо синдирар.
Кўп эканда ғанимлар, залолатдаги динлар,
Маълумки, фиръавнлар, тахтин Мусо синдирар.
Хочни тақиб ҳар ёндан-«ибодат»-дер, ёлғондан.
Бир кун тушиб осмондан, хочни Исо синдирар.
Ким танимас Илоҳни, Якка ёлғиз Аллоҳни,

Бундай мушрик гумроҳни, бир кун Худо синдирар.
Нафс ҳам дин учун офат, етургай кўп касофат,
Динни, исроф зиёфат, кайфу-сафо, синдирар.
Қўй бу дунё матосин, фитналик бебақосин,
Руҳингни пок асосин, фаҳшу зино синдирар.
Ёмон хулқ бўлса хотин, қўймас уй баракотин,
Хонадон тинч ҳаётин бил мутлақо, синдирар!
Кўп фитналик дунё бу, тугамас бир ғавғо бу,
Бир дарди бедаво бу қилсанг даво синдирар.
Ҳаёт ҳам мисли рўё, уйғонсанг тугар гўё,
Ҳаёт ғафлатин дунё, эй Саҳвиё, синдирар.

Ҳаётинг қани

Эй дил, сан истаган ҳаётинг қани?
Орзуинг қушлари, қанотинг қани?!
Сан Аллоҳ зикр этган банда бўлдингми?
Кани сани аҳдинг-уётинг қани?!
Қайси амалинга нажот истарсан?
Келармикан кутган нажотинг қани?!
«Исломдаги улуш, намоз» деганлар.
Сани хушӯ қилган салотинг қани?!
Нафсни енгаолмоқ жиҳод афзали,
Нафсинг билан қилган ғазотинг қани?!
Эй Саҳвий жоҳилу номукамалсан,
Бирорта комиллик сифотинг қани?!

Гул ва булбул қиссаси

Гулга ошиқ бўлди булбул, ҳажрининг доғиндадир,
Не қилур бечора, бу гул, ўзганинг боғиндадир.
Булбули гўё бу гулнинг ишқида қилгай наво,
Лек гули раъно ўзин соҳибин ардоғиндадур.
Бу гули раъно висолидин умиди йўқ унинг,
Шу сабабдан доимо ҳижронни сиртмоғиндадир.
Гул ва булбул севгисининг тарихи бўлмас адо,
Бу муҳаббат қиссаси, билсанг Эрам боғиндадир.
Ишқ аро афсоналарнинг, охири ҳажру фироқ,
Шу сабаб, Булбулигўё, қўҳи қоф тоғиндадир?
Висол орзусида бўлмас, бўлса ким, гул ошиғи,
Муҳаббатнинг заволи, васлини топмоғиндадир.

Ҳажрида Мажнун саҳро кезди, Фарҳод тоғу тош,
Дарбадар Саҳвий бугун, денгизни қирғоғиндадир.

Бало

Бунчалар тақдирда қисматдир бало,
Турли хил офат ва кулфатдир бало.
Сабаб ҳам кўпдир, синовдир аслида,
Тангри изнидир, мусибатдир бало.
Кимга жаннат, кимга дўзах ҳал бўлар,
Бандалар устида ҳужжатдир бало.
Покланаолсанг гуноҳдан шу била,
Бандаи мўминга раҳматдир бало.
Уммати Исломга етса йўқ ажаб,
Чунки, мўминларга суннатдир бало.
Бало эрмас бизни чеккан бу бало,
Тезда келгайдир, қиёматдир бало.
Кўрмайин асло илож йўқ, Саҳвиё,
Чунки бил аслида ҳаётдир бало.

Истарам

Истарам ўлмоқни андоқким, ўлик жон истагай.

(Алишер Навоий.)

Тарк этиб энди жасадни, кетмоғин жон истарам,
Ҳақ Таоло неъматига етмоқ имкон истарам.
Раҳмати ҳақ бирла руҳим жаннат ичра сайр этиб,
Бўлмоғини то қиёмат, анда меҳмон, истарам.
Беҳисобу беадад неъмат ичида сарфароз,
Рўзи маҳшарнинг келишин, зору-чандон истарам.
Тарк этиб дунё ҳаёти меҳнату озорини,
Маскан этмоққа дилим, мангу гулистон истарам.
Жам бўлиб қадри баланд, зотлар билан ул боғ аро,
Сайр этиб суҳбат қилурга, қасру айвон истарам.
Жон жасадга жам бўлиб, жаннатга кирсам оқибат,
Меҳрибон роббим юзин кўрмоқни ҳар он истарам.
Бандасига меҳрибондир билки Роббинг Саҳвиё,
Шу сабаб уммид қилиб мен боқий бўстон истарам?!

Туғилдим

Қазо экан шу замонда туғилдим,
Ватан номи Туркистонда туғилдим.
Ихтиёр йук экан ҳаёт-ўлимда,
Яна куфр фош маконда туғилдим.
Шукрим мусулмон фарзанди бўлдим,
Иймон мавжуд хонадонда туғилдим.
Насиб этди Роббим менга ҳидоят,
Гарчи фитратда иймонда туғилдим.
Бўлар экан бунда синов имтиҳон,
Фитналар авж олган онда туғилдим.
Оғир бўлар экан динни сақламоқ,
То ўлгунча имтиҳонда-туғилдим.
Шошилма Саҳвий ўлмайин илож йўқ,
Чунки бу фоний жаҳонда туғилдим.

Дегайлар

Боғбон-изласанг, «бўстонда» дегайлар,
Чўпон-чўлу-«биёбонда» дегайлар.
Десанг; «шоҳу-гадо бўлмас баробар»,
«Баробардир, қабристонда» дегайлар.
Десанг «бу дунёда борми, тинч ҳаёт?
«Тикан ҳам бор гулистонда» дегайлар.
Десанг «барча дилда бўлар муҳаббат»,
«Гул унмагай қаҳратонда»-дегайлар.
Десанг «Ҳақ дўстлари само кезарми»?
«Ҳазрати Исо осмонда»-дегайлар.
Десанг «бу ҳаётда борми ҳақиқат»?
«Ҳақ нозил бўлди, қуръонда» дегайлар.
Десанг «мени гуноҳим кўп нетарман»?
«Умидсизликни шайтонда» дегайлар.
Десанг; «тақдир битилгандир азалдан».
«Ихтиёр ҳам бор инсонда» дегайлар.
Десанг; «ғазал шайдосидирман Саҳвий»,
«Сеҳр ҳам бордир, баёнда»-дегайлар.

Қолмади

Фитналардин тоқатим тоқ бўлди дармон қолмади.
Олам аҳлида магар, имону виждон қолмади.
Тобакай, фитна фасод етгай мени жонимга лек,
Менда энди тинч яшашдек, орзу-армон қолмади.
Дилдаги дардимни пинҳон айламак имкони йўқ,
Оқибатда, менда ҳеч бир сирри пинҳон қолмади.

На ҳақиқатни биларсан, ва на ёлғонни тамом,
Кимса борми энди бу ишларга ҳайрон қолмади?
Қайга етгандир қаранглар,одамизод макрини,
Қўринг ғолиб бўлмаган, ҳеч битта ёлғон қолмади.
Эй биродарлар ҳаётнинг заҳмати битмас экан,
Ўлмагунча то, қочиб кетмоққа имкон қолмади.
Дема дўстлар таънасин,ё дема душман макрини,
Бу улуғ йўл узра йўлбошловчи сарбон қолмади.
Айтма фосиқларни, тақво аҳлига йўқ эътимод,
Бир кўнгил қўймоқга лойиқ битта инсон қолмади.
Саҳвиё, ёлғиз Худога юзланиб қил илтижо,
Билки, Ҳақ келганда ботил, жину шайтон қолмади!

ИАКга атаб

Келгуси бир куни муддат, даври-давронинг тугар,
Дабдаба-ю, асъасалар, шавкату шонинг тугар.
Охири хорлик сенингдек мустабидлар қисмати,
Олмадинг ибрат ҳаётдан, энди имконинг тугар.
Шавкати дунё била овворасан, етса ажал,
Ўзга қилмассан зулмни, танда дармонинг тугар.
Умринг зулм бирла ўтди, вой, сенинг ҳолинга вой,
Шунча йил қилган сиёсат, ҳийла ёлғонинг тугар!
Барча мазлум интизордирлар заволинги кўтиб,
Сен билан боғлиқ разолат, сохта достонинг тугар.
Эй зулм остида қолган, мазлуму бечора халқ,
Сен зулмга қарши турсанг, шунда армонинг тугар!
Қўҳна мозий сенга бас, олмоққа ибрат Саҳвиё,
Келгуси бир куни муддат, даври давронинг тугар!

Билмадим

Мен диёримга қачон иззат келурни билмадим.
Ваҳки, бу миллатга жон, қувват келурни билмадим.
Қуфр аҳлинча адолат йўқми имон аҳлида,
Аҳли имонга фақат, офат келурни билмадим,
Нега бу халқ оч наҳору, нега бу халқ, хору хору зор,
Доимо, бизга қаро меҳнат келурни билмадим.
Энди бас, айланг, вафосиз дўсти душман зикрини,
Олам аҳлидин вафо, ҳиммат келурни билмадим.
Эл ғамин еб бўлган эрлар, элу юртидан жудо,
Чунки, ҳақ сўз ортидан, ҳижрат келурни билмадим.
Кошки ғурбатда ғарибу, дарбадар овворалар,
Қилғали азми диёр, фурсат келурни билмадим.
Қўллари қондир мусулмон хонлари, султонлари,

Ҳақни айтишга бирор, муҳлат келурни билмадим.
Тобакай жабру зулмда қийналар уммат мудом,
Тангридан бизга қачон, нусрат келурни билмадим.
Неча минг минглаб одамлар турмада умри хазон,
Бунчалар хору залил миллат келурни билмадим.
Порахўр нафсига қул барча амалдор ҳокими,
Бундай элга офият раҳмат келурни билмадим.
Эй биродарлар нечун аччиқдир бу эл қисмати,
Не сабабдин бизга бу кулфат келурни билмадим.
Саҳвиё, токай умид айлаб кутарсан доимо,
Мен ажал келмай ўшал муддат келурни билмадим.

ИАК га тилагим

Истагим Ҳақдан, абад мотамсаро қилсин сани,
Зулму жабринг, бошинга битмас бало қилсин сени.
На тушингда, на ўнгингда, ҳаргиз ором бўлмасин,
Доимо, қайғу юрак бағринг адо қилсин сени!
Халқни хор айлаб сени қанжиқларинг даврон сулар,
Зурриётинги шу дунёда, гадо қилсин сени!
Сен зулм қилган ғариблар, оҳу бирла ноласи,
Ҳаққа етсин оқибат, юзинг қаро қилсин сени.
Фиръавн Намруд билан, дўзахда мангу бирга бўл,
Қисматинг мангуга оҳу ҳасрато қилсин сени!
Ёлғиз Аллоҳ ҳаққи, бу қонлар сени тинч қўймасин,
Ҳеч туганмас дарду ғамга, мубтало қилсин сени.
Дунёда берди сенга қасру сарой қононалар,
Оқибатда манзилинг, ўтдан бино қилсин сени!
Сенга ибратбўлмади кўп мустабидлар қисмати,
Ўзгаларга қисматинг ибратнамо қилсин сени!
Ўлгунингча тавбаю имон муяссар бўлмасин,
Нақди умринг, куфр йўлинда фидо қилсин сени!
Қодир Аллоҳ қудратига зарра шубҳам бўлмағай,
Барча қилган зулминга, лойиқ жазо қилсин сени!
Сен ўзинги ман Худо деб ўйладинг, эшшакфаҳм,
Манзилинг мангу жаҳаннам ичра жо қилсин сени!
Саҳвий истайдир санга, ҳар икки оламда жазо,
Молу мулки, тожу тахтингдан жудо қилсин сени!

Майдондаман

Мен кураш йўлига кирдим, мен ҳануз майдондаман,
Портладим вулқон каби, мен то ҳали вулқондаман.
Тушларимга то ҳануз киргай тикан симлар мени,
Ўтмишим ҳеч бермагай ором яна гирёндаман.
Менда ором бўлмагайдир то зулм мавжуд экан,
Гарчи жисман бунда лек, руҳан ўзим ул ёндаман.
Ўлмайин қолмайди ҳеч ким, бу ҳаётда барибир,
Қўрқади барча ўлимдан, мен шунга ҳайрондаман.
Бу ҳаёт ўзгармагай мард жонфидолар бўлмаса,
Жонни тикканлар қани, ҳайратдаман шу онда ман.
“Улуғ ишларни улуғ зотлар қилур” дерлар, нега?,
Гарчи шундай бўлса ҳол, бўлмас эдим бу сонда ман.
Сахвиё, қўлда баланд тутгил шиоринг қайтма ҳеч,
Мен кураш йўлига кирдим, мен ҳануз майдондаман.

Ўзбек пахтарокларига атаб;

Ҳормангизлар пахтакорлар, катта хирмонлар билан,
Тераяпсиз “оқ олтин”ни, шунча қурбонлар билан.
Эрталабдан кечгача, пахтани териб, тинмайин,
Ухламай то тонгача, оввора сичқонлар билан.
Қанча ўсмирлар, гўдаклар, “пахта” деб, нобуд бўлар,
“Қизил олтин” бўлди пахта, номи бу қонлар билан.
На муаллим, на талаба, на табиб, бемор қолур,
Барчани ҳайдайди қўймай, катта карвонлар билан.
Масжиду, маҳалла аҳли, ёш қари, эркак, аёл,
Тижорат аҳлин эзар, мажбурий “эҳсон”лар билан.
Қизил олтинни териб олгунча, халқ қонин ичиб,
Халқига ток, газни бермай, алдар ёлғонлар билан.
Сахвий бу бечора халқни ҳолига айтар, куйиб,
“Ҳормангизлар пахтакорлар, катта хирмонлар билан!”

Муҳаммад Мурсийга атаб;

Эй улуғ инсон бутун уммат қадрдонинг сени,
Тан олурлар аҳли ислом, шавкату-шонинг сени.
Сен Салоҳиддину Айюбнинг мақомин ушладинг,
Ҳам Миср мамлуклари бўлганди сарбонинг сени.
Сен адолат соҳибисен, ҳофизи қуръонсен,
Ҳайбатингдан титрагай, фиръавну ҳомонинг сени.
Сен адолатни кўтардинг, Фиръавнлар қасдига,
Фитналар бирла синалди, сабру-имонинг сени.
Фитналик дунёда золимлар макр айлаб яна,
Бўлмади ҳақ узра турмоқлиққа, имконинг сени.

Зулм аҳлига бўйинсунмай жасорат кўрсатиб,
Бу курашда эй жаноб, кўр қанча қурбонинг сени.
Кимки дунёда адолат аҳли бўлса, сен тараф,
Ким зулм йўлини тутса, бўлди душмонинг сени.
Бу курашда оқибат, нусрат нажот берсин Худо,
Ҳақ Ўзи соғу саломат, сақласин жонинг сени.
Сен каби раҳбарни учратмоқлик орзуим эди,
Ғойибона мухлисинг, бўлгандир ҳайронинг сени.
Бу улуғ айёмда Саҳвий, ҳаққинга айлар дуо,
Шак шубҳасиз меҳрибондир, билки Раҳмонинг сени!

ИАК

Зулми бирла олам ичра рўсиё бўлган ИАК,
Бир умрга қалби кўр, кўрмас зиё бўлган ИАК.
Тийра шомдан ҳеч ёруғ кунга етирмас халқини,
Бизни миллатнинг бошига бир бало бўлган ИАК.
Макон қурган қалбида, доим ҳасад, кибру-ҳаво,
Ҳеч тузалмас бир касалга, мубтало бўлган ИАК.
Прокурору МХХ, миршабу ҳоким ва суд,
Барча золим кимсаларга, раҳнамо бўлган ИАК!
Зулм бирла қолди тарихда абад бадном бўлиб,
Охиратни қуйдириб бахти қаро бўлган ИАК!
Шубҳасиз келгай яқин кунда Худонинг қўйгани,
Шунда дермиз сени “жониндан жудо бўлган ИАК”!
Саҳвиё, золимлар ўлса, халққа байрамдир фақат,
Дерлар “иблис хизматинда, жонфидо бўлган ИАК”!

Кураш йўлини тарк этма

Атроф тўла “тақводорлар”, гапирар дин диёнатдан,
Ўтганларнинг улуғлиги, мўжизаю, кароматдан.
“У зотларга иттибоъ, лозиму лобуд” дебон охир,
Яна бизга дегайлар шу, “гапирмайлик сиёсатдан”.
Ўша ўтган улуғларнинг, амридан ибрат олар бўлсак,
Улар жим турмаган кўрқиб, фақат кўрққан қиёматдан.
Зулмга ҳақни айтишга, агарчи йўқдир имконинг,
Гапирганга тўсиқ қўйма, ҳазар қил бу жиноятдан.
Бу умматнинг азалдан, иззати жангу жадалларда,
Булардан келмаган устун, бирор миллат шижоъатдан.
Шуларнинг қисмати бўлган матонат, мардлигу қувват,
Бугун мағлубиятнинг касри, шу динга хиёнатдан.
Шу йўлда икки дунёнинг, саодат иззати Саҳвий,
Кураш йўлини тарк этма, умид этсанг саодатдан.

Саудия ва Қувайт аъзо бўлган халқаро коалиция ИШИДни бомбардимон қилаётганини кўриб;

Мусулмонлар бир бирин қиришига мисол бу,
Шайтон бизларни йўлдан уришига мисол бу!
Турли фитна фасодни солиб қўйиб орага,
Ўзи бир четга чиқиб, туришига мисол бу!
Мўминлар орасида адо бўлмас адоват,
Доимо ихтилофда юришига мисол бу!
Нима қилишлик керак, менинг ақлим етмайди,
Кимларнинг паймонаси тўлишига мисол бу?!
Қўринар қиёматнинг аломатлари бир бир,
Мўминлар ноҳақ қурбон бўлишига мисол бу!
Ўзинг бир чорасини қилғил қудратли Аллоҳ,
Ислом умматин шўри қуришига мисол бу!
Саҳвиё, фитна ичра тушганда мусулмонлар,
Мусулмонлар қўлида ўлишига мисол бу!

Билмагайсан қайда ҳақ?

Билмагайсан қайда ҳақ, қайда залолат ушбу кун,
Қай жамоат ичида йўқдир адоват ушбу кун?!
На насоро, на мусулмон, на яҳуд на буддавий,
Инсоният ичра бор, кимда ҳаловат, ушбу кун?
Ҳар бирида турлича йўл, турли хил орзу ҳавас,
Бир бирин қонин тўкиш, бўлгандир одат ушбу кун.
Ким анга қарши турар, кимлар уни душман тутар,
Ким тарафдори бўлиб, қургай хилофат ушбу кун.
Қай тарафга боқмагин фитна фасоддан холимас,
Ким қила олгай адашмасдан ибодат ушбу кун?
Чор тарафда зору гирён йиғлар эллар, бандалар,
Билмадим кимларда бор, роҳат фароғат, ушбу кун?
Келажакни ўйламай қилдик хатолар оқибат,
Қутмаган жойдан чиқар, ҳар хил фалокат ушбу кун.
Дунёда шайтон ҳукмрон бўлса, ким топгай нажот?,
Борми топганлар ахир, бахту саодат, ушбу кун?!
Олам узра тинмади, жангу жадаллар бир замон,
Маърифатдан балки ғолибдир жаҳолат ушбу кун?!
Аҳли исломнинг бошига қўп тушар, кулфат бало,
Чора борми тўхтаса, йўқ бўлса офат, ушбу кун?
Бефаросатлик туфайли, йўл тополмасман ҳамон,
Қўрсатинг йўл бўлса гар, сизда фаросат ушбу кун?!

Аросатда қолди Саҳвий, дардига топмас даво,
Олам аҳлин манзили, балким, аросат ушбу кун?!

Ё Раб;

Ё Раб, осий бандаман ким ўзим нафсимни хор эттим,
Қўлимдан келмаган ишни қилишликни шиор эттим.
Мустабид зулмига мен рози бўлмасдан кураш бошлаб,
Шеърларимда дилимнинг нафратини ошкор эттим.
Бу майдонда жадал қилганда битта мақсадим бўлган,
Золимлардан мазлумлар қасдин олмоққа қарор эттим.
Бу миллат бирлашиб эрки учун бошлар курашни деб,
Қилиб жидду жадални қанча умримни нисор эттим.
Кулмади ҳеч бизга толеъ, ихтилофлар адо бўлмас,
Пароканда гуруҳни тарк этишни ихтиёр эттим.
Кутиб золим заволини, паришон хотирим буткул,
Нетай энди бугун мен ўзгалар юртин диёр эттим?!
Бу не юзи қаролик мақсадинга етмайин Саҳвий,
Олиб мағлубиятни тан ўзимни шармисор эттим.

Халқ саводсиз бўлди

Халқ саводсиз бўлди бизда, шунча кўп мактаб билан,
Жиноят йўқ бўлмади кўп бўлсада, миршаб билан!
Гарчи, «қонунда олдида барча баробар» деб ёзар,
Лекин, тенг эрмас халойиқ, соҳиби мансаб билан.
Қаранг динда тан олинган, «тўртта мазҳаб тенг» дея,
Тенг бўлолмас бошқа мазҳаб, биздаги «мазҳаб» билан.
Яқин тарихдан билармиз, чиқди, «меҳробдан чаён»,
Бу чаёнлар дўст бўлиб қолган экан, меҳроб билан.
Гарчи инсон зотининг, наслу насабда фарқи йўқ,
Биздаги фарқи билинмай, остида маркаб билан.
Молу дунё фитнасига мубталодир эл бугун,
Охират барбод бўлур, кетсак ўшал матлаб билан.
На дунёмиз бўлди обод, оқибат на охират?,
Гапирсанг дорга осурлар Саҳвиё, Машраб билан.

Қилди

Бир кимсани йиғлатса, бир кимсани шод қилди,
Ким хурсанд бўлиб кулди, кимлардир фарёд қилди?
Бир томон шоду хандон, бир томон қилар гирён,
Кимнинг бозорин чаққон, кимнидир касод қилди.

Битта ер битта осмон, ким кофир ким мусулмон,
Ким қилди тақво ҳар он, ким фиску фасод қилди.
Бир томонда оқар қон, қанча бегуноҳ қурбон,
Гўдаклар зору гирён, дод устига дод қилди.
Ким аросатда ҳайрон, ким дунё кезар сарсон,
Кимгадир берди имкон, кимнидир барбод қилди.
ИАК ҳам топширди жон, айланиб турар даврон,
Ўлгунича бу ҳайвон, элга истибдод қилди.
Бу ҳаёт бир имтихон, унутиб қўяр инсон,
Ким элни қилар вайрон, ким келиб обод қилди?!
Ҳар тоифа ҳар томон, тортса юрт бўлмас омон,
Кимлардир тўкишга қон, бугун ижтиҳод қилди.
Раҳм этгил ё Раҳмон, мушкилимиз қил осон,
Меҳрибонлигинг шу он, Саҳвий эслаб, ёд қилди.

Этмоқчиман

Мен ҳам «одобли» бўлиб, иғвони тарк этмоқчиман,
Сайтни ҳам радиони ҳам ғавғони тарк этмоқчиман.
Эшитмасам кўрмасам, оламда не гаплар бугун,
Дилни хотиржам қилиб, иншони тарк этмоқчиман.
Кечаю кундуз ўзимдан ўзга қайғусин емай,
Скайпдаги барча дўст ошнони тарк этмоқчиман.
Интернетсиз шоду хуррам, яшагандим доимо,
Фиску фасодга тўла расвони тарк этмоқчиман.
Тарк этиб миллат ватаннинг қайғусини, шод бўлиб,
Ҳар нарсага қилганим, парвони тарк этмоқчиман.
Маслаҳат беринг танишлар дўсту ёрлар, не қилай?,
Сиз каби жим жит яшаб, риёни тарк этмоқчиман.
Муаммоси кам бўларди сиздан ибрат олса ким,
Мен ҳам мақола китоб, имлони тарк этмоқчиман.
Шведистондаги барча, «аҳли тақволар» каби,
Пирга қўл бермоқ учун, Тимрони тарк этмоқчиман.
Душманим бўлмасди асло, сизни йўлни ушласам,
Сиз каби «тақво» қилиб, дунёни тарк этмоқчиман.
Шунда мен ҳам сиз каби осудалик топсам не тонг,
Дилимда туғён урар дарёни тарк этмоқчиман.
Шеър ёзишдек дардисарни касб этиб, наф топмадим,
Саҳвий каби шеър ила, шайдони тарк этмоқчиман.

Зоримни десам

Ким эшитгай, бирма бир, дилдаги зоримни десам?,
Ким ишонгай, «шеър ювар, дилдан ғуборимни» десам?!
Мен бу оламнинг муаммосига ғарқ бўлдим бугун,
Ким тушунгай, «олди мендан, ихтиёримни» десам?!
Мен буюк уммондаги бир зарра янглиғ кимсамен,
Хато бўлмас, «фарқи йўқдир, йўқу боримни», десам.
Соғинар ҳижрон тунида дил муҳаббат гўшасин,
Ким ишонгай муҳаббатга, интизоримни десам?!
Менда ҳеч қандай илож имкон шароит бўлмади,
Бир зиёрат айланин шу дўсту ёримни десам.
Маломатгўйлар мени ҳам «ватан хоини» дегай,
Ишонмаслар менга ҳеч, «севдим диёримни» десам.
Дерлар: «Сахвий айлама бу қилу қолга эътибор»,
Иложи йўқ, қаратмайман, эътиборимни десам.

Тушимда кўрдим

Тушимда кўрдим жамолингни демак, уйқуда айб,
Ёки, оромимни олган, ул кўзи жодуда айб.
Ўртар ҳижронин ўти, бу нотавон қалбим яна,
Шу баҳона дилга ўрнашган ўшал қайғуда айб.
Кўнглим ҳар нарса таманно айлагай туғён уриб,
Бу хато гап англагил, ким деса, «йўқ орзуда айб.»
Сарғайибдир заъфарон янглиғ юзимнинг ранги ҳам,
Юзингда айб бўлса гар, бўлгайму эмиш кўзгуда айб.
Меҳрига ташна дилимнинг дардига йўқдир даво,
Ақлдан озиб куларман, борми бу кулгуда айб?!
Ёндиран ҳижрон, кўзим ёши оқиб тўсгай уни,
Ишқ азоби шу, деманглар, «ўтда ёки сувда айб!»
Ишқ шаробидин ичиб, маст бўлса ошиқ айб эмас,
Балки, у ичган муҳаббат номли бир оғуда айб.
Бани одам ишқ тузоғига бўлурлар мубтало,
Агар айб бўлса ўшал иш, ишқ деган, туйғуда айб.
Барчаси тақдир азалнинг ҳукмидан бўлгай, тамом,
Англасанг бу сўзни қўйма, ҳар кима беҳуда айб.
Ёшинг ўтган сари қалбинг ёшарур, эй Сахвиё,
Айб сенинг қалбингда билсанг, демагил, у буда айб.

Ҳажрида

Ғарибликда банда, оҳ ургаи диёрин ҳажрида,
Қариндош қардош ила, ҳам дўсти — ёрин ҳажрида.

Мажнун каби, оҳ урар, Лайли дийдори учун,
Муҳожирлар ота ва онаи-зорин ҳажрида.
Агар бу фоний жаҳонни тарк этишган бўлсалар,
Улар куярлар тавоф этмоқ мазорин ҳажрида.
Мусофирларга етишмасдир ватаннинг ер суви,
Улар яшайдир куйиб, юртин баҳорин ҳажрида.
«Мусофир бўлмай мусулмон бўлмагайсан» дейди, халқ,
Юртни қадрин билмагай, куймай ғуборин ҳажрида.
Ватангадо деб, маломат қилса бизни, тонмангиз,
Ошиқ йигит айб эмас, куйса нигорин ҳажрида.
Ҳеч қачон тарк этмасин, қалбинг ватан меҳри сенинг,
Эл десун: «Саҳвий куйиб ўтди, диёрин ҳажрида.»

ФБдаги Суриялик гўдаклар суратини кўриб турсам, ўғлим келиб «булар нега ўлган?» деб сўради. Самолёт бомба ташлаган учун десам, «нега бомба ташлайди?» деди. Неғалигини мен тушунтиролмадим. Чунки, ўзим ҳам тушунмаيمان.

Эй ўғлим, дунё иши, қолдирмасин ҳайрон сени,
Ҳеч қачон тарк этмасин, тоқат, сабр, имон сени.
Бу дунёнинг сирри асрорига ақлинг етмагай,
Кўнгилчангда «нега?» деган, дард, савол, пинҳон сени.
Аслида ушбу саволга менда ҳам йўқдир жавоб,
Юпатолмасман вале, сездим дилинг вайрон сени.
Бу дунёда кўп экан, офат балолар англадим,
Доимо ҳамроҳинг бўлсин, дунёда қуръон сени.
Ўсиб улғайсанг биларсан, имтихон дунёси бу,
Нуридийдам ҳақ йўлидан бурмасин шайтон сени.
Барча гўдакларга Аллоҳ офият қилсин насиб,
Бошқа бундай манзаралар қилмасин гирён сени.
Сени Аллоҳга омонат топширар Саҳвий бугун,
Даргоҳинда соғ саломат, асрасин Раҳмон сени.

Насиб этганча қолурман шеърят гулзорида;

Кеча кундуз сайр этиб, назму наво бозорида,
Ёзмасам бир кун, ёнарман соғиниб хумморида.
Қўймагай илҳом париси бир замон ўз ҳолима,
Ёзган ҳар байтим дилимнинг дардининг изҳорида.
Гар вужудимга бу меҳнатдан етар кони зарар,
Руҳият роҳат топар айни шунинг озорида.
Толеъим менга шу қисматни ато қилган экан,
Насиб этганча қолурман шеърят гулзорида.

Билмадим қандай табиб қилгай бу дардимга даво,
Мен табобат аҳли билмас дарднинг беморида.
Мен ўзимни бу муаммодан қилолмасман халос,
Чунки, инсоннинг шуури бўлмас ихтиёрида.
Ақлу ҳушдан мосиво бўлмоққа гўё, қолди оз,
Саҳвиё тарк эт бу ишларни ақлнинг борида!

Бир танишимга;

Биламан бугун бордир, қанча мулку-мол сенда,
Қалбинг эгаллаб олган, кўп орзу хаёл сенда.
Кеча кундуз умрингни сарф этарсан дунёга,
Тиним билмассан ҳаргиз, бу қандайин ҳол сенда?
Қаноатсиз одамга, ҳаловат ҳам ҳаромдир,
Нега ҳеч топилмайди вақти бемалол сенда?!
Дунё учун умрингни, сарф этарсан, бўлганмас,
«Яшашдан мақсад нима?», деган бир савол сенда?!,
Ризку рўзинг битилган, бу ўзгармас битикдир,
Уни ўзгартиришга, йўқдир эҳтимол сенда?!
“Ўзинги бос, Мирғиёс”, дейишлик мақсад халос,
Билмассан қандай бўлар, ҳали истиқбол сенда.
Дунёга мағрур, қалби кўрдан узоқ бўл Саҳвий,
Инсоф, адолат ҳаргиз, топмасин завола сенда!

Мен адашдим

Мен адашдим ҳақни айтмоқлик залолат бўлса гар,
Мен разилман ҳақда турмоқлик разолат бўлса гар.
Нотавонлар иззату ҳурматга лойиқ бўлдилар,
Кўрсатинглар менга дунёда адолат бўлса гар.
Кеча кундуз тинмадим роҳат фароғат топмадим,
Шунчалик бўлгай бир одамда шижоат бўлса гар.
Доимо бошимни тик тутмоқ шиоримдир менинг,
Керакмасдир менга, махлуққа итоат бўлса гар.
Биз «ватан хоини» бўлдик зулмга қарши чиқиб,
Майли хоинман ватанга, шу хиёнат бўлса гар?!
Дўсту душман фарқи йўқ, бирдек маломат айлагай,
Тарк этардим барчасин, роҳат фароғат бўлса гар.
Дин билан имону инсоф, иддао айлар бари,
Залолат қандоқ бўлур, ушбу «ҳидоят» бўлса гар?!
Юрагим тор тоқатим йўқ сабр қилмоққа тамом,
Сабр қилгайдим ўшал, сабру — қаноат бўлса гар.

Таваккал қилдим бировга эҳтиёжим йўқ мени,
Менга басдир оқибат имон саломат бўлса гар.
Мен ёмонман яхшилар сиз кўрсатинг одобингиз,
Кўрсатинглар менда йўқ, сизда матонат бўлса гар!
Миннат айлаб, яхшилиқни йўқ қилур қанча одам,
Яхшидир банда хатосидан хижолат бўлса гар.
Бу жоҳил Саҳвийни шояд мағфират этгай Худо,
Авфга лойиқ бандаси унда жаҳолат бўлса гар.

Душманим кўпдир;

Келди даврондан менинг улкан зарар ҳамёнима,
Қанчалик қайғу алам етди эзилган жонима.
Шу балога учраганда куйганимдек, куймадим,
Етганинда қанчалар нуқсон менинг имонима.
Молу дунё меҳри дилни ром қилиб олган экан,
Билмадим, бундан не фойда бор экан шайтонима?
«Камбағални отнинг устида қопар ит» дейдилар,
Балки шунга дуч бўлар, итлар менинг қарвонима?
Бу фалокат дастидан тарк этди илҳомим мени,
Келмайин қўйди нечукким, анча бўлди ёнима.
Эй Худоё, мағфиратингдан умидни узмадим,
Раҳматинг ғолиб саноксиз бўлсада нуқсонима.
“Паноҳингда асрагил” деб, айлагай Саҳвий дуо,
Душманим кўпдир ҳаётда ташна турган қонима.

Қасос олмоқдадир

Билмадим қисмат бугун мендан қасос олмоқдадир?,
Бошимга битмас туганмас можаро солмоқдадир!
Эплай олмасман неча кўнгилда мақсад орзу бор,
Нотавон хаста вужудим чарчабон толмоқдадир.
Умр қисқа мендаги орзу ҳавас поёни йўқ,
Қанчалар битмас туганмас ишларим қолмоқдадир.
Бу дунёнинг бақосининг йўқлигига шубҳа йўқ,
Бизга ҳам паймона тўлгандан хабар келмоқдадир.
Ҳеч дилимда, вужудимда, офиятни топмадим,
Эҳтимол балким ажал, ҳижрон куйин чалмоқдадир?!
Омонат дунё, омонат жон, жасад, имкон бари,
Ёш қари, катта кичик, етса ажал ўлмоқдадир.
Саҳвиё бандага маълуммас қазонинг ишлари,
Барча олам Роббиси, не истаса қилмоқдадир!

Мулланинг ҳам нафси бор;

Мулланинг ҳам, муфтийнинг ҳам, нафси бор, шайтони бор,
Бошқалардек жиғилдони бор, қуруқ ҳамёни бор.
Қайси иши тўғридир ё қайси бир иши хато,
Ишларида, сўзларида, тўғриси нуқсони бор.
Баъзида билмай хато қилса, баъзан қилғай билиб,
Чунки, қалбинда нафс туғёни бор, имони бор.
Бошқалардан уларнинг, аслида мутлақ фарқи йўқ,
Васваса айлайди шайтони томирда қони бор.
Лекин бу умматга пешволик уларнинг қисмати,
Шу сабаб ҳақ йўлда турмоқлик керак имкони бор.
Башариятнинг илм осмонида юлдуз улар,
Ҳаммаси бирдек эмасдир, яхшиси ёмони бор.
Қўрқитар шайтон уларни ўзга инсонлар каби,
Уларнинг ҳам Саҳвиё, сендек танинда жони бор.

Орзу армони билан

Етмади мақсадга бу халқ, шунча қурбони билан,
Фатҳу нусрат келмас эркан, бандалар сони билан.
Чорак аср ушбу элнинг қонин ичди мустабид,
Чиқмади майдонга бу эл, шунча имкони билан.
Шон шараф топди неча эллар кураш майдонида,
Бизга хорлик бўлди қисмат бу оломони билан.
Жонфидолар бўлмаса, бўлмас буюклик ҳеч қачон,
Азизликни сотиб олган, барча эл жони билан.
Бизга шу тақдир эканда, ҳеч натижа бўлмади,
Ҳақиқатни енгди ботил, сохта ёлғони билан.
Узоғу яқин тарихда аҳли ислом доимо,
Буюкликка эришганлар, шаҳидлар қони билан.
Қаламдан ўзга силоҳи йўқ, кураш майдонида,
Дунёдан ўтмоқда Саҳвий, орзу армони билан.

Турфа одам;

Одамизод ичра турфа тоифа одам бўлур,
Ўзини доно ҳисоблар ким, фаросат кам бўлур.
Ҳеч бирор ишни қилолмас қойилу, кўкрак керар,
Озгина дард етса сабр этмас иши мотам бўлур.
Ўзини кўз кўз қилишга, айюҳаннослар солар,
Бўлмаса гар ҳеч муқаддас қадрият, не ғам бўлур?!

Роббисин инкор қилиб, даҳрийлигин ошкор этиб,
Тавба қилмай ўтса гар, мангу оловда жам бўлур.
Ўзининг бадбахтлигига, англамас недир сабаб,
Билмагай бу бедаво дардига не малҳам бўлур?
Ўзгани ҳурмат қилолмас, ўзига иззат кутар,
Қилмишига мос жавоб берсанг кейин мулзам бўлур.
Ҳар касу нокас сўзига, бўлма маҳзун Саҳвиё,
Кимки, Тангрига таваккул қилса хотиржам бўлур.

Ғавғо чиқди

Мухолифат ичидан, доимо ғавғо чиқди,
Адо бўлмас адоват, тугамас иғво чиқди.
Кўзлаган мақсадига етгайми бу одамлар?,
Лидерман деганларнинг, ақли норасо чиқди.
Айтинг кимга эргашсин, бугун ўтюрак ёшлар?,
Мен даҳо билган кимса, асли аждаҳо чиқди.
На бу курашда саф бор ва на сафдошга ҳурмат?,
Вафодор деб ўйлаган, кимса, бевафо чиқди.
Ҳурматга лойиқ одам, топа олмадим афсус,
Топганим шухратпараст, бетавфиқ, юҳо чиқди.
ИАК ўлса, мухолиф гуруҳлар кўзгалар деб,
Ўзимча ўйлагандим, нотўғри хато чиқди.
Тарк этгил Саҳвий барча, мухолифман деганни,
Булардан сенга фақат, жабр ила жафо чиқди.

Қодиру Танҳога айт!

Сиғмаса дардинг дилинга, сувга айт, дарёга айт,
Турмаса сирринг кўнгилда, дўсту ёр, ошнога айт.
Беши кам дунё ғамидин топмасанг ҳаргиз омон,
Адолатни талаб қилғил, ҳокиму, подшога айт.
Ҳаёт даштида адашсанг, йўл тополмай зор қолиб,
Айтмагил ҳар кимга излаб, олиму, пешвога айт.
Ошиқ бўлсанг бир юзи гул ёр учун Мажнун каби,
Топсанг имконин ғаминг, шу дилбари барнога айт.
Топмасанг дардга давони бевафолар дастидан,
Унда кўнглинг зорини чўлга чиқиб, сахрога айт.
Гар Навоийдек назмдан истасанг топмоқ наво,
Шеърят боғини кезган шеър ила, шайдога айт.
Эйки, истарсан бу дунёда камолот касбини,
Бас, бу маънидин хабардор, оқилу донога айт.
Кимга битгандир саодат қисматин кимга завол,
Норизо бўлсанг агар, бор, бевафо дунёга айт.
Ҳеч биридан топмасанг гар манфаат Саҳвий каби,
Унда дардингни фақат, бир Қодиру Танҳога айт!

Уйқу улуғ неъматдир

Уйқу улуғ неъматдир, унуттирар дунёни,
Воқеъликни йўқ қилиб, рост қилади рўёни.
Ухлаганда одамзод, кетар дунё қайғуси,
Унутар инсон буткул, сохталикни, риёни.
Камбағалу бойлигин, ўйламайди уйқуда,
Уйғонгунча фарқи йўқ, зулмат билан зиёни.
Яхши билан ёмон ҳам, ухлаганда баробар,
Ухласа тўхтаб турар, ёмонларнинг ёмони.
Ухлаб қолсанг узрли, ҳатто ибодатларга,
Ухлаб қолишнинг бордир, баъзан фойда томони?!
Уйқу яхши экан деб, ухлаш керакмас доим,
Ғафлатда ўтса умринг, кўп бўлади зиёни.
Ғафлатда ўтди умри, бедор ўтсада Саҳвий,
Жиловига ололмай, қолди нафси ҳавони!

Ақлдан озмоқда Саҳвий

Кошки бу дунё бу янглиғ асли бунёд бўлмаса,
Кошки бу дунёда золим зулмидан дод бўлмаса?!
Кошки, мазлум бўлмаса ҳеч, бўлмаса зўр, зўравон,
Бировни қонин тўкиб, бундан биров шод бўлмаса?!
Адолат бўлмас экан, турмайди дунёда ҳаёт,
Қўрқаман, дунё яқин кунларда барбод бўлмаса.
Адолатни тикламоқлик мақсадида жанг қилиб,
Оқибат не фойда бор, бу дунё обод бўлмаса?!
Одамизоддан ёвузроқ, кимса йўқ бу дунёда,
Тинч яшарди балки олам, одамизод бўлмаса?!
Биз яралганмизми бу дунёда қон тўкмоқ учун?,
Наҳотки, бўлмас яшаб, шу доду — фарёд бўлмаса?!
Ушбу дунёнинг муаммосига ақли етмагай,
Ақлдан озмоқда Саҳвий, роҳи иршод бўлмаса!

Қолди кўнглим;

Дема; «қолди балки кўнгли, аҳли Тимродан» мени,
Қолди кўнглим, «энди барча аҳли дунёдан мени!»
Фитналик оламда кирмоққа жамоат топмадим,
Келса уммидим фақат, Исо Масиҳодан мени.

Ногаҳон бир кун мени бир раҳнамога дуч этиб,
Ташна қалбимни суғорса, ушбу дарёдан мени.
Мен адашдим бу залолат даштида сарсон бўлиб,
Чиқарса йўл кўрсатибон, ушбу саҳродан мени.
Менда бордир шубҳа аксар муттақий тақвосига,
Гарчи қисмат бенасиб айлабди тақводан мени.
Қайга бормай доимо, тақдир мени таъқиб этар,
Чиқмади бошим сира, минг турли ғавғодан мени.
Дунёни тарк этса Саҳвий истаги сиздан дуо,
Эҳтиёжим йўқдир ўзга, дўсти ошнодан мени.

Қирқ беш ёш;

Энди қирқ беш ёшга етгандир бугун ёшим менинг.
Не балолар кўрмади бу ёшда шу бошим менинг?
Дунёда кўп яшаганнынг кўп бўлар тажрибаси,
Билмадим етгайми бунга сабри бардошим менинг?
Ҳар куним ўтган сари сўнмоқдадир умрим шами,
Англаяпман энди мен, ботмоқда қуёшим менинг.
Дилда орзулар бари армон бўлиб қолмоқдадир,
Дилим дардин олгудек, йўқ битта сирдошим менинг.
Мен ўзимдан норизоман, Тангри бўлгайми ризо?
Кимга не фойдаси бор, оққан бу кўз ёшим менинг?!
Даргоҳига дод этишдан ўзга чорам қолмади,
Заҳр ила омухта бўлгандир еган ошим менинг.
Қодир Эгам, ажал еткурсанг, бу Саҳвий ўлса гар,
Раҳм қил, қолдирма бу ерда жасад, лошим менинг.

Тоқ қилур

Элимнинг дарди менинг, бор тоқатимни тоқ қилур,
Эл эса мандек, ғариб фарзандларини оқ қилур.
Зўравонларга итоатни талаб айлар мудом,
Ўзларидек ўзгаларни муттаҳам қўрқоқ қилур.
Халқни душмани деган тамғани бизларга тақиб,
Ватанда қолган қариндошларни ур тўқмоқ қилур.
Биз бу элнинг дардига дармон тополмаймиз наҳот?,
Наҳотки, инсонлар инсон зотиға қийноқ қилур?!
Даҳрийлар қурган ақида, муқим, устундир ҳануз,
Тахтни нодонлар эгаллаб, элни ҳам аҳмоқ қилур.
Бир асрлик уйқусидан уйғона олмас бу эл,
Ҳар куни тонг отса, зулматлар босиб, мудроқ қилур.
На АҚШда, на бошқада қолмади азми сабот,
Мустабид золимни ўзига яқин ўртоқ қилур.

Нега ибрат олмагай, иззатни истар бўлса ким,
Зулмда қарши курашда, бошқалар қандоқ қилур?!
Саҳвиё, элда адолат қолмагандир энди ким,
Ғафлат уйқусидан элни уйғотиб, уйғоқ қилур.

Толиб Ёқубовга

Буюк шахслар доимо, дунёда кам яшайди,
Уларга ҳамроҳ бўлиб, ташвишу ғам яшайди.
Бошқалардек бахтиёр ўйнаб кулолмас улар,
Эл юрт ғаминда доим кўзлари нам яшайди.
Эл юрт ғаминда улар жонини фидо қилур,
Аммо қадр топмаслар, лек хотиржам яшайди.
Улар дардин оламга қилмайдилар дастурхон,
Билолмассан қалбинда қандай алам яшайди.
Меҳрин бериб дунёга, ўзлари меҳр топмас,
Меҳрсиз оқибатсиз, қанча одам яшайди.
Тирикликда билмас эл ким бўлганин буларни,
Бу азалий қисматдир, шундай олам яшайди.
Бу инсонлар дардига малҳам топилмас Саҳвий,
Гарчи дунёда қанча, дардга малҳам яшайди.

Менга дерлар:

Менга дерлар: англагил, Саддам ИАҚдан фарқи бор,
Мен не дерман: шубҳасиз, отнинг эшакдан фарқи бор.
Қуфр ила имон жамулжам бўлмагай бир қалб аро,
Аниқ бўлган нарсаларнинг шубҳа шакдан фарқи бор.
«Юртимиз тинч юртбоши донолигидан» дейдилар,
Мен дегайман: жину — шайтоннинг малакдан фарқи бор.
Менга дерлар: отнинг ўрнин той босар балким ҳали,
Менга айтинг қанчалик толнинг теракдан фарқи бор?..
Юрт бошига юрт ғамини ейдиган мардлар керак,
Чунки мардларнинг қўлин нозик билакдан фарқи бор.
Мен ИАҚнинг зулми тезроқ қурисин, битсин дедим,
Бу тилак маддоҳларин қилган тилакдан фарқи бор.
«Куракда турмайди бу шеъринг» дея айб айламанг,
Шеър китобимда турар, буни куракдан фарқи бор.
Чиқса сўз тилнинг учидан, ларзага солмас дилинг,
Агар гап тилдан эмас, чиқса юракдан фарқи бор.
«Не керакдир беъмани шеърлар ёзиш, Саҳвий?» деманг,
Нокерак шеърларнинг ҳар доим керакдан фарқи бор.

Ўғлимга:

Тилагим шу, толеъинг осмонида шаҳбози бўл,
Саодат боғини забт этгин, баландпарвози бўл.
Эй жигарбандим, ҳамиша Тангри ҳамроҳинг бўлиб,
Набиларнинг вориси бўл, ҳақиқат овози бўл.
Тангрим ўз йўлида собит, мустақим қилсин сени,
Камолот касб айлагилким, бандалар мумтози бўл!
Зулм кўрма ҳеч отангдек, ҳаққа топширдим сени,
Учраса мазлум ҳаётингда агар, ҳамрози бўл.
Муттақинларга имомлик рутбасин берсин Эгам,
Тақводорлар қавмининг, пешвосию, устози бўл!
Зулму золимга ҳамиша қарши бўл, қилғил кураш,
Курашмоққа топмасанг, имкон агар, норози бўл.
Ҳеч қачон золимга бошинг эгма, номардлик қилиб,
Сен адолатни намоён айлаган, тарози бўл.
Менинг фахрим бўл ҳамиша, зулмга қарши туриб,
Бу курашда қўмондон бўл, йўқса бир сарбози бўл.
Насиб этсин бизга шу кунларни кўрмоқни Эгам,
Шу кунга етмай, ўтиб кетсам мабодо, рози бўл!

Излагин

Муҳаббатнинг шавқини сен навбаҳордан излагин,
Изласанг ҳақ раҳматини, тонг наҳордан излагин.
Баҳри дилни очгувчи раҳмат насимин истасанг,
Эрталаб ором бериб, эсан шамолдан излагин.
Бу улуғ айёмда, қалбинда муҳаббат урса жўш,
Дилинг дардига даво, соҳиб жамолдан излагин.
Гарчи бахтингни тугал, топмоқ иложи бўлмаса,
Умидинг узма саодат истиқболдан излагин.
Эйки сен гар истасанг дунёда обрў эътибор,
Қисматингда бўлса, мансаб бирла молдан излагин.
Охират қайғуси тушса бошинга, тақдир қазо,
Деб аталган, жавоби йўқ, бир саволдан излагин.
Саҳвиё, сен барчасидан, бенасиб қолдим дема,
Худо берса ажаб эрмас, эҳтимолдан излагин.

Нидо бўлгани яхши

Ҳақиқатга чақириқ нидо бўлгани яхши,
Бу нидога нисбатан садо бўлгани яхши.
Эшитганлар жим турса, кўрқсалар мард йигитлар,
Бундай кимсалар тезроқ, адо бўлгани яхши.
Адолат учун доим курашмоқлик шарафдир,
Мардлар юртин ғаминда, фидо бўлгани яхши.
Очлар яланғочларга сарф этмаса молини,
Бундай бойваччаларнинг, гадо бўлгани яхши.
Борган сари оввора, расво бўлди бу миллат,
Ким айтади хорликка, шайдо бўлгани яхши.
Хорликка маҳкум қавмим нажот йўлини унутди,
Энди бирдамлик мардлик, пайдо бўлгани яхши.
Агар қадрин билмаса ўз фарзандини бу эл,
Бундай элдан Саҳвийнинг жудо бўлгани яхши.

Яхши ёмонни кўрдим

Туркияда мен ажиб давру давронни кўрдим,
Ҳам ўтмиш, ҳам келажак, турфа замонни кўрдим.
Бир тараф ахлат қоп қоп, бир тараф тоза оппоқ,
Бир ён қора, бир ён оқ, боғу — бўстонни кўрдим.
Кимдир яланғоч қаранг, қилпиллаб юрар аранг,
Кимда ҳижоб ранг баранг, куфру — имонни кўрдим.
Кимда бор кибру — ҳаво, кимдир дарди – бедаво,
Мусулмонобод маъво, кофиристонни кўрдим.
Бир тарафида бойлар, бир тарафда гадоилар,
Осмонда юлдуз ойлар, моҳитобонни кўрдим.
Тор кўчаларда одам, тиним билмас бирор дам,
Ким ғамда, кимдир хуррам, бир оломонни кўрдим.
Савдогарлар, баққоллар, саллалару соқоллар,
Йигит қиз, кампир чоллар, жумла жаҳонни кўрдим.
Масжидлар ҳар томонда, қурилган қай замонда,
Ҳаммаси тинч омонда, амон амонни кўрдим.
Ҳайратда қолди Саҳвий, Ҳаққа хос илми ғайбий,
Ҳамдлар бўлсин ё Раббий, яхши — ёмонни кўрдим.

Хабар;

Эй мухобир, бер ватан, обу ҳавосидин хабар,
Ғарибларнинг дардига лозим давосидин хабар.
Умримиз ҳижрат диёрида кутиб ўтмоқдадир,
Мустабиднинг ўлганидан, интиҳосидин хабар.
Эшитишга тоқатим тоқ бўлди, мазлум эл мудом,
Турфа хил офат балога мубталосидин хабар.

Бас етар, ким неча йиллар тинмайин, шу доимо,
Етказарсиз бизга золимнинг жафосидин хабар.
Неча йиллар интизорман, етказарсизлар, қачон,
Мустабид золим ИАКнинг алвидосидин хабар?
На ватан, на аҳли ислом ўлкасидан, бизга ҳеч...,
Келмади, дилга қувонч берган садосидин хабар.
Ҳуш хабар муҳтожидурман, шум хабардан алҳазар,
Гар адашган бўлса Саҳвий, бер хатосидин хабар.

Омонат деб билинг

Жон омонат деб, билинг, имон омонат деб, билинг,
Бизга нозил бўлган дин, қуръон омонат деб, билинг.
Бу ҳаёт шундай яралмиш, барчаси ўткинчидир,
Энди сиз инсон учун, инсон омонат деб, билинг.
Тугайди тўю томошо, тугайди ҳасрат ва ғам,
Иззатин қилмоқ учун, меҳмон омонат деб, билинг.
Эртами кечми ўтармиз бебақо дунёсидан,
Токи мавжудмиз бугун, имкон омонат деб, билинг.
Ҳусн ҳам вақтинчалиқдир, токи битмасдан бурун,
Ёшлигу, соғлиқ билан, жонон омонат деб, билинг.
То ёмонни кўрмайин, яхшини қадрин билмас эл,
Тоату тақво учун, ҳар он омонат деб, билинг.
Ғариблик даштида дардин сизга дастурхон этар,
Саҳвий деган шоири, ҳайрон омонат деб, билинг.

Хароб бўлдик

Хароб бўлдик, мустабиднинг зулму истибдодидан,
Қайга қочсин бандалар, зулм аҳлининг бедодидан?
Қочиб ҳам золимни зулмидан омонлик топмаса,
Қандай қутулсин бу эл, юртбошининг жаллодидан?
Бунчалар жабру зулмга рози эл дунёда йўқ,
Унутганлар бўлганин соҳибқирон авлодидан.
Агар авлодларга озод ҳур ватан қолдирмасак,
Рози бўлмаслар улар бу нотагон аждодидан.
Олмасак ибрат тарихдан бўлмас истиқбол буюк,
Боболар қилган хато чиққан бу элнинг ёдидан.
Мустақилликдан бу эл кутган натижа бўлса шу?,
Фарқи борми унда ҳеч вайронининг ободидан?!
Шеър ёзарман мустабидга нафратим изҳор этиб,
Бормикан бир манфаат, Саҳвийни бу фарёдидан?!

Тақдири қазо бўлди

Бу миллат расво бўлди, тақдири қазо бўлди,
Элда бирлик бўлмади, доимо низо бўлди.
Ўт кетса ҳўлу қуруқ, баробар ёнар, аммо,
Мусулмон бўлганларга, каттароқ жазо бўлди.
Кошкийди ҳақда турса, адолат қилса шайхлар,
Зулм бошинда турган, казою казо бўлди.
Мусулмонга мусулмон, душманлик қилса бу он,
На дунё обод бўлди, на Худо ризо бўлди?!
Мўминларни хорлади, имон даъво қилганлар,
Кимларгадир тўй бўлса, кимларга азо бўлди.
Ўғри каззоб зинокор, бари бир четда қолиб,
Диндорлар оиласи, эл ичра сазо бўлди
Ёмон бўлди эл учун, золим подшоҳ, касофат,
На бир ажали етди ва ё на қазо бўлди.
Илож қанча тарихда кўп бўлгандир фитналар,
Муовийянинг хасми, Али Муртазо бўлди.
Зулмга рози бўлмоқ, зулм бўлгайдир билинг,
Шунинг чун золимлардан, Саҳвий норизо бўлди.

Беватанлик

Беватан ўтмоқда умрим орзу ҳаёли билан,
Шод яшолмасман унинг бағринда висоли билан.
Доимо ҳижронида куйдим, бунинг не фарқи бор,
Ёрнинг ҳижронинда куйган, ошиқ тимсоли билан?
Ватаннинг қадрин, ватансиз дарбадарлардан сўранг,
Англагай неъматни қадрин, банда заволи билан.
Доимо нурин сочиб турган қуёш тенг бўлмагай,
Тўрт фасл қору бўрон, ёмғирни шамоли билан.
Бормикан ҳурлик адолатга эришган битта эл,
Зулмга қарши курашмай, жон ила моли билан?!
Бизнинг элга бир оғир қисмат битилмишдир қаранг,
Эплай олмайди бу ишни, нотаваон ҳоли билан.
Кеча кундуз шеър ёзар Саҳвий ватанни соғиниб,
Бошқа не қилсин бу банда, ушбу аҳволи билан?

Тарихга бир назар;

Бир назар солсам тарихга, кўп балолар биздадир,
 Буюкликка, инқирозга, мубталолар биздадир.
 Қабул этгунча ҳидоят динни кўп йиллар ўтиб,
 Сомонийлар давридаги можаролар биздадир.
 Буюкликка етишганда, Хоразмшоҳлар келиб,
 Мўғулларнинг зулмидан чеккан жафолар биздадир.
 Ўз элин, ўз динини, асраш учун жонин тикиб,
 Жалолиддиндек Ватанга, жон фидолар биздадир.
 “Ал — жабр”, “Қонуни — тибб”лар, то ҳануз хизмат қилур,
 Ал — Беруний, ал — Фаробий, Ибн Синолар биздадир.
 Ҳинду, Эрону, Турону, Шомни забт этган буюк,
 Темур қурган Самарқанду, Бухоролар биздадир.
 Бухорийлар, Термизийлар, Самарқандийлар неча?,
 Дин билан дунёга машҳур, раҳнамолар биздадир.
 Муассисдир нужум илминда Улуғбек Кўрагон,
 Во дариф, Абдуллатиф қилган хатолар биздадир.
 Мир Алишер шеърят, бўстониинг султони дир,
 Мерос қолган Навоидан, хуш наволар биздадир.
 Бобуршоҳ кетган эди, бу элдан Ҳиндистон сари,
 Тож Маҳал меросидан чин иддаолар биздадир.
 Бу диёр фозилларин, бир — бир санаш, имкони йўқ,
 Бебаҳо илмий асарлар, ихтиролар биздадир.
 Биз буюк бир эл бўлиб, келгандик асрлар аро,
 Тарих гувоҳ, қанчалар олим, даҳолар биздадир?!
 Кўп асрлар юрт талашдилар, Амирлар, Хонлар,
 Оқибатда таназзуллар, истилолар биздадир.
 Кейин даҳрийлар ҳукмрон бўлди Турон мулкига,
 Бу касофатларга қул, бахти қаролар биздадир.
 Мустақил бўлдик бугун, Туронзамин бир қисмида,
 Ўртамизда турли хил, миллий низолар биздадир.
 Бугун бу эллар аро, ер — сув талаш, осмон талаш,
 Не қилайлик ушбу дарди, бедаволар биздадир?!
 Чорак аср бўлди, зулм айлар элига мустабид,
 Дину — имонин унутган, рўсиёлар биздадир.
 Қаранг манқуртлар каби, тарихин билмас қанчалар,
 Ўзгалар урф — одатига, маҳлиёлар биздадир.
 Ҳақни айтган қанчалар, аҳли — илмлар йўқ бўлиб,
 Турфа хил маддоҳлару, аҳли — риёлар биздадир.
 Неча миллион халқ бугун, дунё кезар сарсон бўлиб,
 Она Ватандан, элидан, мосиволар биздадир.
 Адолат топмай ватанда, зору ҳайрондир бу эл,
 Жабру ситам остида, бағри адолар биздадир.
 Ўн асрлик тарихингни қисқача қилдим баён,
 Эй Ватан, сенла фахр, афсус, нидолар биздадир.
 Умидвормиз рўшноликка, етгай энди юртимиз,
 Яратгандан умид айлаб, илтижолар биздадир.

Ўқиб шеъримни маломат айламанг дўстлар мени,
Бесаблиқдан бу янглиғ, дийдиёлар биздадир.
Яратган Зот меҳрибондир, ҳеч унутма Саҳвиё,
Даргоҳига беҳисоб, ҳамду — санолар биздадир.

Фарзандлар бўлсин омон

Фарзанд яратган зотдан неъмат қилиб берилган,
Ҳаёти дунё учун зийнат қилиб берилган.
Яратганнинг эҳсони, бир улуғ имтиҳони,
Яратилиш имкони шаҳват қилиб берилган.
Ўғилми қиз бетакрор, ҳар бирининг ўрни бор,
Ҳаммасига беғубор фитрат қилиб берилган.
Кимга кўзлар қувончи, ортида бир дуоғўй,
Дунёи охиратда раҳмат қилиб берилган.
Кимлар учун балодир, дардлари бедаводир,
Кимларнидир бошига кулфат қилиб берилган.
Фарзанд учун масъулдир, ота онаси доим,
Авлодларга аждодлар, миллат қилиб берилган.
Фарзандлар бўлсин омон, эътиборсизлик ёмон,
Саҳвиё танда бу жон, муҳлат қилиб берилган.

Миллатсан;

Эй халқим, олимларинг сақлолмаган миллатсан,
Аждодларинг ишончин оқлолмаган миллатсан.
Қанча жигарбандларинг қириб, қурбонлар бердинг,
Дилидан ўч адоват, йўқолмаган миллатсан....
Турли йўлга бош уриб кўрдинг, асрлар ҳануз,
Ўзингни ҳақ йўлига, сололмаган миллатсан.
Золимларнинг қўлинда кул бўлдинг эзилдинг,
Зулмга қарши кураш қилолмаган миллатсан.
Ҳар дайди ит устинга келса бўйин эгарсан,
Ору номусни ушлаб қололмаган миллатсан.
Дўстни душман ҳисоблаб, душманни дўст тутарсан,
Ким дўсту, ким душманинг, билолмаган миллатсан.
Саҳвий ўйларди ёвуз қашқирни йўқ қилар деб,
Сен қўйни оғзидан чўп ололмаган миллатсан.

Тинмади;

Дилга ҳасратлар солиб турган хабарлар тинмади,
Фитна аҳли тарқатиб турган заҳарлар тинмади.
На Мисрда, на Ироқда, на Фаластин бирла Шом,
Ўлкасинда мусулмонларга зарарлар тинмади.
Ўзбекистонни гапирманг, Афғонистон олдида,
Чорак аср бўлдики, зеру-забарлар тинмади.
Аҳли исломнинг муаммоси оғир бўлди қаранг,
Чора излаб, кўз тикиб турган назарлар тинмади.
Дилимга сиғмайди дардим, портладим вулқон бўлиб,
Барчасига қайғуришдан, ал-ҳазарлар тинмади.
Раҳматан лил оламин, бўлганди Аллоҳ элчиси,
Умматининг қайғусинда, тун-саҳарлар тинмади.
Энди бу қайғуга ҳамдардлик насиб этган экан,
Саҳвиё, сен тинмагил, бу дил бузарлар тинмади.

Бугун;

Сарзамин жангу жадаллар ичра ларзондир бугун,
Одамизод қадри ҳам бир пулдан арзондир бугун.
Фитналар қўпди, билиб бўлмас қаерда ҳақ йўли,
Қай тарафга боқмангиз, эллар ғалаёндир бугун.
Ким ҳаловат топтоғи мумкин ажалнинг домида,
Қотилу мақтул қаранг, бари мусулмондир бугун.
Фитна ичра қирпичоқ бўлса мусулмонлар агар,
Бунга қандай айтасиз, “золимга исёндир” бугун?!
Лолазордан олмаган рангин шафақни офтоб,
Сарзаминни лолазор этган қизил қондир бугун.
Нега бу аҳволдамиз, роҳи саодат қайдадир,
Аҳли ислом барчаси хотир паришондир бугун?!
Дўстларим айб айламанг, “Саҳвийни ақли паст” дея,
Ҳеч нима идрок этолмас, лолу ҳайрондир бугун.

Йиғлағай;

Йиғласа мазлум аламдан, еру-осмон йиғлағай,
Ботил ҳақ устига ҳоким бўлса, имон йиғлағай.
Нола чекмас еру осмон ўлса бир золим агар,
Бир ғарибу бенаво ўлганда, гирён йиғлағай.
Зулм бир ён, адл бир ён, курашмоқда тинмайин,
Аросатда қолганин билганда инсон йиғлағай.
Раҳматидан бенасиб қолган киши бадбахт бўлар,
Нола тортиб зурриёти ўлса ҳайвон йиғлағай.
Энди қандай шоду хуррамлик татир мўмин учун,

Чор тараф зулм остида, қардоши нолон йиғлайгай?!
Ёш гўдак фарёди таъсир этмаган одам эмас,
Тош юрак ўлгач бориб, дўзахда чандон йиғлагай!
Сен бугун мазлумлар аҳволига йиғла Саҳвиё,
Билки, мазлумга ачинмас кимсалар қон йиғлагай!

Қодир Эгам хор айласин!

Эй Башар Асад сени, Қодир Эгам хор айласин,
Салтанату аскаринг шарманда тор-мор айласин!
Бу ғариб бечораларнинг қонлари тутсин сени,
Икки дунёнинг азобига сазовор айласин!
Қудратин поёни йўқ Зот, қудратини кўрсатиб,
Барча золимни Ўзин, қаҳрига дучор айласин!
Салтанат кўзини кўр қилган, бу золим ўлса гар,
Дардига топмас давони, қанчалар зор айласин!
Эй мусулмонлар, зулмга жим қараб турмоқ ҳаром,
Кимки имон соҳиби, мункарни инкор айласин!
Шунча ноҳақ қон тўкилган пайтда, жим турган киши,
Муттақинлик иддаосин, энди бекор айласин!
Барча золимларга лаънатлар тилаб айт Саҳвиё,
“Эй Башар Асад сени, Қодир Эгам хор айласин!”

Сурияда вайроналар остидан тирик чиққан болакайни кўриб;

Бу гўдакнинг ҳолига йиғлолмадим жон қолмади,
Ё Раб, ожиз бандани авф этгил имкон қолмади.
Қай бирига куйиб энди, қай бирига йиғлайин,
Бу ғарибу нотавон жисмимда дармон қолмади.
Бу хабар воситаларда, хуш хабарни кўрмадим,
Доимо куйди дилим осуда бир он қолмади.
Мени ҳайратга солар бундай ёвузлик даҳшати,
Бу мусибатларни ким кўрганда ҳайрон қолмади?!
Не қилиш мумкин бу даҳшатларни тўхтатмоқ учун,
Наҳот бу дунёда бир инсофли инсон қолмади?!
Дийдалар қотди бугун қон йиғламас бу бағритош,
Бу мусибатларга ғам чекмас мусулмон қолмади.
Йиғламай не чора бор, Саҳвий бу офатни кўриб,
Не қилай йиғлолмадим, ё Раб кечир, жон қолмади!

Мубтало бўлди бу уммат

Мубтало бўлди бу уммат, турфа алвон ғам била,
Ҳар куни ўтмоқда энди, ғам алам, мотам била.
Мустабид золимлар бўлди, хонлари султонлари,
Қилмади умматни дардига даво малҳам била.
Адолат йўқ бўлсада, яхши одамлар йўқ эмас,
Куфр аҳлидан кўришган марҳамат, ёрдам била.
Турфа манҳаж, турли фирқа, чор тарафга чорлагай,
Бор эрур бир фирқа, тил топмас Бани Одам била?!
Олам узра, чор тарафда, аҳли Исломи бағри қон,
Тинмайин жанглари қилар, уммат бугун олам била!
Муддаоим офият келсин бу умматга тамом,
Билмадим бир нарсани ўзгаргайми бу нолам била?!
Саҳвиё, уммат ғаминда, ғам чекишлик, ғам эмас,
Ушбу ғам бирла яша, доим кўзингда нам била!

Эй биродар

Эй биродар кир кураш йўлига, диндошинг учун,
Турмаларда сарғайиб ётган қариндошинг учун.
Шунча йил зулм айлаган золимдан инсоф истама,
Кўтар энди сен адолат туғин издошинг учун!
Энди қўрқувдан дилингни поклагил, ғайратли бўл,
Бир ўлим бордир, унутма, барибир бошинг учун.
Ҳақ йўлида мард бўлиб, журъат қилиб, майдонга чиқ,
Ҳожат эрмас кўз ёши, ўтган абас ёшинг учун.
Ваъдага айлаб вафо, жонига бўлгил жонфидо,
Бу улуғ йўлингда йўлдош бўлса, сафдошинг учун.
Тик туриб, мағрур яшаб, ўтгил ҳаётдан доимо,
Қайғу чекма, қуртга ем бўлғуси бу лошинг учун.
Саҳвиё, сен бу кураш майдонида олдинда бор,
Кенг жаҳонни кўзига тор айла “юртбошинг” учун!

Меҳнат муҳожирларига

Дўстларим, ўйланг ватанни, ким у расво айлаган?!
Ғурбат ичра бошингизга бунча савдо айлаган?!
Ота, Она, ёру-дўстдан айрилиб, йиллар яшаб,
Олдингизда турли хил ташвишни пайдо айлаган?!

Қанчалар сувга чўкиб, ўлганди қанчалар куйиб,
Қанчалар ҳаққин ололмай, доду-ғавғо айлаган?!
Қанча эркак қул бўлиб, кетган аёллар фоҳиша,
Шу қадар хорликмиди сизларни шайдо айлаган?!
Нега юртингизни обод айламоққа йўқ илож,
“Гастарбайтер” тавқини сизларга тамғо айлаган?!
Тарк этиб қулликни, ҳаққинги талаб қилғил ахир,
Золим ўз халқига зулмин бунча барпо айлаган?!
Ватандошлар сизга бу дам, айлагай Саҳвий нидо,
Фикр этиб, ўйланг ватанни, ким у расво айлаган?!

Кўнгли вайронман бугун

Шу гўдакнинг қайғусидин, кўнгли вайронман бугун,
Не қилишимни билолмай, лолу ҳайронман бугун.
Мен муҳожирман, зулмдан қочган эрдим, оқибат,
Мазлум инсонларни аҳволига нолонман бугун.
Ҳам Фаластин, ҳам Ироқ, ҳам Афғонистонни кўриб,
Адвия майдонида гўёки, Ихвонман бугун.
Сурия мўминлари қон йиғлаганда, йиғладим,
Аҳли ислом ҳолига, мен дийда гирёнман бугун.
Эй мусулмонлар, бу умматнинг ғариб аҳволига,
Чора излаб топмайин, ҳоли паришонман бугун.
Мен тушунган дину, имоним, мени тинч қўймагай,
Осию, ожизлигимдан, кўп пушаймонман бугун.
Бундайин аҳволга чора изламай, эй Саҳвиё,
Тинчгина ётсам яна, қандай мусулмонман бугун?!

Юрагига ўт ёқинг

**Юрагига ўт ёқинг Акмал Андижонийни,
Кулин кўкка совуринг унинг ширин жонини.**

Акмал Набиев

.....

Юрагига ўт ёқинг Акмал Андижонийни,
Кулин кўкка совуринг унинг ширин жонини.
Йигирма йил ватанда қўним топмаган эди,
Майли, ичинглар агар, қолган бўлса қонини!
Эй жаллодлар барибир, мағлубият сизники,
Йўқ қилолмайсиз ҳаргиз, Акмални имонини.

Уни ўлдириш мумкин, қамаш, уриш калтаклаш,
Сони борми мустабид, золимнинг қурбонини?!
Акмал имони комил, бош эгмагай золимга.
Чунки, йўқотган эмас, то ҳануз виждонини.
У курашар зулмга қарши имкон борица,
Қўтарай деб, миллатин, шавкати шонини.
Акмалдан илҳом олиб, шеърлар ёзади Саҳвий,
Шоир билур шеър қадрин, шоир укажонини.

Бу ғазал 2015 йил март ойида Ўзбекистон президентлигига муқобил сайлов ўтказиш учун очган сайтимизни хакерлар томонидан бузиб ташланганидан кейин ёзилганди.

Келмади кутган натижа, биз қарор этган билан,
Шунчалар меҳнат чекиб, йўқ сайтни бор этган билан.
Бизнимас аслида, ўз турқин намоён айлади,
Бу касофат сайтимизни, шармисор этган билан.
Мустабиднинг зулмига қарши туришни истадик,
Қилмаса тақдир не фойда, ихтиёр этган билан?
Не қилайлик, шум рақиблар тутмади мардлик йўлин,
Энди не фойдаси бордир, оҳу-зор этган билан?!
Мустабид то ўлгунинча, тахтига содиқ қолиб,
Бахтиёр бўлгайми бадбахт, элни хор этган билан?!
Янги номзод, янги шахс келгайму бу юрт бошига,
Бу ИАКни тахти бирлан, қўшмозор этган билан.
Сохта сайлов, сохта қонун, сохта йўл, сохта ҳаёт,
Сохталикка банги бўлганмиз хумор этган билан.
Бу касофатдан, қутулмадик кутиб, қонлар ютиб,
Натижа йўқ, олам аҳли, эътибор этган билан.
Мустабиднинг зулмини тинчлик дегайлар баъзилар,
Кошки зулматдан қутулсак жон нисор этган билан.
Саҳвиё, меҳнат машаққатлар чекиб, наф топмадинг,
Энди не фойдаси бор, кўнгилни тор этган билан?!

Асли юрт пешвоси, Биз

Бизни душман дейди элга, элни дўст, ошноси Биз,
Жоҳилу, нодон дегайлар, олиму, доноси Биз.
Зулму, золимга қилиб исён, адолат топмайин,
Номлари бадном бўлиб, қолган ватан расвоси Биз.
«Ватангадолар ватанга қилди, хоинлик дегай,»
Хоин эмас, ватанпарвар, асли юрт пешвоси, Биз.
Эртами кеч, Ҳақ, Адолат, барибир ғолиб бўлур,

Бу җаёт қонунидир, бўлмасмиз истисноси, Биз.
Зулм аҳли кеча кундуз, билмагай ором надир,
Мустабид уйқусини бузган, ёмон рўёси Биз.
Адолат ва хурриятни, ўрнатиш даври бугун,
Озод, Эркин, Хур ватанни, соғиниб шайдоси Биз.
Умидингни узма Сахвий, фатҳ ила нусрат яқин,
Олам ичра кўп синов майдонида танҳоси Биз.

Англадим;

Соғиниб қалбим ватанни, қонлиғини англадим,
Етмайин орзусига җайронлиғини англадим.
Вужудим бу ердадир, руҳим ватанда дарбадар,
Қўҳна Жайхун бўйида қолғонлиғини англадим.
Мен зулмдан қочганимга шукр этарман ҳар замон,
Асли улканроқ жазо, бўлғонлиғини англадим.
Ўзга юртларда фаровон бўлсада, гарчи җаёт,
Менга ватан бўлғони, ёлғонлиғини англадим,
Найлайин тақдир азалда, ихтиёр қолдирмади,
Биз учун азму қарор олғонлиғини англадим.
Айро тушдим, азиз аждодларни хоки пойидан,
Қисматим ғурбатга йўл солғонлиғини англадим.
Сахвиё, ғурбатда умринг ўтса улкан дард экан,
Соғиниб қалбим ватанни, қонлиғини англадим!

Шайтон менинг қонимдадир!

То тирикдурман ажал қасди менинг жонимдадир,
Токи мўминманки, шайтон қасди имонимдадир.
То туғилгандан ажал етгунча тинч қўймас мени,
Турли фитна васваса доим менинг ёнимдадир.
Жону имонни саломат сақламоққа чора не?,
Ўзгаларни билмадим, шайтон менинг қонимдадир!
Беватан бўлдим бу ғурбат даштини сарсон кезиб,
Барча иллат эҳтимол, еган тузу-нонимдадир?!
Мен ғарибу бенавонинг дардини ким англагай,
Сирри асрорим дилим куйдирган армонимдадир.
Ғафлат аҳлига бу ҳолни англамоқ осон эмас,
Чунки, бу ҳолат баёни, нола афғонимдадир.
Дардим авлодимга мерос қолдириб кетмоқдаман,
Барчаси эй Сахвиё, ғам тўла достонимдадир.

Бўлса;

Ҳар инсоннинг ҳаётда, обод диёри бўлса,
Диёрида халқ озод, эрк-ихтиёри бўлса.
Одил бўлса юртбоши, оқмайди эл кўз ёши,
Шод бўлур кекса ёши, адл шиори бўлса.
Бўлса дину-диёнат, қилмас элга хиёнат,
Элнинг муаммосига, чин эътибори бўлса.
Бўлса аҳдга вафоси, йўқдир жабру-жафоси,
Розидур фуқароси, инсоф меъёри бўлса.
Қадрини топар инсон, бўлар тинчлик ҳукмрон,
Ён атрофда қадрдон, чин дўсти-ёри бўлса.
Қани инсоф адолат, ғолиб бўлди разолат,
Бўлмасди расво ҳолат, номуси-ори бўлса.
Боши чиқмаса ғамдан, ўзин осар аламдан,
Ҳар бир одам ватандан, қочмоқ қарори бўлса.
Адолат топмас қарор, бўлмайди эл бахтиёр,
Ватан билан ифтихор, қилмоққа ори бўлса.
Саҳвий дилинда кўп ғам, топмас дардига малҳам,
Изҳор этар ҳар одам, дилда не бори бўлса.

Келгуси бир кун

Келгуси бир куни муддат даври давронинг тугар,
Дабдаба-ю, асҳасалар, шавкату шонинг тугар.
Охири хорлик сенингдек мустабидлар қисмати,
Олмадинг ибрат ҳаётдан, энди имконинг тугар.
Шавкати дунё била овворасан, етса ажал,
Ўзга қилмассан зулмни, танда дармонинг тугар.
Умринг зулм бирла ўтди, вой, сенинг ҳолинга вой,
Шунча йил қилган сиёсат, ҳийла ёлғонинг тугар!
Барча мазлум интизордирлар заволинги кутиб,
Сен билан боғлиқ разолат, сохта достонинг тугар.
Эй зулм остида қолган, мазлуму бечора халқ,
Сен зулмга қарши чиқсанг, шунда армонинг тугар!
Қўҳна мозий сенга бас, олмоққа ибрат Саҳвиё,
Келгуси бир куни муддат даври давронинг тугар!

Қолмагай;

Кимки золим бўлса онинг, дўсти-ёри қолмагай,
Олам аҳли олдида ҳеч, эътибори қолмагай.
Жабри зулми бошига бўлгай бало, охир кўринг,

Бесамар мазлум дуоси, оху-зори, қолмагай.
Оқибатда барча золим мустабидлар ҳоли шу,
Зўравонлик айламоқликга мадори қолмагай.
Нафсига иззат тополмай, доимо таҳликада,
Ўлсада шухратпастликнинг хумори қолмагай.
Дунёда шармандаликга учрамоқда кетма кет,
Қаранг бадбахт бўлса одам, номус-ори қолмагай.
Мустабидлик охири, шармандаликдир билса гар,
Яхшилик қилмоқдан ўзга бир шиори қолмагай.
Саҳвиё, ўткинчи дунё бевафо, ким англаса,
Тавбага қайтмоқдан ўзга, ихтиёри қолмагай.

Ғурбатда;

Ғурбатда инсон зоти топмас эътибор ҳаргиз,
Пулдор бўлиши мумкин, бўлмас бахти-ёр ҳаргиз.
Барча имкон шароит, “тасанно” дейман, аммо,
Ғурбат диёри менга, бўлолмас диёр ҳаргиз.
Яшил ўрмон, денгизлар, саҳро каби қадри йўқ,
Ақли бор одам ғурбат қилмас ихтиёр ҳаргиз.
Не чора бор қазога, азал ҳукми шу бўлса,
Бу ғурбат диёринда, топмадим қарор ҳаргиз.
Имонга номувофиқ, ахлоқин пойдевори
Рози бўлмайди инсон, бўлса номус-ор, ҳаргиз.
Охиратдан афзалмас дунёнинг ободлиги,
Мангу азобга банда, бўлмасин дучор ҳаргиз.
Устимизда ҳукмрон бўлди ноинсоф золим,
Адолат ҳукм қилса, бўлмасди эл хор ҳаргиз.
Тенг бўлмас имон билан куфр аҳли ҳеч қачон,
Бермоқчимасман ҳеч ким, қалбига озор ҳаргиз.
Саҳвийдек ғами битмас, хотиржам бўлмас ҳеч ким,
Имони куфр бирла, бўлса гирифтор — ҳаргиз!

Ўлчанур

Бугун пулнинг қадрила хизмат баҳоси ўлчанур,
Пулни қадрин тилладан қиймат баҳоси ўлчанур.
Тилланинг қадрини инсон ўзича қилгай ҳисоб,
Бунда мезон бўлмаган, қудрат баҳоси ўлчанур.
Демак, куч қудрат, қадр қимматни мезони экан,
Куч ва қудрати билан, миллат баҳоси ўлчанур.
Куч ва қудратнинг асоси жонфидоликдир аниқ,
Аслида шу шарт била, жаннат баҳоси ўлчанур.

Икки дунёнинг саодатига етмоқ йўли шу,
Шу тариқа мардлигу журъат баҳоси ўлчанур.
Бу улуғ неъмат мусулмон аҳлидан ўзгада йўқ,
Натижасин топмасанг қисмат баҳоси ўлчанур.
Қадрият мезонининг аслини билсанг Саҳвиё,
Бандаларнинг Тангрига, қурбат баҳоси ўлчанур.

Огаҳийга назира;

Мустабидлар дастидан, дод айларам, дод устина,
Солдилар турли бало, бу кунги авлод устина.
Келди турфа хил балолар бир бир ислом юртига,
Шом элини қилдилар барбоду барбод устина.
Доимо фитна фасод майдони бўлгандир Ироқ,
Чунки, келганди мўғул, Рум, аҳли Бағдод устина.
Қайси ислом юртида бордир фаровонлик бугун?,
Афғонистонни гапирманг бунча иснод устина!
Нега бизлар бунча расвои жаҳон бўлдик бугун?,
Ботил ғолиб бўлдим, бизнинг эътиқод устина?!
Ҳақни рад қилган қавмлар қисматида ибрат ол,
Тангри нозил қилди офатлар Самуд, Од устина.
Саҳвиё нусрат нажот йўқ ўзни ўзгартирмасанг,
Нафси амморинг йўқотмай, борма ажҳод устина!

Ноумид Шайтон!

Бандалигимни бажо қилаолмасман ҳалол,
Шайтонлар мени буткул, ўраб олди эҳтимол?
На кундузи бир ишни қойил қилаолмасам,
На кечалар ҳаловат топилмас бу не аҳвол?!
Менга не бўлди буткул оромимни йўқотдим?,
Ҳайронман бошқаларга яшашяпди бемалол.
Дард нимаю, бу дарднинг қандай давоси бордир?,
Тушунолмай ўзим ҳам, ақлу ҳушим бўлган лол.
На динни на дунёни, тушунишга ожизман,
Одамлар хотири жам, менда жуда кўп савол.
Тақво ила фужурга, илҳомланар нуфуслар,
Рағбатинг қай тарафга, энди ўзинг назар сол!
Асфала софилиннинг, аломати шумасми?,
Ўзинг раҳм қил ё Раб, билмадим бу қандай ҳол!
Фисқу фужурим билан кетаяпман олдинга,
Ё Раб, караминг кўрсат, имон билан жоним ол!

Раҳматингдан ноумид бўлган фақат шайтондир,
Мағфират қил Саҳвийни, эй карамли Зулжалол!

Бўлмаса

Йўлдан оздирмас эди шайтони малъун бўлмаса,
Қайси оқил нафсига қул бўлди, мажнун бўлмаса.
Оқибатда не бало офат бўлур пайдо қаранг,
Кошки мўминлар бу ғамлардан жигархун бўлмаса.
“Кун” деганда “фаякун” бўлгай, ҳаётда ҳарна бор,
Эҳтимол, бўлмас эди, шу “коф” ила “нун” бўлмаса?!
Ушбу аҳволга туширгач бизни шайтон оқибат,
Масхара айлаб кейин кулганда мамнун бўлмаса.
На узоқ тарихда на бизнинг даврда аҳли дин,
Бунчалар фитна фасодлар, ичра мафтун бўлмаса.
“Ойнинг ўн беши қоронғу,” дерлар, “ўн беши ёруғ,”
Нега биз зулматда қолдик, бир ёруғ кун бўлмаса?!
Саҳвиё, бу шеърларинг ҳам ғамлидир дунё каби,
Не қилай дилга сурур бергувчи мазмун бўлмаса.

Илтижо айлайди Саҳвий

Ё Раб, офият ато этгил Ғазо ошёнига,
Чорамиз йўқдир, боролмаймиз уларнинг ёнига.
Бу улуғ айёмда тинмай бомба бўронлар қилар,
Бегуноҳ бу бандалар, айландилар қурбонига.
Паноҳингда асрагайсан, қудратингни кўрсатиб,
Тўймадилар бу касофатлар гўдаклар қонига.
Барча шайтонлар бу айёмларда занжирбанд бўлар,
Билмадим ё, эрк берилганми, яҳуд шайтонига?
Бинямин Шарон каби, хорлик сари кетмоқдадир,
Даргоҳингдан бир бало, индир маразнинг жонига.
Бу нечук дарду бало, бир чораси топилмаса?,
Бу муаммони Ўзинг етқургил ўз поёнига!
“Бирлигинг ҳаққи, нажот бер, аҳли Исломига” дебон...,
Илтижо айлайди Саҳвий, Меҳрибон Раҳмонига!

Ватан шу

Ватан шу, қайда киши, улғайса ёшлик чоғидан,
Кейин топган жой азиз бўлмас, ватан тупроғидан.
Беватанлардан ватаннинг қадрини сўрмоқ керак,
Унинг меҳри улуғроқдир, рамз ила байроғидан.
Бориб Ҳинд мулкига подшоҳ бўлди Бобуршоҳ ва лек,
Андижон афзал эди, қасру саройу боғидан.
Элу юртидан жудо ғурбатда юрганлар билар,
Меҳрига ташна кўнгиллар қонмагай чанқоғидан.
Бизга фитратда берилгандир ватан меҳри — демак,
Ажрата олмас одам, тирноғини бармоғидан.
Менга юртим чўллари саҳроси афзал кўринар,
Ўзгаларнинг бепоён ўрмону, тошу – тоғидан!
Маънавийят моддиятдан доимо устун бўлур,
Талпинар саҳрога Саҳвий, бир денгиз қирғоғидан.

Бухориймас, ўзбеклар динин пешвоси кетди!

Абдуллоҳ Ўта эмас, юртнинг доноси кетди,
Абдували Мирзомас, диннинг даҳоси кетди.
Обид қорининг ўғли, сиймосида бир қанча,
Ўзбеклар фарзандимас, диннинг, сиймоси кетди.
Қотиллар отган ўқдан ўлган Рафиқ қоримас,
Ўзбек қирғизни тутиб, турган биноси кетди.
Ўзбек элин журъати, бўлди Ўшлик Алишер,
Ўшлик эмас, ватаннинг чин фуқароси кетди.
Шовруқ элни қайғуриб, Парламентни титратган,
Мусулмонлар ҳомийси, диннинг шайдоси кетди.
Солимга ҳақни айтиш, бўлган эди шиори,
Фуад Шокирий эмас, ваъда вафоси кетди.
Ҳақ йўлни топиб ҳаққа чорлар эди жоҳилни,
Ойдин табибмас жоҳил дардин давоси кетди.
Эл бошидан зулмни, йўқ қилмади истиқлол,
Зулм кетмади гарчи, рус истилоси кетди.
Мард қолмади, маддоҳлар яшар Ўзбекистонда,
Чунки, бу юртдан диннинг нури зиёси кетди.
Миллат кимдан айрилди, бугун англамас Саҳвий,
Бухориймас, ўзбеклар динин пешвоси кетди!

Озодликнинг ўзбек хизмати мухбирларига атаб;

Озодлик мухбирларин бизга таниш, сиймоси,
Прагада офиси, АҚШда раҳнамоси.

Ўзбек бўлими машҳур, бутун Ўзбекистонда,
 Олтмиш йилки, тинмайди унинг саси, садоси.
 Бугун бу ерда ишлар, беш ўнта мухбир шоввоз,
 Кеча кундуз тинмайди, лекин айюҳанноси.
 Чорак аср бўлдики, ўша ўша, битта гап,
 Газ йўқ, ток йўқ, ҳаказо.., эл юртнинг муаммоси.
 Ҳуллас, бу ерда мудир, бўлган Алишер Сиддиқ,
 Ўзи ҳали ёш бола, бор эканда даҳоси.
 Қариялар ичида, Сарвар Усмон биринчи,
 «Озод назар»ининг ҳеч, йўқ мантиқи маъноси.
 Ака Садри шубҳасиз, содда, қишлоқи инсон,
 Лекин мен уни дерман, мухбирларнинг доноси.
 Сирожиддин Ислонни, БиБиСичи дейишар,
 Аммо, у Озодликни, уламси, мулласи.
 Бобожонларга келсак, Ҳурматига ҳурматим,
 У бола Бобожонлар, ичин ақли расоси.
 Қурултойчи рассомга келсак, нимаям дердим?,
 У ўзи тан олгандек, «Шарли Эбдо» шайдоси.
 Замира Шукурни биз, бориға шукр деймиз,
 Бу аёл асли барча, мухбирларнинг пешвоси.
 Ўзи диндан беҳабар, диний дастур устаси,
 Тан оламиз Барнони, аёлларнинг барноси.
 Меҳрибон меҳрин сочар, доимо одамларга,
 Ўзи меҳр тополмай юрган, меҳр гадоси.
 Фаррух Юсуфни шаксиз, алоҳида ўрни бор,
 У бўлмаса бўлмасди, Озодликнинг зиёси.
 Умидбек Москвадан, тарқатар нохуш хабар,
 Меҳнат муҳожирларин, турли хил можароси.
 Шерзод Қирғизистонда, туриб мухбирлик қилар,
 Тузукроқ дастури йўқ, йўқдир меҳригиёси.
 Афғонлик мухбир Олим Кўҳкан дейилар, номи,
 Тиниб тинчимас доим, афғонлар муаммоси.
 Яна, битта яримта, кимса ишлар, у ерда,
 Мана шулар Озодлик, хизматининг асоси.
 Кеча — кундуз тинмасдан, гап сотади, шоввозлар,
 Билмаймиз қанча турар, бу меҳнатлар баҳоси?!
 Истасалар улуғлаб, истаса қилар бадном,
 Йўқолмасин одамни, инсоф, виждон, ҳаёси.
 Кимгадир ёқмай қолсанг,»байкот» қилишар тамом,
 Микрофонни тутмагай, шудир сенга жазоси.
 Тўғри, баъзида жиддий, гап сўзлар бўлар, бунда,
 Лекин, билинмас қачон, ибтидо, интиҳоси?!
 Зулмга қарши чиқиш, шаксиз, улкан жасорат,
 Тугамас экан лекин, золим, жабру — жафоси.
 Тобора Озодликдан, алоқасин узмоқда,
 Хорижда муҳолифат, барча казо — казоси.
 Бу ажойиб мухбирлар, ўз билганидан қолмас,
 Уларда ҳам бор ахир, таниш — билиш, ошноси.
 Улар ҳам тирикчилик, қилмоғи лозим, албат,

Деманг; булар мухбирлик, касбининг жон-фидоси.
 Гарчи бўлсада махсус, низом, тартиб, қоида,
 Улар ҳам биздек одам, кўпдир нуқсон, хатоси.
 Қўлидаги имкондан фойдаланиб туришар,
 У бу кимдан, олишиб, қолган бўлса, қасоси.
 Улар орасига ҳам, шайтон иғволар солар,
 Билиниб қолар баъзан, баъзан, ички низоси.
 Ўйламайдилар, улар, бир кун «собик» бўлишин,
 Тожу — тахт, микрофонни, бўлган эмас вафоси.
 Майли юрсинлар ўйнаб, даври — давронин суриб,
 Барибир бир кун тугар, ҳаёт кайфу — сафоси.
 Булардан бирорта ҳам, одам рози бўлганмас,
 Гарчи бетараф, холис, туришлик иддаоси.
 У бу шахсга, гуруҳга, тарафкашлик ёмондир,
 Булар ҳам бўлиб бўлган, шу бало, мубталоси.
 На чора, буям балки, мухбирларга қисматдир,
 Инсон зоти турфа хил, тугамас муддаоси.
 Холислик даъво қилгач, холис бўлинг, жаноблар,
 Ғаразғўйлик дардининг, топилмаган давоси.
 «Тўғри гап туққанинга, ёқмайди» деган, гап бор,
 Танқидни ёқтирмайди, булар кибру — ҳавоси!
 Гина кудурат қилиш, сизга ярашмас, асли,
 Холисликнинг шарти шу, бўлмайди истисноси.
 ИАК каби мақтовни, истасангиз, мабодо,
 Унда бўлинглар, бир эл, мустабиди, подшоси.
 Мен қаршилиқ қилгандим, бир пайтлар Чориевга,
 У ўйларди, лозим деб, буларнинг истеъфоси.
 Ўйламанг «ҳасад қилар, бизга одамлар» дея..,
 Сизлардан кам эмасдир, бизда, дунё матоси.
 Босар тусарин одам, унутмаса яхшидир,
 Юзда бўлар намоён, қалб сирлари, жилоси.
 Сизларга ёмонликни, раво кўрганимиз йўқ,
 Бу қасида сизга бир, насиҳатгўй дуоси.
 Барибир, қай маънода, тақдиримиз ўхшашдир,
 Сизлар ҳам бизлар каби, юртининг мосивоси.
 Аслида ҳаммамиз ҳам, юрган ватангадомиз,
 Ҳаммамиз битта ватан, фарзанди, фуқароси.
 Имон неъматин борлар, унутмасин ҳеч қачон,
 Сизга лозимдир албат, Яратганнинг ризоси!
 Имони бўлмаганлар, виждонни лозим тутсин,
 Бу сизлардан оддий бир, мухлисни илтимоси.
 Бу гапларим ярим чин, балки ярим ҳазилдир,
 Деманглар буни сизлар, «Озодликни сазоси»!
 Тан оламиз Озодлик, радиоларнинг ичинда,
 Ҳозирча энг машҳури, пешқадами танҳоси.
 Бу шеърим учун мени, «оқ» қилсанглар, начора?,
 Шу эканда мен учун, азал тақдир, қазоси.
 Сизга қасида ёзиб, салом йўллайди Саҳвий,
 Авф этинглар ҳаддидан, ошганда эҳтироси.

Бўлди

«Юртбоши» деган бало, юртимга бало бўлди,
Қанча диндош қардошим, унга мубтало бўлди.
Чорак асрким юртда, қама қама тўхтамас,
Меҳр топмади халқим, топгани жафо бўлди.
Ҳар кунда бир маҳбуснинг ўлганин эшитармиз,
Умри хазон маҳбуслар, дарди бедаво бўлди.
Ошу нон излаб бугун, дунё кезар ўзбеклар,
Юртдошларим дарбадар, сарсону гадо бўлди.
Фоҳишаликда машҳур бўлган гўзал қизларда,
На ор номус, садоқат, на меҳру вафо бўлди?!
Нега бу эл бунчалар, бахти қаро бўлгандир?,
Бир хато қилган эди, энди минг хато бўлди!
Бу элнинг дарду ғамин, доимо куйлаб ўтди,
Юртин ғаминда Саҳвий, бечора, адо бўлди.

Чорак асрким

Чорак асрким жанг қилур, ислом карим, Ислом билан,
Қалбига шайтони солган, васваса, илҳом билан.
Чорак асрким бу элда, зўравонлик устувор,
Оқлади гўёки зулмин, Тоҳиру — Ақром билан.
Каъбага қилса зиёрат мустабидлар, йўқ ажаб?,
Қанчалар имонсиз ўлган, Каъбада эҳром билан?!
Мустабид алдар бу элни, «мустақил бўлдик» дебон,
Шоду хуррам бўлмас эл, бундай улуг айём билан.
Чорак аср тинмайин, ҳаддан оширди зулмини,
Мустақиллик тўйида ўйнар қўлинда жом билан.
«Бизда тинчлик, барқарорлик бор» деб, алдайди мудом,
Қўрқитиб халқни, мисол айлар, Ироқу — Шом билан.
Не балолар тушди, эл бошига ақлим етмагай,
Чорак аср сабр этиб, келмоқда шу низом билан.
Мустабидлар қалбига, қўрқув солар Парвардигор,
Ҳеч қачон ухлаб туролмас, қалбида ором билан.
Чиқа олмайди халойиқ олдиға, тансоқчисиз,
Чунки, кутмайди уни эл, иззату — икром билан.
Топилса бечора бир, мазлум, дуоси мустажоб,
Не ажаб бир кун тугаб битса, карим ислом билан.
Ҳақни тан олмай ўтиб бормоқдадир, бу мустабид,
Тангри берган, тожу — тахту, шунча кўп, инъом билан.
Саҳвиё, ўлмасдан олдин, кўрсам армон қолмагай,
Қолса тарихда ИАК, золим деган, бад ном билан.

Истама

Бу кураш йўлига кирсанг, дилга ором истама,
Энди тайёр бўл балога, иззат икром истама!
Яхши сўз, мақтов хушомаддан дилингни поклагил,
Сеҳр ила жодуга дилни айламоқ ром истама.
Дунёда йўқдир киши, ўтган топиб дил комини,
Гарчи воқифсан, таманно айлабон ком истама.
Мансабу молнинг тузоғидан ҳазар қил доимо,
Эҳтиёт бўл, дилга ушбу риштадин дом истама!
Қисматинг бўлди ғариблик, дарбадар ўтмоқдасан,
Бил ғанимат сен буни ким, жамшиду жом истама!
Зулмга қарши чиқиб, бадном бўлибсан оқибат,
Бу шарафга етдинг энди, бошқа бир ном истама!
Саҳвиё, қалбинга илҳом берди, бу қайғу сени,
Бу неъматга шукр қилгил, ўзга илҳом истама!

Этмоқ керак

Аҳли ислом, дўст ила душманни фарқ этмоқ керак,
Дўстлар иззатин қилиб, душманни тарк этмоқ керак.
Куфр ила ислом орасида адоват тинмади,
Тинчлик учун бил адолат, эркни шарт этмоқ керак.
Куфр тимсоли бўлибдир, ғарб асрлардан мудом,
Шарқ имон бўлса энди, ғарбни шарқ этмоқ керак.
Аҳли ислом зулмат остида асрлар жим ётур,
Энди басдир уйғониб, оламни барқ этмоқ керак.
Бир ёниб ўчгувчи нозик, шаъмга ўхшайдир ҳаёт,
Ёниб ўчмоққа яқинлашганда ярқ этмоқ керак.
Нафрату, куфру адоват бирла тўлса бу жаҳон,
Нух набиуллоҳ каби, тўфонда ғарқ этмоқ керак.
Саҳвиё, токай юрарсан бу залолат даштида?,
Аҳли ислом, дўст ила душманни фарқ этмоқ керак!

Дилпора бўлди

Порахўрлар дастидан, бу эл дилпора бўлди,
Порахўрларга қарши, ночор, бечора бўлди.
На тугаб битди пора, на бор бунга бир чора?,
Йўл тополмай начора, халқим оввора бўлди.
Юрт бузулди бошидан, нақ ўша, юртбошидан,
Ўтиб саксон ёшидан, бу чол юз қора бўлди.

Айтинглар, не бор шу он, порахўрликдан ёмон?,
Кимларда бўлса имон, шулар дилпора бўлди.
Пулга сотилар қарор, сотилади номус — ор,
Фаҳш бўлди устувор, зулм тобора бўлди.
Келажак бўлди мажҳул, шармандаликда машҳур,
Расволикда дунёда, бу эл ноғора бўлди.
Қилади Саҳвий фарёд, истибдод дастидан дод,
Бўлса не зулму бедод, ушбу диёра бўлди.

Яхшидир

Аҳли тақво гарчи фосиқ, беамалдан яхшидир,
Тангри билгай, қай бири, тақдир азалдан яхшидир!
Борми бу дунёда зоҳир ботини бирдек одам?,
Бўлса гар айт, энди не бор, бу амалдан яхшидир?!
Дунёда яхшига ўхшаб кўриниб, эл кўзига,
Оқибат аксинча бўлмоқ, муҳтамадан яхшидир.
Ҳақ билур уқбода кимдан ким бўлур афзал, тамом,
Олса ким ибрат ўшал, зарбул масалдан яхшидир.
Баъзи бир иллат давосига заҳар бўлгай шифо,
Жойи келганда заҳар, болдан, асалдан яхшидир.
Сен вафо аҳлини қадрин, ҳеч қачон камситмагил,
Ҳаё аҳли, беҳаё нопок гўзалдан яхшидир.
Саҳвиё, доимо ғазал ёздинг дея, айб айламанг,
Шеърият боғинда не бордир, ғазалдан яхшидир?!

Топмадим

Дилимнинг мақсуди бўлган ёри дилдор топмадим,
Изладим гарчи ҳамиша зор, умидвор, топмадим.
Кўнгил мақсудига етмоқлик улўғ неъмат эса,
Мен ўзимни ушбу неъматга, сазовор топмадим.
Излаган Каъбани топгайдир дегайлар, эл аро,
Гарчи мен сарсон юриб,зинҳор базинҳор топмадим.
Ношукрлик яхшимасдир, бандаи бечорага,
Не қилай дилдаги қанча мақсадим бор, топмадим?!
Мен бу олам аҳлига доим тиларман яхшилик,
Гарчи, олам аҳлидин мен, қанча озор топмадим?!
Раҳм қил, мендек гуноҳкор бандага Парвардигор,
Олам узра ўзимдан ортиқ гуноҳкор топмадим.
Бу улўғ айёмда Саҳвий раҳматинг муҳтожидир,
Ўзингдан ўзга ҳақиқий, дўст ила ёр топмадим.

Олдида

Қилмагил молингни кўз кўз, сен гадонинг олдида,
Бир ғарибу элу юртидан жудонинг олдида.
Мансабу давлатга етсанг, кибр қилма ҳеч қачон,
Бил буларнинг зарра қадри йўқ Худонинг олдида.
Ким эдингу, ким бўларсан, унутма эй одамий,
Сукут сақла Тангридан келган нидонинг олдида.
Тангри наздида улуғ бўлган, ғариблик рутбаси,
Доимо ўрнингни бил, бағри адонинг олдида.
Гарчи сарф этсанг бутун дунёни Аллоҳ йўлида,
Сенга жой йўқдир унутма, жонфидонинг олдида.
Бу ҳаво мезонлари, чалғитмасин ҳаргиз сени,
Имомнинг ўрни ҳамиша, муқтадонинг олдида.
Саҳвиё, қисмат битилгандир азал, Тангри учун,
Фарқи йўқдир, интиҳонинг ибтидонинг олдида.

Қилмади

Тақдир азалдан мени, ақли расолик қилмади,
Бу каби неъматни, бизларга раволик қилмади.
Доимо елдим югурдим, бўлмади комим раво,
Чунки, бу дунёни ҳеч кимга вафолик қилмади.
Ўз жонимга ўзим қилдим жабрлар қанчалар?,
Бирор золим жонига мендек жафолик қилмади.
Барибир эртами кечми, ажалнинг вақти етар,
Бу дунёни бир умр кайфу сафолик қилмади.
Мағфират қилмаса Тангрим, бандасин ҳолига вой,
Раҳмати етган гуноҳларнинг жазолик қилмади.
Раҳм қил банданга қудрат соҳиби Парвардигор,
Осий банда, Сен билан, рози ризолик қилмади.
Раҳматинга эришганлар жумласидин айлагил,
Гарчи Саҳвий, дунёда, казо — казолик қилмади.

Ажиб дунё

Ажиб дунё, эзгулик, жинойтга айланди,
Илм маърифат буткул, жаҳолатга айланди.
Ҳамма ерда мусулмон, мўминлар қони оқар,
Қароқчилар тўдаси хилофатга айланди.

Дин номидан берилар турли туман фатволар,
Эътиқодлар саҳиҳмас, хурофотга айланди.
Фирқалар аро жанглар тугамади ҳеч қачон,
Ихтилофлар охири ҳалокатга айланди.
Барча ислом олами, ўт ичида ёнмоқда,
Диктаторлар еб тўймас оч офатга айланди.
Мазлумлар зор қақшайди бугун Ўзбекистонда,
Юртим учун юртбоши, касофатга айланди.
Таъмагирлик, хушомад, келтирар бугун омад,
Ҳидоят йўли буткул, залолатга айланди.
Ҳақни айтган кимсалар адашганлар дейилди,
Қўрқоқлик, жимлик сукут, «ҳидоят»га айланди.
Золимга итоатда турди, шайхлар, муллолар,
Маддоҳлик касбин қаранг, «каромат»га айланди.
Дунё бунча мафтункор, шайтон бунчалар маккор,
Меҳр оқибат дўстлик, адоватга айланди.
Бу дунёнинг охири яқин қолганга ўхшар,
Ўтиб кетган умримиз надоматга айланди.
Дунёнинг ишларига, Саҳвийнинг ақли етмас,
Бизлар кутган яхшилик, фалокатга айланди.

Адолатдир, Хурликдир, тараққиёт асоси

Шуҳратпарастлик дардин, йўқ эканда давоси,
Тўймас экан одамнинг, ҳаргиз нафси ҳавоси.
Фиравнга ўхшашга интилади бадбахтлар,
У деганди ўзини, Миср элининг «худо»си.
Қалби кўр бўлган кимса тарихдан ибрат олмас,
Имомали бўлибди, «тожикларнинг пешвоси.»
Туркманларнинг сардори, ҳайкал қўйган ўзига,
Уни мақтаб дейдилар; «доноларнинг доноси.»
Қозоқ халқида гарчи, эркинлик бор, нисбатан,
Лекин Нурсултон бўлди, мангу қозоқ подшоси.
Бизнинг ИАК булардан орта қолмас кибрда,
Лекин, булар ичинда, энг қўрқоғу расвоси.
Бу индамас писмиқдан, чиқар турли пасткашлик,
Мустабидлар ичида, оч-офату юҳоси.
Мустабидга хизматда, уламолар донолар,
Уларни дуо қилар, барча казо казоси.
Нега бу миллатларда орият ғурури йўқ,
Қайда қолди мард ботир, эркакларнинг ҳаёси?!
Нега ҳаммаси жим жит, нега биров гапирмас?,
Сўниб битдими буткул, зиёлилар зиёси?!
Бу хорликдан чиқишлик, учун курашмоқ керак,
Жим турибдими демак, бу зулмга ризоси.

Минтақада фақат шу қирғизларда инсоф бор,
Балки, бунга ҳам сабаб, шу юртнинг фуқароси?!
Мустабидлар ҳукмрон, элда халқ яшар ночор,
Қачон тугар деб, кутиб, «мустабидлар жафоси.»
Бундай кўрқоқ миллатни азизликка ҳаққи йўқ,
Аччиқ бўлар тарихнинг, бизга берган баҳоси.
Шунчалик бефаросат бўлган бу мустабидлар,
Билмаслар тожу тахтнинг, йўқ ҳеч кимга вафоси?!
Тугаб битсин дунёда мустабидлар уруғи,
Ноҳақ тўкилган қонлар олинади қасоси.
Мақтов хушомадликни яхши кўрган нокаслар,
Яратгандан кўрқмаслар, шудир катта хатоси.
Ўзини доно билган бу аҳмоқлар билмаслар,
Эҳтимол Қаддофийдек, тугар кайфу сафоси?!
Эй мазлумлар жим турманг, золимларнинг зулмига,
Адолатдир, Хурликдир, тараққиёт асоси!
Бу аҳволдан бағри қон, шеърлар ёзади Сахвий,
Бу ҳам балки биз учун, шум тақдирнинг қазоси?!

Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу шеърлари таржимаси:

Одамзоднинг асли тенг, буни билмоқ раводир,
Отаси Одам ато, Она, Момо Ҳаводир.
Жонлар жонга ўхшайди, руҳларидир турфа хил,
Бу жасадга аъзолар, берган Қодир Худодир.
Отаси онаси бир, қариндошдир одамлар,
«Насабда ҳамма тенгмас!», деган, фикр хатодир.
Насли билан доимо, фахрланар одамлар,
У фахрланган нарс, тупроғу — сув, ҳаводир.
Аслида илм билан, фахрлансанг арзийди,
Чунки, олим ҳақ йўлга, чорловчи раҳнамодир.
Банда яхши амалин миқдори, қиймат топар,
Доим олим ва жоҳил, ўртасида низодир.
Илм тарқатинг доим, холисона, беминнат,
Ўлик қалблар дардига, фақат илм даводир.
Қандай яхши гар сенга юзланса кўп дунё мол,
Ҳаққа итоат қилиб, яшасанг топсанг камол?!
Мол мулкингдан одамлар хайр топмас эканлар,
Давлатинг кетар қайтиб, охир топарсан завол.
Хасисликдан ҳазар қил, ўз жонига жабр этмай,
Сахийлик қил, эҳсон қил, сўраганга бемалол!
Арш эгаси истаган бандага давлат берур,
Унинг наздида сенинг қадринг бир зарра мисол.
Қанча қанча бойларни кўрдик ношукр бўлиб,
Моли мулкидан жудо бўлди топмади иқбол.

Дунёга мағрур бўлиб, молига машғул бўлиб,
Бахил бўлиб, бой бўлиб юришни қилди хаёл.
Сахий бўлганларида, олқишлар олардилар,
Сахий деган ном олиш мукофотдир эҳтимол?!
«Агар шукр қилсанглар, зиёда қиламан» деб,
Хабар берганди бизга китобида Зулжалол!
Лекин, ношукрликни танлади бу кимсалар,
Шукр қилмаганларнинг дунёси бўлмас ҳалол.
Шукр қилгувчиларнинг моли зиёда бўлгай,
Аллоҳнинг каломидан ўқиб кўриб ибрат ол!
«Агар шукр қилсанглар, зиёда қиламан» дер,
Лекин ношукрларга, бу амр келди малол.
Ношукрлар мол мулки, тез кунда завол топар,
Шукр қилганнинг моли, боқий қолар, назар сол!

Ҳазрат Али ўғли Ҳасанга қилган насиҳати;

Оғир кунда сабр этгил, яхши бўлур оқибат,
Доим ҳалим, босиқ бўл, топарсан кўп хайрият.
Дўстинга ваъда берсанг, доимо вафо қилгил,
Садоқат шаробидан тотиб, бўл аҳли ҳиммат.
Аллоҳ неъматларига, шукр айтувчи бўлгил,
Шукр қилсанг етказар, яна турли хил неъмат.
Инсон ўзига — ўзи, қилади нима қилса,
Одамлар орасида, топгил қадр ила қиймат.
Ризқу рўзинг ҳалолдан, топишга ҳаракат қил,
Ризқинг бўлар зиёда, гар қилсанг ҳалол меҳнат.
Юздаги сувни асра, юзингдан сув кетмасин,
Тиламчилик қилмагил, ҳеч қачон чекиб миннат.
Дўстларинг агар берса, совға салом, рад қилма,
Яхшилиққа яхшилиқ, қилишинг лозим албат!
Ота — онанг ҳурмат қил, тақволи қўшниларга,
Яқин ақраболарга, доимо қил мурувват!

“Баҳор” ўлмас

Биродарлар тушунмасман нега бизда “баҳор” ўлмас?,
Тугаб бу қаҳратон “қиш”, сарзамин ҳеч сабзавор ўлмас?!
Бу иқлим манбаи асли, шимолданми, жанубданми?,
Бунингдек, “об-ҳаво” турса, бу элнинг бахти ёр ўлмас.
Агар мардум умид этса баҳорни, саъй қилиш лозим,

Табиат қаҳратон бўлса, аниқки лолазор ўлмас.
Зулм бирла фаровонлик келар деб ўйлаган нокас,
Наҳот билмас, зулм бўлган, маҳал эл барқарор ўлмас.
Фаровонлик келар албат, меҳр сочса агар “офтоб”,
Меҳр нурин сочиб турган, ҳукумат халқи хор ўлмас.
Ҳамиша “қаҳратон” дан сўнг, келар эрди “баҳор” фасли,
Начора бор кечикса, ёз кишида ихтиёр ўлмас.
Фаровонликни истар бўлса Саҳвий, эл ҳукмдори,
Зулм йўқ бўлса, албатта, бу юрт ҳеч беқарор ўлмас.

Ватан ичра, гадодир

Ғурбатдаги ғарибнинг, мададкори Худодир,
“Ватангадо” деганлар, Ватан ичра, гадодир.
Ҳақ гапни айтолмаса, ишлаб пул тополмаса,
Ойлаб ҳаққин олмаса, юрак бағри адодир.
Тезак ёқиб кун кўрса, кошки бир оқ ун кўрса,
Ойнада ўзин кўрса, шу етарли “баҳо” дир.
Ой ёруттар тунларин, ғам тугатар кунларин,
Кўрсангиз ажинларин, айтилмаган нидодир.
Чора топмай ўйланар, ўғли қандай уйланар,
Мустақиллик куйланар, дерлар; “жоним фидодир”.
Эркидан жудо банда, эғнида эски жанда,
ИАКни қилмас канда, фаросатдан жудодир.
Ватандаги гадолар, дерлар; “ватангадолар”,
Шу сизларга Саҳвийнинг, дилиндаги садодир.

Чиқмаган жондан умид

Одамизод айлар эркан, чиқмаган жондан умид,
Саъй этиб борица имкон, узма Раҳмондан умид.
Эҳтимол орзуларинг рўёбга чиқмас, барибир,
Кўнгил узолмас экан, ҳеч Ўзбекистондан умид.
Тинмайин даврон, етар ҳар нарсанинг поёнига,
Даврдан эрмас, қилинг Соҳиби даврондан умид.
Ноумидлик бандага лозим эмас, ҳаргиз билинг,
Умидни узманглар ҳаргиз, бўлса имондан умид.
Сабаблар кўпдир, Мусаббибни унутманг ҳеч қачон,
Мумкин эрмас айламоқ инсонга, инсондан умид.
Охиратда мағфиратдан, ноумид шайтон экан,

Ноумид бўлмас ўшал кас, узмаса Ондан умид.
Гарчи кўпдир сенда беҳад, маъсиятлар Саҳвиё,
Узма ҳаргиз мағфират, Фирдавсу ризвондан умид.

Ўзидан кўрсин

Ўзидан кўрсин, кимки ҳурматини йўқотса,
Қадрига етар одам, неъматини йўқотса.
Мубтало бўлса кимки, шуҳратпараст дардига,
Қийин бўлади кейин, иззатини йўқотса.
Ҳар нарсанинг ўз вақти замони бор ҳаётда,
Афсусланар ким ўшал, фурсатини йўқотса.
Дунёдаги қадрият, боқий қадрият эмас,
Ажабланманг эртага, қийматини йўқотса.
Кучу қудрат заифлик, нисбий мутаносибдир,
Ҳайрон бўлманг, кучлилар, қудратини йўқотса.
Не бўлсада табиий, фитрат ўзгармасин ҳеч,
Дунё тугар одамзод фитратини йўқотса.
Шеър ёзади Саҳвий ҳам, дарди дилига сиғмай,
Шеър баҳона кўнглидан, ҳасратини йўқотса.

Кутиб яшайман

Мен улуғ мақсадларни дилда тутиб яшайман,
Алам армонларимни ичга ютиб яшайман.
Ишонаман бир куни адолат бўлар ғолиб,
Ўша кунни кўришни, доим кутиб яшайман.
Ўтмишимизда армон, келажак ҳам даргумон,
Ўтмишу келажакни гоҳ унутиб яшайман.
Истамасдим ватандин, айрилмоқни начора,
Келгунча доруломон кунлар, кетиб яшайман.
Юртим ёди ёримдир, доим эътиборимдир,
Ўзга юртда айтинглар, энди нетиб яшайман?!
Умидин дилдан узмай, собитқадамдир Саҳвий,
Дилимдаги дардимдан, ашъор битиб яшайман.

Изтиробимдир

Менинг қалбимни ўртовчи соғинчу изтиробимдир,
Юпатгувчи кўнгилни ўқисам қуръон китобимдир.
Ҳаётим дарбадар доим, қазо бирла ўлим етса,
Маконим бўлса ёт эллар, ётар хоки туробимдир.
Қани излаб киму топган, ҳақиқатни, адолатни?,
Уни мен энди излаб беҳуда, қасди шитобимдир.
Бақосиз дунёда бўлмас, умуман хотири жам зот,
Ҳаёт мезонларин кўр, балки, нотўғри ҳисобимдур?
Агарчи, кўп экан золимлару шайтонлар оламда,
Манга етган неки жабру жафо, балким савобимдир?!
Ҳаётда борму бир кас, тушмаган Иблис тузоғига,
Менинг айбим ўзимда, бу ўзимга дилхитобимдир.
Агарчи сўрсалар; “Эй Саҳвий, ким сенга бугун душман”?,
“Менинг бу нафси амморам” десам, тўғри жавобимдир!

Ўқидим юртим тарихинг

Ўқидим юртим тарихинг, қанчалар барбод сени,
Билмадим ҳеч, ким бузиб, ким айлаган обод сени?
Қанча оққан қонларингдан, лола ранг олган мисол,
То ҳануз йўқ бўлмади, бағрингдаги бедод сени.
Энди йўқ бўлганда қонхўр, хонларинг-султонларинг,
То ҳануз ҳам ўлдирар, фарзандларинг “жаллод” сени.
Ўтмишингдан қолган оҳу войларинг бағрингдадир,
Лек бугун ҳам тарк этиб, кетган эмас вой-дод сени.
Зулм тўфони йиқолмасдир адолат қасрини,
Нега йиқилган саройинг, келганинда бод сени?,
Мен адолат топмадим излаб асрлар қаърида,
Эй Ватан тарк этмаган, ҳеч аҳлинги фарёд сени.
Бу ватаннинг таърихин, англаб қуярсан Саҳвиё,
Балки, истиқболда бўлгай, хотиринг бил, шод сени.

Аё халқим

Аё халқим унутма сен ўзингни иқтидоринги,
Не ишларга эрурсан қодир, қил азму қароринги!
Сени қул айламоқни истаганди, қанча душманлар,
Бари йўқ бўлди ололмай, қўлингдан ихтиёринги.
На тарихда, на хилқатда сен ўзгалардан каммассан,
Бугун олам аро сақла ўзинг, ўз номус орингни!
Бугунги бу тубан ҳолинга ўзинг айлагил чора,
Қўтаргил бошни мағрур, бас қилиб бу оҳу зоринги.
Ўзинг кўр чора тадбир, ўзгаларга бўлмасин энди хор,
Сенинг фарзандларинг, бас, Сен, кўтар ўз эътиборинги!
Сенинг қонинги ичганларни аввал ағдариб ташлаб,

Баланд кўтар “Адолат-Хуррият” деган, шиоринги!
Улуғ мақсадга етмоққа, улуғ ҳиммат керак билсанг,
Улуғ ҳимматли бўл Саҳвий, агар севсанг диёринги!

Йўқ дема,

Йўқ дема, ҳар мушкилотнинг бор эрур имконлари,
Бўлмагай битмас муаммо, бўлса мард ўғлонлари.
Эй халойиқ сизда бор журъат, ва қувват энди бас,
Устингизда тобакай, макр айлагай Шайтонлари?!
Сизда бор шонли тарих, ҳам сизда бор шарму ҳаё,
Нега номусин сотар юртнинг гўзал жононлари?!
Сизни журъат, ору-номус, сизда бор азму қарор,
Бунча хорлиқга ризо бўлманг, ватан посбонлари!
Эй ватандошим сенинг, эркинг қани, қадринг қани?,
Сенга етмасму бу халқнинг, оҳ билан афғонлари?!
Сабр айлаб шунча кутдик, умид бирла, бас етар,
Инонманг энди, етар бас, сафсата-ёлғонлари!
Энди тур, золимга қарши, “кет йўқол” деб, айт ахир,
Саҳвиё, кўрса шу кунни, қолмагай армонлари!

Дунёнинг қисмати

Бу синов дунё, қаранглар, ҳақ бўлак, ёлғон бўлак,
Ҳақ таъоло соҳиби ҳақдир аниқ, шайтон бўлак.
Одамизод гарчи Одам бирла Ҳавво наслидан,
Энди бу кун тил бўлак, миллат бўлак, ошён бўлак.
Ҳар бирини ўз йўли, ўз давлати, ўз дини бор,
Бир-бирин инкор қилурлар, эътиқод, иймон бўлак.
Ким насоро, ким яҳуд, ким бутпараст – оташпараст,
Аҳли тавҳидларни қилди оқибат Қуръон бўлак.
Бир-бири бирла ҳамиша ўртада бордир низо,
Ҳар қаюда куч бўлак, қудрат бўлак, имкон бўлак.
Турли миллат, турли давлат, мол учун, дунё учун,
Қон тўкарлар мақсаду-орзу бўлак, армон бўлак.
Қай бирида бўлса бойлик, қай бировлар хору-зор,
Ризқ бўлак, қисмат бўлак, ўлчов бўлак, мезон бўлак.
Ҳар бирида турлича бахт, турлича қайғу – алам,
Ҳар бириси орзу қилган тахт бўлак, султон бўлак.
Ким яшайди шоду – хандон, ким ғарибу – нотавон,
Ҳар қаюда дард бўлак, ҳасрат бўлак, дармон бўлак.
Қай бири доною оқил, қай бири жоҳил ёмон,

Чунки дилларни суғорган сув бўлак, уммон бўлак.
Бирма-бир ўтгай ҳаётдан ёш – қари, шоху- гадо,
Чунки, тақсими азалда ризқ бўлақдир, жон бўлак.
Энди ҳақ даргоҳида бари бўлар бир-бир ҳисоб,
Аҳли жаннат, аҳли дўзах бўлгуси ҳар ён бўлак.
Барча золимлар бўлур иблис билан дўзахда жам,
Лекин ҳақ аҳлини бўлгай иззати чандон бўлак.
Кимгадир мангу саодат, кимгадир мангу азоб,
Бошқа нўш этмас ажални шарбатин инсон бўлак.
Алданиб дунёга дўзах аҳли бўлса ким қаранг,
Фойда бермас айлаган афсус билан афғон бўлак.
Чунки, ўтди умри ҳақни топмайин ботил билан,
Энди ҳақ шаънига қилмас тўхмату – бўхтон бўлак.
Аҳли жаннат, раҳмати ҳақ бирла жаннат боғида,
Ҳар бирида эҳтиром қасру – сарой бўстон бўлак.
Энди чекмаслар машаққат, энди йўқдир ғам – алам,
Энди кўрмаслар бало – офатлару зиндон бўлак.
Қиёмат бўлгач тугар бу фоний дунёда ҳаёт,
Бошланар боқий ҳаёт, бўлгай замин, осмон бўлак.
Ҳақ Таъоло ваъдасига зарра шубҳа бўлмасин,
Яккаю ёлғиз Илоҳдир, ўзга йўқ Раҳмон бўлак.
Саҳвиё қисмат битилгандир азалдан, ҳар на бор,
Ҳикматиани англаёлмай бўлмагил ҳайрон бўлак.

Жондан ҳам қимматлироқ

Соғинарман дўстларимни, жондан ҳам қимматлироқ,
Сабру тоқат, жидду жаҳдда, мендан ҳам қимматлироқ.
Қанчаси топди шаҳодат, қанчаси зиндонга банд,
Қанчаси музтаъафиндир, мен учун миннатлироқ.
Кўп оғир кунларни кўргандик, биродарлар билан,
Энди не қолди яна, биз кўрмаган даҳшатлироқ?!
Бизни қайси айбимизга бунчалар зулм этдилар,
Ё, хато қилганмидик, йўл топмайин ҳикматлироқ?!
Бутларин синдирди Иброҳим Халил бутхонанинг,
Бормикан, ё бу кишидан яхшироқ, ибратлироқ?!
Барча дўстлар қолди зулм остида, мен ҳижрат қилиб,
Энди бу “зулми”, ўшал зулмидан ҳам зулматлироқ!
Ўртагай соғинч азоби, энди доим Саҳвиё,
Соғинарман дўстларимни, жондан ҳам қимматлироқ.

Ҳаммаси ёлғон экан

Дейдилар; “дунёни бузган, нобакор шайтон экан”,
Аслида, бузғунчиларнинг барчаси инсон экан.
Энди бузғунлик қилиш, шайтонга ҳожат қолмаган,
Бу вазифани одамлар, ўзига олғон экан.
Барча фосидларни устози ўшал шайтон қаранг,
Одамизод қилмишидан, лол бўлиб қолғон экан.
То танангда жони бор васваса ҳаргиз тўхтамас,
Ҳаммасин қасди мусулмондан фақат имон экан.
Гар Худо раҳм этмаса, кетмак саломат даргумон,
Имон билан яшаб, имонсиз ўтиш ёмон экан.
Қийнагайдир мени бу озурда имон қайғуси,
Аҳли имон борки, бу қайғу билан ҳайрон экан.
Дунёи фонийга алдандинг, таассуф Саҳвиё,
Англамай охир буларнинг, ҳаммаси ёлғон экан.

Қойил қолганман

Қойил қолганман шведлар, тоғу-тош, уммонига,
Бир текис ер йўқ, баланд паст, чор тараф ўрмонига.
Бир йил ичра тўққиз ой, қору-бўрон ичра яшар,
Йилда уч ой ботмагай боқсанг қуёш осмонига.
Халқ фаровон тўқ яшар, йўқдир нефт, газ конлари,
Тушунмасман ҳеч тўкинлик, иқтисод имконига.
Нега бу ерда етарли молу-мулк, ҳайронман,
Қанча келгинди яшарлар, фарқ бўлиб эҳсонига?!
Ўзга миллатлар билурлар, юртида инсон деган,
Қадр қимматда тенг эрмасдир булар ҳайвонига.
Ҳақиқатда, бузилмай қолган бу элнинг фитрати,
Боғлиқ эрмасдир бу ахлоқ, динига, имонига.
Саҳвиё, билсанг адолат динга боғлиқмас экан,
Дин билан бўлгай мукамал, етгай ўз поёнига!

Бу нечук элдир?

Тараққий топса булар, қуръон буларда бўлмаса,
Хулқи комил бўлсаю, имон буларда бўлмаса?!
Сўзида содиқ кишилар, бизда камёбдир бугун,
Бу нечук элдир қаранг, ёлғон буларда бўлмаса?
Мустабидлар ҳукмрондир барча ислом юртида,
Бирон золим зўравон, султон буларда бўлмаса.
Элу юрти яшаса тўқ фаровон ғам чекмайин,
Неча милён дарбадар, сарсон буларда бўлмаса.
Еримиз осмонимиз бир, Бани Одам барчамиз,
Биздагидек, хору зор инсон буларда бўлмаса.

Инқирозга учраганмиз, балки, шайтон макридан,
Наҳот, бизни алдаган шайтон буларда бўлмаса?!
Икки дунёнинг саодатига лойиқ Биз эдик,
Нечук ғолибдир булар, имкон буларда бўлмаса?!
Биз фақат ҳар хил гуруҳ, ур йиқ билан овворамиз,
Бедаводир дардимиз, дармон буларда бўлмаса.
Сенинг Роббинг ваъдаси ҳақ, шубҳа қилма Саҳвиё,
Сенда бордир беҳисоб армон буларда бўлмаса.

Чарчадим

Чарчадим дунёни дунни, битмаган ғавғосидан,
Мосиво бўлди дилим, охир бориб тақвосидан.
Бора бора қолмади, мезону мантиқ дил аро,
Ўтди умрим бори нафсим амрининг ижросидан.
Етишган неъмат билинмас, етмаган орзу узоқ,
Не иложи бор қутулмоқни, касод савдосидан?!
Ватан бўлмади менинг чун, бу шведлар маскани,
Фарқи бўлмас душманингни дўст ила ошносидан.
Ҳамма ўз ўзини алдар, умид айлар, доимо,
Тўлмагай ҳеч кимни қалби, бевафо дунёсидан.
Бу менинг дарду баёним, аҳли диллар англагай,
Топмадим мен дилга маҳрам дўст бугун Тимросидан.
“Бефаҳм” дебон, маломат айламанг Саҳвийни кўп,
Фаҳм кутмоқ нораводир, шеърят шайдосидан.

Жонга тегди

Жонга тегди шум хабарлар, кўнглимиз вайронадир,
Шум хабарлар юзта бўлса, хушхабар бир донадир.
Қай бирига куйгай одам, қай бирига йиғлагай?,
Қолмади тоқат нетай, ҳар дам юраклар ёнадир?!
Қандайин яхши яшар, дилсиз ва ҳиссиз кимсалар,
Чунки, қайғурмоқ уларнинг қалбига бегонадир!
Изтироб ичра яшар доим одамзод дунёда,
Ўйланиб уйқуга кетса, ғам чекиб уйғонадир.
Аслида бу ҳам ҳаётда қисмати тақдир экан,
Изтироб ичра ҳаётнинг лаззатидан қонадир.
“Энди тарк этдим барин” деб, ўз-ўзига сўз бериб,
Шоири нодон яна, ўз сўзларидин тонадир.
Саҳвиё, асли ҳаёт уйқудаги бир туш каби,
Ўлгач инсон зоти билсанг, уйқудан уйғонадир.

Мен аён айлай

Мен аён айлай бу шеъримда кўнгил изҳорини,
Сифдиrolмасман нетай дилга, дилимнинг зорини,
Миср аҳли Фиръавнлар, даврида қулдек яшаб,
Келса Мусо кўрсатурлар, турли ғам озорини.
Сиёсатда тўғри сўз, содда бўлишлик айб экан,
Омади чопгай бу йўлда, фирибгар айёрини.
Қайси раҳбарнинг адолатдир шиори, оқибат,
Ҳайдашар бадном қилиб, тўкканча номус-орини.
Аҳли Ислom тарихинда, ҳеч қачон бирлашмаган,
Билиб бўлмас ким рақиб, ким ким билан, дўст ёрини.
Эй хиёнат аҳли, зулматдан бошингиз чиқмасин,
Билмадинглар сиз адолатлик имомнинг борини.
Мен бу дунё ишларига Саҳвиё, ҳайронман,
Бу сиёсат йўлиn англай олмадим асрорини.

Ҳайрон этар

Бу ҳаёт бизни курашлар ичида меҳмон этар,
Баъзида шод, баъзида лол қолдириб, ҳайрон этар.
Неча соф орзу умидлар бирла, мақсадга яқин,
Келдим деганда, ёвуз кучлар чиқиб вайрон этар.
Нега доим зулму зўравон, киши ғолиб бўлур,
Нега доим адолатни изласанг, сарсон этар?!
Наҳот Маҳдийсиз ҳаётда, ҳеч адолат бўлмаса,
Нега оддий бандани зулм ичра саргардон этар?!
Қолмаганми энди бизга, ҳеч нажот имкони ё,
Барча ишларни наҳот, битта, ўша шайтон этар?!
Билмадим, Иблисми, шайтонми улар номи қаранг,
Қанчалар холис одамларни тутиб гумдон этар.
“Саҳвий, ашъоринг нега, ғамнок” дея, айб айламанг,
Найлайин озурда кўнглим, ғам тўла, гирён этар.

Дарак

Қилса нурафшон дилим, шамсин жамолидин дарак,
Бўлса хуфтон, бошига ёпган рўмолидин дарак.
Бу нурафшон юзни эй, соҳибжамол, исматда тут,
Бил сенинг шу чодиранг, ҳуснинг камолидин дарак.
Чунки, Шамс нурини сочса, соя излар бандалар,
Нурни фош бўлмоғи фитна, эҳтимолидин дарак.
Кўнглим осмонинда Шамс йўқ, бўлди, юлдузлар чироқ,
Дил чароғон бўлмоғи, дунёни молидин дарак.

Истамоқ фоний жаҳонни, охират мулкун қўйиб,
Балки, бу ҳам бир қиёматнинг, шамолидин дарак.
Эй маломатгўй мани, ғийбатлар этсанг арзигай,
Чунки, бу ёзганларим, қалбимни ҳолидин дарак.
Эй кўнгил, шамси дилинги, топмайин, Саҳвий каби,
Оху фарёд айламак, сабринг заволидин дарак!

Мосиво қилди

Мосиво қилди бу золимлар диёримдан мени,
Қавму қардошу қадрдон, дўсту ёримдан мени.
Найлайин энди Ватанга бормоғимга йўқ илож,
На суд ҳижронинда қилган, оху зоримдан мени?!
Бўлмаган менга ватанда тинч яшашдек имтиёз,
Жудо қилди неча йил, эрк ихтиёримдан мени.
Бор вужудим энди бу золим заволини тилар,
Шу бўлибдир мақсадим дунёда боримдан мени.
Неча ул жаллод ўлим таҳдид ила қўрқитмасин,
Қайтаролмас барибир қилган қароримдан мени.
Келгай Аллоҳ нусрати, бўлгай бу юрт обод хали,
Умидим кўпдир, улуғ Парвардигоримдан мени.
Саҳвиё, тинмай кураш, ўлгунча золимлар билан,
Ушбу майдон ичра ўлмоқ, ифтихоримдан мени!

Қаранг!

Ҳамма йўлин ҳақлигини иддао айлар қаранг,
Ҳамма ўзгани “адашган” деб, даъво айлар, қаранг!
Мен тушунмасман нега бундай, бугун аҳволимиз,
Бизни иблис Ҳақ йўлидин, мосиво айлар қаранг!
Устимизда ўзгалар бўлди ҳукмрон, биз залил,
Уммати Исломи қулга, муство айлар қаранг!
Турли манҳаж, турли фатво, ранг баранг йўл, оқибат,
Борми ким бу бедаво дардга даво айлар, қаранг!
Қайда қолди бизни миллатнинг бугун оқиллари?,
Шунчалар ҳам мубтало нафси ҳаво, айлар қаранг!
Етмагай ақлим муаммоларга мен ҳайронман,
Яқиндурким сури Исрофил наво айлар, қаранг!
Йўқдир бу аҳволни ўнглашни иложи Саҳвиё?,
Чунки, тақдирни азал қисмат, раво айлар қаранг!

Улуғ ҳимматли бўл Саҳвий

Аё халқим унутма сен ўзингни иқтидоринги,
Не ишларга эрурсан қодир, қил азму қароринги!
Сени қул айламоқни истаганди, қанча душманлар,
Бари йўқ бўлди ололмай, қўлингдан ихтиёринги.
На тарихда, на хилқатда сен ўзгалардан каммассан,
Бугун олам аро сақла ўзинг, ўз номус орингни!
Бугунги бу тубан ҳолинга ўзинг айлагил чора,
Қўтаргил бошни мағрур, бас қилиб бу оху зоринги.
Ўзинг кўр чора тадбир, ўзгаларга бўлмасин энди хор,
Сенинг фарзандларинг, бас, Сен, кўтар ўз эътиборинги!
Сенинг қонинги ичганларни аввал ағдариб ташлаб,
Баланд кўтар “Адолат-Хуррият” деган, шиоринги!
Улуғ мақсадга етмоққа, улуғ ҳиммат керак билсанг,
Улуғ ҳимматли бўл Саҳвий, агар севсанг диёринги!

Даҳрийлар

Менинг боболаримни ўлдирганлар даҳрийлар,
Юртимиз қора қонга тўлдирганлар даҳрийлар.
Қурол кўтариб келиб юртимизни талашган,
Не не қизил юзларни сўлдирганлар даҳрийлар.
Инкор этиб Аллоҳни, сўкиб расулуллоҳни,
Ҳаётда бўлмас ишни, бўлдирганлар даҳрийлар.
Қулоқ қилганлар бойни, талаб молин, уй жойни,
Халқ душмани деб юртдан, қувдирганлар даҳрийлар.
Улар Зотин мисоли, ёвузликнинг тимсоли,
Шайтон қилмас зулмни, қилдирганлар даҳрийлар.
Бари йўқ бўлди бирдан, Аллоҳни қудратидан,
Сув устига салтанат қурдирганлар даҳрийлар.
Саҳвий шукр эт Худога, зулмат тенгмас зиёга,
Кимлигини дунёга, билдирганлар даҳрийлар.

Бўлгайму ҳеч

Дўстларим айтган билан, дардим адо бўлгайму ҳеч,
Боқи беғам бу қавмдан, бир нидо бўлгайму ҳеч?!
Бир асрдирким ватанда, яхшиларга йўқ макон,
Зулм аҳлин истилоси, интиҳо бўлгайму ҳеч?!
Бизни мазлум юртга ҳаргиз, кўрмади қисмат раво,
Офиятни.., энди биз кутсак, раво бўлгайму ҳеч?!
Тобакай қоплар зулумот, юртимиз осмонини,

Энди бизга хуррият ҳам, муддао бўлгайму ҳеч?!
Ватандошлар ҳасратидин, то ҳануз қондир жигар,
Ўз юртида бу янглиғ Халқ гадо бўлгайму ҳеч?!
Бас, етар сабр айламоқ, хорлик билан, зорлик билан,
Бўйла ўткурған ҳаётдан, Ҳақ ризо бўлгайму ҳеч?!
Барчамиз бирга бу мункарни, бугун наҳй этмайин,
Эй биродарлар, фақат, қилсак дуо, бўлгайму ҳеч?!
Қўрмаган жон аччиғин, билмас зулмнинг захрини,
Бўлмаса номуси ори, жон фидо бўлгайму ҳеч?!
Ҳар ким ўз ислоҳи саъйин, қилмаса Саҳвий, агар,
Ўз ўзидин бедаво дардга, даво бўлгайму ҳеч?!

Насиб этса

Насиб этса агар бу бандага, азми тавоф этгай,
Қилиб тавба-тазарруълар, ҳарамда эътикоф этгай.
Ҳаётим нақди сарф бўлди, жаҳолат даштида сарсон,
Ажабмас бу бузилган дилни фазли бирла соф этгай.
Умидворман ки, ислоҳимга етса зарраи тавфиқ,
Худонинг раҳматин кенглигига ким ихтилоф этгай?!
Азобидан улуғдир раҳмати, бунга гумоним йўқ,
Бунинг аксини ким айтибди, қуръонга хилоф этгай!
Умидинг узмагил ўз жонига зулм айлаган нокас,
Ўзининг айбини инкор қилувчи кимса лоф этгай!
Насибанг бўлмаса раҳмат, бўлибдир оқибат барбод,
Ҳисоби йўқ гуноҳимни, бу банданг эътироф этгай!
Ажабмас, фазли бирла мағфират этгай мени Тангрим,
Шу мақсад бирла Саҳвий, энди байтинги тавоф этгай!

Истагай кўнглим

**Қилма кўп айбимни эй шайх, хонақоға бормасам,
Ким, харобот аҳли хушдир, аҳли тақводин йироқ.**

Алишер Навоий

Истагай кўнглим бўлишни аҳли дунёдан йироқ,
Демагил, душманларимдан, дўсти ошнодан йироқ.
Тарк этай дунёни, дунё аҳли тарк этсин мени,
Бўлсам эрди турли ғам, ташвишу ғавғодан йироқ.
Ғам тўла қалбимга сиғмас, на аза, на тўй бугун,
Кошки, бўлсайдим аза, тўю тамошодан йироқ.

Ихтилоф ичра адашдик, энди бирлашмоқ учун,
Бизга имкон қолмади, Исо Масиҳодан йироқ.
Раҳматинг дарёсидан ташна дилим қондирмасанг,
Ташналаб бўлдим ҳалок, ул мавжи дарёдан йироқ.
Сен ғариблик даштида, бўлдим ғариб деб ёнмагил,
Аҳли тақво бўлса яхши, аҳли расводан йироқ.
Энди бас қил дарбадарликни сабр қил Саҳвиё,
Бўлса тақдирингда бўлма, аҳли Тимродан йироқ.

Ҳаёт мазмуни

Сени ёлғиз дея билмоқ, бу мазмуни ҳаётимдир,
Қиёматда яна ушбу, сабабкори нажотимдир.
Неки тавҳидни зидди бўлса, ботилдир гумоним йўқ,
У дунёю бу дунё шу ҳаётим ҳам мамотимдир.
Менга етмиш ҳаётимда неча турли бало офат,
Ақидам жавҳари тавҳид, менинг сабру саботимдир.
Ўшал тавҳидда содиқман, нажотидан умидим бор,
Агарчи кўп хатоларга тўла айшу нашотимдир.
Асрлар қаъридан тавҳидни қалбида олиб келган,
Боболардан менга мерос, менинг ҳам эҳтиётимдир.
Келажак зурриётимга шуни мерос қилиб кетсам,
Қиёматга қадар элтар, умидим зурриётимдир.
Менинг сонсиз гуноҳим бор, раҳм қил менга ё раҳмон,
Хато қилгувчиман, ушбу сабабдин Саҳвий отимдир.

Ҳақ яратмишдир сени

Ҳақ яратмишдир сени, жоду кўзинг шаҳло қилиб,
Сеҳрлаб олди дилимни, ўзига шайдо қилиб.
Ой юзин оҳанграбоси, хаста кўнглим ўртагай,
Кўзни тиймоққа иложим йўқ, менинг тақво қилиб.
Момо Ҳаввосиз яшолмаган учун одам Ато,
Қўйди Аллоҳ аёл зотин, эр учун пайдо қилиб.
Нозу истиғносидан мафтун этиб кўнглим вале,
Бир хабар бермас менга, қошу кўзин имо қилиб?..
«Ҳусн аҳлида вафо бўлмас» дегайлар, энди сен,
Бевафога яқинлашма, бошинга ғавғо қилиб?!
Шуаро аҳли муҳаббатни васф этган мудом,
Фарҳоду Ширин ва ё, Мажнун билан Лайло қилиб.
Жоду кўзлар сеҳрини васф этди меҳробдан чаён,
Муҳаббат афсонасин, Анвар билан Раъно қилиб.
Парирўлар меҳри дил торини чертиб тинмади,

Абас ўтди умри нақдим, тоатим расво қилиб.
Саҳвиё, дунё матосин афзали яхши аёл,
Топмасанг, начора ўт дунёдан истиғно қилиб.

Умр ўтар тинмайин

Умр ўтар тинмайин, не фойда, фарёд айласам?,
Ёки, ўтган қисмини эслаб, бугун ёд айласам?!
Ҳар дақиқа сония, паймонамизни тўлдирар,
Тўхтамас ҳаргиз неча, мен дастидан дод айласам.
На бу дунё бўлди обод, билмадим, на охират?,
Кошкийди, бу бўлмаса, у бирсин обод айласам.
Ҳар куни кетмоқдадир, катта кичик, ёшу қари,
Менда йўқ чора уларнинг руҳини шод айласам.
Қанчалар дўсти қадрдоним ҳануз зиндондадир,
Йўқдир имконим уларнинг барин озод айласам.
Дунёдан афсус ила, армон ила ўтмоқдаман,
Орзу қилгандим зулм аҳлини барбод айласам.
Саҳвиё, ҳеч нарсага йўл топмадинг дунёда сен,
Умр ўтар тинмайин, не фойда, фарёд айласам?

Даргоҳинга бу элнинг золим подшоси кетди

(ИАК ўлган кун ёзилди)

ИАК ўлди у билан кибру ҳавоси кетди,
Эл бошидаги офат, жабру жафоси кетди.
Шукр алҳамдулиллоҳ, марҳамат қилди Аллоҳ,
У билан иншааллоҳ, офат балоси кетди.
Кимларнидир додоси, кимларнидир бобоси,
Кимлар учун бир маъбуд, сохта «худоси» кетди.
Аллоҳ хор қилсин сани, суянган тоғинг қани?,
Ислом аҳлин душмани, бахтин қароси кетди.
Кетди бир жоҳил гумроҳ, жазосин берсин Аллоҳ,
Ёнида бўлиб ҳамроҳ, қилган хатоси кетди.
Тавбага топмай имкон, келтира олмай имон,
Чорак асрлик ёлғон, сохта навоси кетди.
Шод бўлди бугун Саҳвий, шукр Сенга ё Роббий,
Даргоҳинга бу элнинг золим подшоси кетди.

Бисёр ҳали

Золим ўлди, лек зулмкор кимсалар бисёр ҳали,
Бизни қонимизга ташна, шум рақиб бедор ҳали.
Бу зулмкор салтанатнинг соҳиби йўқ бўлсада,
Унинг зулмини бажо қилган нажаслар бор ҳали.
Бизни истиқболда не кунлар кутар, маълум эмас,
Балки истибдод яна мумкин бўлур такрор ҳали?!
Чунки, бу эл эрку хурлик қадрини билган эмас,
Руҳи қуллик иллатига мубтало, бемор ҳали.
Бир балодан қутулдик аммо, хавотир йўқ эмас,
Ундан ҳам баттар балога бўлмасак дучор ҳали?!
Эркесварларни «ватанга дўст эмас» дерлар, улар,
Сохта мафкура майидан бўлмаган ҳушёр ҳали.
Янги келган кимсадан қандай хайр кутгай бу эл,
Бўлмадилар чунки айбига улар иқрор ҳали.
Пароканда бўлди муҳолиф гуруҳлар барчаси,
Бўлмадилар эрк йўлида курашга тайёр ҳали.
Гарчи золимнинг вафотидан кўнгиллар шод эрур,
Кўриб бу ҳолни тушундим, шодлигим бекор ҳали.
Бошқа элларни кўриб, менга алам қилгай бу ҳол,
Бу нечук эл бўлмадилар, зулмдан безор ҳали?!
Англамас ўз қадрини, ўзгани қадрин не билур,
Муҳолифатга қилурлар, нафратин изҳор ҳали.
Саҳвиё, сандек ватанга зорни, ким хоин деса,
Ажабмас бўлса улар ҳам, шу ватанга зор ҳали?!

Мирзиёга насиҳат:

Тавба қилгил, ИАКдек хоки туроб бўлмай туриб,
Сенга мазлумлар дуоси, мустажоб бўлмай туриб.
Зулм қилма элга, бас тўхтат зулмни, энди сен,
Худодан қўрқ, тож ила тахтинг хароб бўлмай туриб.
Сенга берган салтанат ҳам, ғанимат, қадрига ет,
Фурсатингни бил ғанимат, сарҳисоб бўлмай туриб.
Чорак аср кутди, мазлумлар адолат, интизор,
Эл ишончин оқла, орзуи сароб бўлмай туриб.
Унутма, бу тож ила тахтинг, вафо қилмас сенга,
Яхшилик қилғилки, жонинга азоб бўлмай туриб.
Ғарибларнинг кўнглини шод эт, бугун имкони бор,
Олқиш олмассан, ишинг хайру савоб бўлмай туриб.
Тараққийпарварлигинг исботини кўрсат бугун,
Сенга ҳам «эй мустабид» деган, хитоб бўлмай туриб.
Беғуноҳ умри хазонлар, ҳолига солсам назар,
Мен яшолмасман дилимда, изтироб бўлмай туриб.
Сенга насиҳат қилур, Саҳвий бугун эй, Мирзиё,
Кўзингни очгил, жаҳаннамда кабоб бўлмай туриб!

Рӯё билан

Мухолифат мулоқот истар Мирзиё билан,
Ҳаттоки, баъзи маддох, мараз, рӯсиё билан.
Мулоқот истамоқлик, албатта айб эмасдир,
Омухта бўлмаса бас, амаллар риё билан.
Зиёлиман деганлар, жим турган бир замонда,
Гапирмоқ керак кимдир, инсофу ҳаё билан.
Бу томонга бир қиё, боқмаяпди Мирзиё,
Хурсанд бўлардик боқса, биз томон қиё билан.
Қўплаб мухолифатчи, унга умид боғлади,
Унутиб аччиқ ўтмиш, ғурбатин зиё билан.
Мирзиё ҳам ИАҚдек, бефаросат бўлса гар,
Атрофи тўлар маддох, «булбулигўё» билан.
Умринг ўтмоқда Саҳвий, доим яхшилик кутиб,
Ўтиб кетмасанг бўлди, саробу рӯё билан.

Бўлмаса

Мирзиёдан мен зиё кутмасман, эл шод бўлмаса,
Барча мазлум мусулмонлар, тўла озод бўлмаса.
Кошки бу кимса ИАҚдан, ибрат олса оқибат,
У каби ўз халқининг, бошинда жаллод бўлмаса.
Бу каззобларга менинг, ҳеч бир ишончим қолмаган,
Ишонмасман токи бу эл, ҳур ва обод бўлмаса.
Адолатли бўлса, тарихда қолар одил дея,
Шояд бунинг даврида, даври ИАҚ ёд бўлмаса.
Доимо элнинг иши, шоҳ зулмидан фарёд эди,
Кошки, элда янги золим, дастидан дод бўлмаса.
Юртимизга энди рўшноликни бер, Парвардигор,
Қани энди, бизда ҳам ҳеч, оху фарёд бўлмаса.
Юртимизда эрк, адолат, тикланишдир истагим,
Қўрқаман Саҳвийни бу, орзуси барбод бўлмаса.

Қаранг Иқбол Мирзога

Қаранглар, шоирман деб, юрган Иқбол Мирзога,
«Пахта кўйиб» бошлади, уялмай Мирзиёга.
ИАҚга марсиялар битган маддох англамас,
Алмашганин зулматни, ёруғликка, зиёга.
На Худони танимас, ва на элдан уялмас,
Касби мунофиқликдир, ўрганишган риёга.

Ким подшо бўлса бўлсин, «пахта қўяр» маддоҳлар,
«Пахта қўйиш» уятмас, маддоҳ «булбулгўё»га.
Билингки, мангу мансаб устида қололмайсиз,
Ишониб қолманг тағин, тушга сароб, рўёга.
Аллоҳдан бало келар, ҳаммангизга золимлар,
ИАК ҳам устун бўлиб, қололмади дунёга.
Шоирлар маддоҳ бўлса, қалами синсин, Саҳвий,
Сен шеър ёзсанг эргашгил шоир Бобур Мирзога!

Илтижо қилдим бугун

Яккаю ёлғиз Худога, илтижо қилдим бугун,
Яхши ният орзуларни, дилга жо қилдим бугун.
Умримиз етмоқда ўз поёнига йўқ ўзгариш,
Шу сафар бир нарсa бўлгай деб, рижo қилдим бугун.
Ёки, бу миллатга рўшнолик етар, ё хор бўлар,
Хору зорлик келмасин деб, мен нидo қилдим бугун.
Агар золим бўлса, хор бўлсин, узоққа бормаин,
Мустабид келмай туриб, қарғаб дуo қилдим бугун.
Бу элга ким бўлса подшоҳ, юртга келгай яхшилик?,
Элу юртим қайғусин, назму наво қилдим бугун.
Умидвормиз яхшиликдан, то тирикмиз дунёда,
Ноумид шайтон бўлар деб, иддаo қилдим бугун.
Саҳвиё, дунёда ғам ташвиш, адо бўлмас экан,
Бу ажойиб кашфиётни, ихтиро қилдим бугун.

Худоё инсоф бергил

Бугун тунда ёлвордим, саҳар туриб Худога,
Худоё инсоф бергил Ўзинг шу Мирзиёга.
Имонли банда бўлсин, бадбахт бўлмасин бу ҳам,
Дучор бўлмасин халқим яна турли балога.
Зиндондаги бечора мазлумларга раҳм қил,
Шояд бу қулоқ солса улар қилган нидога.
ИАК каби солмасин эл бошига офатни,
Айланмасин бу миллат яна сарсон гадога.
Бу миллатга нажот бер Эй қудрати буюк Зот,
Яна дучор этмагил бир дарди бедавога.
Сендан мадад бўлмаса ҳеч бир имконимиз йўқ,
Ҳеч ким қулоқ солмайди бизнинг бу дийдиёга.
Саҳвий унутма зинҳор, ҳақдан ўзгаси бекор,
Айланса шояд шу бор, дуоларинг равога.

Истиқболда икки йўл бор

Мирзиё ғолиб дея, тан олди, дўст бегонаси,
Шу билан битди тугаб, сайлов деган афсонаси.
Отамурод, Наримон, Кетмон, бу жанг майдонида,
Бўлдилар мағлуб бариси, шўр экан пешонаси.
Мирзиёга берди барча халқ, овоз, ёшу қари,
«Бахт қуши» қўнди бошига, халқ унинг парвонаси.
Эчкида жон қайғуси, қассобда гўшт,» мой қайғуси,
«Куёв подшоҳ бўлди» деб, хурсанд бугун қайнонаси.
«Неччи йиллик орзуга етдик» дебон, хурсанд бўлиб,
Мирзиёни қучоқлаб ўпди бу тун, жононаси.
Устига улкан омонат олганин англамиди?,
Кошкиди, бўлсайди обод, ўлканинг вайронаси.
Истиқболда икки йўл бор, ё адолат, ё зулм,
Қайси бирсига тўлар, бу кимсанинг кошонаси?!
Зулм қилса элга ким, ўз жонига қилгай азоб,
Тавқ ила лаънатга қолгай, ота бирлан онаси.
Адолатни шиор қилган кимса, қандай бахтлидир?,
Икки дунёда келур бу хизматин шукронаси.
Ажал олдинда баробар, фарқи йўқ, шоҳу гадо,
Эртами кеч тўладир, ҳар банданинг паймонаси.
Ҳеч бир инсофли кишига қўнмади бу «бахт қуши»,
Қўзлари кўрми дебон мен ҳам унинг ҳайронаси.
Саҳвиё, вақтин ғанимат билса, қайси банда гар,
Шу асосда ўлчанур, оқил билан девонаси.

Мустазодлар

Бизга ватанда яшашга бўлмади имкон,
кетдим олиб бош,
Дунё кезаман токи ҳануз, мен зору сарсон,
йўқ қавму қардош.
Тақдирда не битган яна, қазою қисмат,
менга аниқмас?,
Қайда қолади бу жасадим Тангрига аён,
йўқ ўзга сирдош.
Ўтди бу дунёдан менинг отаю онам,
бечора ғариблар,
Соғинаман бағри дилим ўртайди ҳижрон,
кўзлар тўкар ёш.
Дучор бўлиб золимни зулмига бўлиб хор,
чекдик зулмлар,
Энди бу золимга атаб ёзарман достон,
дилда алашим фош.

Қанча кутиб бечора эл топмас омонлик,
мазлумлар чекар оҳ,
Қўтар бунӣ, эл бошидан қудратли Раҳмон,
қолмади бардош.
Токи ғазабинга дуч бўлиб ўлса бу золим,
кўрса бу эллар,
Ушбу куни байрам қиларди Ўзбекистон,
барча қари ёш.
Дарду ғамин Сенга айтар бечора Саҳвий,
Ё раб қабул эт,
Бизга оғир келди ҳаёт ичра имтихон,
дил қотди бўлиб тош.

.....

Мен осию, оввораю, сарсону гадоман,
қалбим тўла армон,
Не қилайин, энди шу ғурбатда адоман,
ҳасратда ёнар жон?!
На Тангрига маъқул амалу, тоату тақво,
ҳеч бири топилмас,
Гар мағфират этмаса мени, юзи қароман,
кўп алдади шайтон.
На бандаси олдида кўрибман, қадр қиммат,
бил акси жафолар?,
Айб ила нуқсонга, бўлибон мубталоман,
ҳеч топмадим имкон.
Не қилайин толеъи беёр яралибман, бу
тақдири азалдир?,
Не қилайин қазосига бўлмай ризоман,
бу аркони имон?!
Ўтди ҳаётим барчаси ғафлат ичинда,
кеч англадим аммо,
Умримни қилиб, ҳою ҳавас ичра фидоман,
қолдим лолу ҳайрон.
Раҳматидан ҳаргиз умид узмай ўтарман,
бўлсамда гуноҳкор,
«Мағфират этгил» дея, айларман, нидоман,
«Сен Қудратли Раҳмон!»
Жаннатга киргизмас амал, бўлсада бисёр,
бил буни Саҳвий,
Қилдим азалий Иродадан хавфу — рижоман,
шу қисмати инсон!

Мухаммаслар

Саҳвий Мухаммаслари

Кимса олгайми хабар, ётган мазоримдан мени?

Бугун йўқдир хат хабар, хешу — таборимдан мени,
Чорасин топмоқ эмасдир, иқтидоримдан мени,
Ягона умид фақат, Парвардигоримдан мени,
Қилди мосиво бу золимлар диёримдан мени,
Бўлмади ҳеч иш иложи, ихтиёримдан мени.

Қилмадим орзу ҳаётда бошимга киймоқни тож,
Битмади ҳаргиз ҳаётда, менда кўпдир эҳтиёж,
Топмади орзу умидлар, оқибат, равнақ, ривож,
Ота онам қабрини, қилмоқ зиёрат, йўқ илож,
Айирдилар то абадга, номус — оримдан мени.

Ўзгаларнинг юртини юртим деб, юрибман бугун,
Келажак қандай бўлар, ҳайронда турибман бугун,
Элу — юртидан жудо бўлган, музтарибман бугун,
На қариндош, на уруғ, ғурбатда ғарибман бугун,
Йўқдир имкон хабар олмоқ, дўсти — ёримдан мени.

Мустабиднинг зулмидан, хор бўлди элдошим — элим,
Кўриб ҳолингни кўзимдан, оқди кўп ёшим, элим,
Мен нечук хурсанд бўлай, хордир ватандошим, элим?!,
На ватан бор, на ватанда, қавми — қардошим, элим?,
Жудо қилдилар умуман, йўқу — боримдан мени.

Доимо қурбон берилган, эрку — озодлик учун,
Нега ўз ҳаққи ҳуқуқин, эл талаб қилмас, нечун?!,
Қолмагай армон дилимда, ҳурлигинг кўрсам, шу кун,
Менга душман бўлди, мен суйган элим, халқим бугун,
Борми наф, ғурбатда топган, эътиборимдан мени?!

Мен ватаннинг меҳрига, тўймай хумор ўтмоқдаман,
Азизликни топмадим, ғурбатда зор ўтмоқдаман,
Турфа хил меҳнат — машаққатга, дучор ўтмоқдаман,
Адолат бўлмади ғолиб, интизор ўтмоқдаман,
Энди не фойдаси бор, бу оҳу — зоримдан мени?!

Шубҳасиз шайтоннинг макридир ҳамиша жилвагар,
Етмаса бас, фитналардан, энди имонга зарар,
Қўрқаман «ортимда не кутгай?» дебон, ташлаб назар,
Дунёдан армон билан, кетса ғариб, Саҳвий агар,
Кимса олгайми хабар, ётган мазоримдан мени?!

Бормикан?

Бормикан, биздек зулмга мубталолардан, яна?,
Мубтало бўлган, зулмда-жон фидолардан, яна?,
Хақни айтиб эл-аро, "юзи-қаро" лардан яна?,
Хонумонидан жудо, мотамсаролардан яна?,
Қолдиму, биз чекмаган дарду-балолардан, яна?!

Зулм айлаб, барчани вайрона қилди, оқибат,
Қавми-қардошлар кўзин, гирёна қилди оқибат,
Халқимизга бизни ёт-бегона қилди, оқибат,
Ақлу-хушдан ажратиб, девона қилди, оқибат,
Энди не истар ўшал, султон-гадолардан яна?!

Кўҳна дунёдан кўп ўтган, хон, амир, подшо каби,
Бундайин виждони йўқ, қалби мараз расво, каби,
Сендайин дунёга мағрур, нафсига шайдо, каби,
Фиръавннинг ҳаққига, Ҳорун билан Мусо, каби,
Қилганидек, сенга биз қилдик, дуолардан яна.

Хазон бўлди қанчалар, зулмат бўрони чоғида,
Қолди қаровсиз етимлар-бевалар қишлоғида,
Ёру-дўстлар барчаси-гўё, чуқур қирғоғида,
Ота-она қанчалар, ўртанди фарзанд доғида,
Қанчалар қийналди, хешу-ақраболардан яна?!

Қанчалар ноҳақ қамалди, парча хат, қоғоз учун,
Едик калтаклар, тиловатда баланд овоз учун,
Рўзадорга нон едирмоқ, бир «шараф» сарбоз учун,
Қайда бор, урган мусулмон ўқиган намоз учун?,
Бормикан, биз кўрмайин, қолган жазолардан яна?!

Хор бўлар халқ учраса, ҳокимни бағри-тошига,
Қўймагай ҳаргиз омон, оғу солар нон-ошига,
Қойиле, шунча сабр қилган бу халқ, бардошига,
То қиёматга қадар, ҳеч қайси миллат бошига,
Келмасин, асло бу «дарди-бедаво»лардан яна!

Бу қазодан неча йил, маҳбус бўлиб ётсанг агар,
Йўқ ажаб шу ерда, имон лаззатин тотсанг агар,
Хақни айтиб кет, мабодо сен ўлиб кетсанг агар,
Хақ Таолодан мадад етса, нажот топсанг агар,
Саҳвиё қилгил ўшал, қилган «хато»лардан яна!

Бори шу Саҳвийнинг

Дунёда борми бало ким, мубталоси йўқ унинг?
Борми бир қалб қаърида, кибру ҳавоси йўқ унинг?,
Қайси бир маъвоки, душман истилоси йўқ унинг,
Бевафо дунё бу, ҳеч кимга вафоси йўқ унинг,
Дунёда биз истаган, кайфу — сафоси йўқ унинг.

Англаяпман энди бу ҳикматни, айлаб эътибор,
На келишда на кетишда, бўлмаган бизда қарор,
Чораси йўқ банданинг, кўрмай неки, тақдирда бор,
На адолат бор бу оламда ва на эрк ихтиёр?,
Бизга бир кўрсатмаган, жабру — жафоси йўқ унинг.

Истаган бандага ўз илмидан огоҳлиқ берур,
Истаганни гадо қилгай, истаса шоҳлиқ берур,
Кимгадир мангу саодат, кимга гумроҳлиқ берур,
Баъзиларни зор этиб, кимларга подшоҳлиқ берур,
Имтиҳон қилмоқдан ўзга муддаоси йўқ унинг.

Жанг қилур доим ҳаётда, адолат бирла зулм,
Жонига қилгай одамлар, жаҳолат бирла зулм,
То қиёмат тинмагай, залолат бирла зулм,
Ҳукмрон бўлди заминда, қабоҳат бирла зулм,
Жаҳолат ғолиб бугун, нури — зиёси йўқ унинг.

Шикоят қилсам бу дунё, дастидан мен мухтасар,
Қиёмат вақти яқин келди, кўпайди дардисар,
Топилмас қалбларда орому ҳаловатдан асар,
Фисқ ила фаҳш домига, тушган кўнгиллар сарбасар,
Нафсига қулликдан ўзга, эҳтироси йўқ унинг.

Аслида бизлар яшармиз қисқа, бир пас дунёда,
Фарқи йўқ шоҳу гадони, мангу қолмас дунёда,
Тангрига осий бўлиб ўтса, бу нокас дунёда,
Борми фитнадан омон қолган, бирор кас дунёда?
Кўрсатинглар, борми ким, нафси — ҳавоси йўқ унинг?!

Бўлганида кошки кўнгил каби, торроқ нафсимиз,
Дилдаги имонимиздан бўлди зўрроқ нафсимиз,
Дунёда ҳарна бало бўлса, батарроқ нафсимиз,
Англасам, Иблис тузоғидан хатарроқ нафсимиз,
Хавф хатарлик бобида, мисли, қиёси йўқ унинг.

Бу ҳаётда имтихоннинг мақсади шу аслида,
Азал тақдирга битилган матбаси шу аслида,
Одам Ато ушлаган йўл, манҳажи, шу аслида,
Барча мавжуд фитналарнинг, манбаси, шу аслида,
Дилда поклик бўлмаса, дардин давоси йўқ унинг.

Истиқоматда яшаб ўтмоқ керак, шудир ҳаёт,
Сақла имонни саломат, молу жон, борингни сот,
Бермаса тавфиқ, бу имконсиз экан, Қудратли Зот,
Ўзининг нафсига ғолиб бўлмаган, топмас нажот,
Дунёда бундан оғир бўлган, балоси йўқ унинг.

Раҳмати кенгдир Унинг, раҳматдан узмасмиз умид,
Икки дунёда наим, неъматдан узмасмиз умид,
Устимизда доимо миннатдан узмасмиз умид,
Раҳмат ила мағфират, жаннатдан узмасмиз умид,
Одамизод ичра ким бордир, хатоси йўқ унинг?!

Гарчи бўлди умри солим, нафсим илгинда нисор,
Бу ғариб банданг ҳамиша раҳматинга интизор,
Ҳукм Сенда, биз ғарибларда на тадбир, чора бор,
Тавбага тавфиқ насиб этгил, Ўзинг Парвардигор,
Бу улуғ неъматки, дунёда баҳоси йўқ унинг.

Бўлмасин банданг ҳаёт уммонида тўфонга ғарқ,
Сенга осийлик қилиб, Юнус каби, уммонга ғарқ,
Раҳматинг бирла Ўзинг қил, мағфират, имонга ғарқ,
Умри ўтмоқда, кеча — кундуз, бўлиб исёнга ғарқ,
Бори шу Саҳвийни, тақво иддаоси йўқ унинг.

Топмадим

Кўп хабар олдим ватандан хушхабарни топмадим,
Дилга бундан каттароқ етган зарарни топмадим,
Етмиш икки фирқадан холи шаҳарни топмадим,
Дин йўлида бундан улканроқ хатарни топмадим,
Эл бошига бундан ортиқ, дардисарни топмадим.

Мустабид қаҳрин сочиб, турса бўлармиш интизом?,
Унга шукр этмоқни тарғиб айлағай муфтий имом,
Фирқаларга ажралиш гарчи дейилгандир ҳаром,
Етмиш икки фирқа бўлдик, йўқ ўзаро эҳтиром,
Бир-бирига нисбатан, холис назарни топмадим.

Ўзларин доно билиб, элга насиҳат айлағай,
Динни восита қилиб, золимга хизмат айлағай,
Эътироз этган кишига кўп хусумат айлағай,
Айтинг энди ким буларни зарра ҳурмат айлағай?,
Мен булардан каттароқ бир, дин бузарни топмадим.

Йўлдан урган барчамизни, қайси шайтон макридир?,
Нафсимизга тобеъ бўлдик, балки оқибат шудир?,
Ҳар бирин ўзига маъқул ожизона фикридир?,
Биздаги айбу хато, балким қадарнинг ҳукмидир?,
Мен синов майдонида, ҳукми қадарни топмадим.

Фирқаларнинг ихтилофи, эътиқод имон экан,
Энди йўл топмай бари, ёшу-қари ҳайрон экан,
Барчасига чин айбдор, барибир шайтон экан,
Қанча холис иддаолар, аслида ёлғон экан,
Титкилаб ўтмишни бу кундан батарни топмадим.

Адоват ўтида куйдирди бари дунёсини,
Кошкиди куйдирмаса, бу ўт ҳали уқбосини,
Қанчалар фитна-фасод, охири йўқ ғавғосини,
Гапирманглар менга ушбу фирқалар “тақво»сини,
Мен буларда чунки, тақводан асарни топмадим.

Ҳақни истеъмол этур, ботил ирода этгали,
Ҳақни рад айлар зулмга инқиёда этгали,
Ҳужжат изларлар залолатни зиёда этгали,
Саҳвиё, ғамгин дилим, дардин ифода этгали,
Ёзганим бўлди мухаммас, мухтасарни топмадим.

Бағримни қон этгай

Тилагим шу, бу умматни, ҳидоятда равон этгай,
Орага фитналар солган, ғаним ҳолин ёмон этгай,
Адолатсиз яҳудларни ки, расвои жаҳон этгай,
Гўдаклар тасвири кўзимни нам, бағримни қон этгай,
Бу даҳшатлар дилим ғамлик, тилимни безабон этгай.

Муборак ойда ифторга Ғазо аҳлини нони йўқ,
Деманглар; “қорнимиз тўқдир, бунинг бизга зиёни йўқ,”
Бугун бу зўравонлар ҳаддидан ошди гумони йўқ,
Тубанлик, ихтилофу инқирозининг поёни йўқ,
Бу умматнинг забун ҳолин, Ғазо аҳли аён этгай.

Мусулмонлар унутдилар бугун мўмин деган номни,
Қаранглар ҳолу — аҳволин, Фаластину, Ироқ, Шомни,
Замин узра миллионлаб ҳожи боғлар қайта эҳромни,
Балога мубтало айлаб кўринглар аҳли исломни,
Улуғ Роббим машаққат бирла, бу кун имтиҳон этгай.

Бировни қайғусин билмас, бировнинг жони қийналмай,
Кишининг рутбаси бўлмас улуғ, имони қийналмай,
Маишатга қилурлар сарф, молини, ҳамёни қийналмай,
Фароғатда яшаб ўтган киши виждони қийналмай,
Унинг имони борлигига, мўминлар гумон этгай.

Бу кунда биз каби, дунёни кезган зору — сарсон йўқ,
Ўзимиздан ҳали ортиб, қилган ўзгага эҳсон йўқ,
Ва лекин қанча бойлар бор, молу — дунёсига сон йўқ,
Агарчи, бизда золимга, наҳий — мункарга имкон йўқ,
Зулмга норизо бўлганлар имонин омон этгай.
Қаранглар чор тараф йиғлаб юрган мардумни кўргайсиз,
Қамоқларда хазон бўлган, ғариб маҳкумни кўргайсиз,
Заиф мустазъафин, эл — юртидан маҳрумни кўргайсиз,
Қаён боқманг бугун золим билан мазлумни кўргайсиз,
Тилагим то тирикдурман, мени мазлум томон этгай.

Буюкликдан бўлиб маҳрум, бугун хоки — туроб бўлдик,
Насорою, яҳудлар хизматида қул ҳисоб бўлдик,
Не фойда, гарчи бу ҳолдан, эзилдик, изтироб бўлдик,
Туганмас ихтилоф ичра, қолиб ҳоли — хароб бўлдик,
Бу ҳасратдан ҳаловат топмайин, Саҳвий фиғон этгай.

Қазонинг ҳукми ўзгармас

Саодат аҳли бўлмоқлик, дилимнинг муддаосидин,
Етолмасман бу мақсадга, ёмон нафсим балосидин,
Нечук кўнгилни озод, айлайин нафс ибтилосидин,
Қочишга жой тополмасман, жафокашлар жафосидин,
Қутулмоқнинг иложи борми, элнинг можаросидин?!

Ҳаётнинг бори шу эркан, туганмас жанжалу ғавго,
Қаю инсонни айтинг, бўлмаган ўз нафсига шайдо,
Бу офатдан қутулмоқнинг, иложини демиш тақво,
Қаю оқил киши қилгай, халойиқ сўзига парво,
Қачон бу эл тилин тийган, бировларнинг хатосидин?!

Шикаста бўлмаса нафсинг, санга кибру ҳаво бергай,
Ўзини билмаган нодон, кас ўзига жафо бергай,
Фақат тавба тазарруъ, ушбу дардинга даво бергай,
Ўзининг нафсини билса, ким ўзгага баҳо бергай?,
Жаҳолат аҳли воз кечмас, буюклик иддаосидин.

Ғубор босган кўнгилни шифоси афсус надоматда,
Насиб этсинда имонинг олиб ўтмоқ саломатда,
Надомат қилмагил қолдим дебон, таъна маломатда,
Аён бўлгай ҳақиқат, инсу — жинларга қиёматда,
Яша кўнгилни холи, айламай хавфу — рижосидин.

Худонинг раҳматидан ҳар неки борлиқ, умид этгай,
Мақоми бандаликдан мўътабар, ёрлиқ умид этгай,
Улуғ тутмас ҳавосин, сарбасар хорлиқ умид этгай,
Нечук нодон экан элдан, вафодорлиқ умид этгай?,
Биров топганмиди, сен ҳам, умид этсанг вафосидин?!

Хатосиз банда бўлмас бил, зумраи ибни Одамда,
Ҳисобсиз зулму исёнлар, кўнгиллар бу сабаб ғамда,
Бу бандангдан мурувватни, дариғ тутма кетар дамда,
Мен осий бандага раҳм айла, ё Раб, икки оламда,
Ризоингни муқаддам тутмадим банданг ризосидин.

Улуҳийятда якка Зотлигинг олам аро зоҳир,
Сифоти асмой зикринг, дилимни айлагай тоҳир,
Агарчи бўлди банданг маъсиятнинг илмида моҳир,
Рубубийятга имон келтириб ким, англадим охир,
Хатою, журму — исёним, убудийят асосидин.

Бани Одам эканмиз, биздаги наслу насаб, шулким,
Малаклар сажда қилди, бундан Иблис дарғазаб, шулким,
Буюкликдан тубанликга йиқилганга сабаб шулким,
Худоё, раҳматинг муҳтожиман, Сендан талаб шулким,
Йироқ этма бу қулни, аҳли тақволар аросидин.

Ҳаётда илми ҳол истаб, тополмасдан ўтар, Саҳвий,
Фаросатдан киши таълим ололмас бу илм ҳиссий,
Азалда битгани бўлгай, вале дерлар; «амал касбий»,
Бу дунёда бари яхши, ёмонлик, аслида нисбий,
Қазонинг ҳукми ўзгармас, одамларнинг баҳосидин.

**Излаганлар бизни сахройи балодан излангиз,
Водийи ҳижрон била, дашти фанодан излангиз!**

А. Навоий

Тилайман топмағайлар тутиёликга ғуборимни!

А. Навоий

Изласам

(Навоийга бағишлаб)

Топқай олғайманмикан, меҳригиёни изласам?,
Титкилаб ўтмишни дилга, муддаони изласам?,
Маъоний мулкига посбон, ул Даҳони изласам?,
Сизни топқойманму, саҳройи балони изласам,
Водийи ҳижронни ё дашти фанони изласам?!

Айланиб кезсам юриб ё шеърятни боғида,
Чиқса боғбони назм, гулдастаси қучоғида,
Ҳар нима орзу қилар, инсон бу ғурбат чоғида,
Тоғу тошларни кезиб, Фарҳод билан ғам тоғида,
Ёки, Мажнун бирла дашти, Карбалони изласам?!

Ё кезиб, боғи Эрам мулкида топқойманмикан?,
Ёки ғам бирла алам, мулкида топқайманмикан?,
Ё Хуросон ё Ажам, мулкида топқойманмикан?,
Ҳазратим сизни адам мулкида, топқойманмикан?,
Хоки пойи энди кўзга, тутиёни изласам?!

Беш асрдан ошдики, фоний жахондан ўтдингиз,
Мулки Турон маънавийят, мулкани забт этдингиз,
Аҳли маъни бўлди таслим, сиз ғазаллар битдингиз,
Фоний, Оламда Фано бўлгач, Бақога етдингиз,
Балки топқайман бориб, Дорул Бақони изласам?!

Жаҳд қилсам англамоқликга, хаёлот сиррини,
Аҳли маънилар эришган, фикру ҳолот сиррини,
Ҳам улар битган назм, дурри мақолот сиррини,
Суҳбат этсам учратиб, билсам камолот сиррини,
Қайдан изларман, Навоийдан навони изласам?!

Йўқдир оромим хаёлот бирла, бедорман букун,
Кўнгил дардининг давосига, харидорман букун,
Бўлса бир кўнгил табибин, меҳрига зорман букун,
Чунки, бир дилпорадирман, қалби беморман букун,
Топғай олғайманму, дардимга давони изласам?!

Гар тасаввур айласамда, менга бу ноҳосдек,
Англасамда, кам кишига бу шарафлар ҳосдек,
Келди гўё, дилга журъат ногаҳон беҳосдек,
Шунғисам дейман, маъоний баҳрига ғаввосдек,
Балки топгум, гавҳари қимматбаҳони изласам?!

Сайр айлаб, кездим ушбу шеърият бўстонини,
Тан олиб, байъат бериб, тасдиқ қилиб султонини,
Айламас бовар ақл, бу истеъдод имконини,
Беш асрдирким ёрутгай, шеърият осмонини,
Мисли офтоб шуъла сочгувчи, зиёни изласам?!

Бас қил энди, юрма эй кўнгил фақат гирён бўлиб,
Бўлмаса ҳосил санга мақсад яна, ҳайрон бўлиб,
Дарди-ғамларинг ёзиб, шеъринга саргардон бўлиб,
Мумкин эрмас энди излаб, Саҳвиё, сарсон бўлиб,
Топмағайман барибир, ушбу даҳони изласам!

Билмадинг

Дилбарим ҳажрингда кўп чеккан фиғоним билмадинг,
Кўзда ёшим ўрнига оққанди қоним билмадинг,
Сенга бўлган дилдаги меҳримни «жон»им билмадинг,
Ҳажринг ичра ёндию, ўртанди жоним билмадинг,
Куйди ишқинг ўтида бу, устихоним билмадинг!

Ғунча гул бўлмай, хазон бўлди, баҳор айёмида,
Мисли булбулдек, наво айлар кўнгил ишқ-домида,
Бу фалак айланмади, ҳаргиз дилимнинг комида,
Лайлидан айрилди Мажнун ҳам ғариблик шомида,
Мен давр «Фарҳоди», сен «Ширин-замоним», билмадинг!

Билдирар инсон ўзин бир кун келиб насли била,
Чунки оламда ҳаёт мавжудлиги, асли била,
Кўзларим дил оташин сўндиргуси ашки била,
Дилда ўт ёққан, сени меҳринг эди, ишқи била,
Ҳаста бўлди бу вужуди-нотавоним, билмадинг.

Ҳасратингда ғам билан, абгор бўлибдир руҳ-жасад,
Мен этолмасман баён, кўнгилни дарди беадад,
Дардима йўқдир даво, гар Тангрим этмаса мадад,
Етмайин васлинг сендан айрилиб қолдим абад,
Кўзима тор бўлди бу, ёруғ-жаҳоним билмадинг.

Мен муҳаббат даштидан бир йўл топиб қайтолмадим,
Ё Ҳўтан охуларидан, дилга сирдош, олмадим,
Ҳақдин ўзга кимсани, дил маҳрами айлолмадим,
Сенга ҳам кўнгил ғами-асрорини айтолмадим,
Дилда кетгай энди кўп, сирри-ниҳоним, билмадинг.

Қайси айбимга қафасда сақлағайсан субҳу-шом,
Неча йиллар бу машаққат бирла қийнарсан мудом,
Кўп оғир келди синовлар, тоқатим қилди тамом,
Кимки золим бўлса, билсинки Худо-Зул-интиқом,
Тарк этиб кетмоқчи бу-руҳи-равоним билмадинг.

Тор эмас дунё, агар кўнгил уни тор билмаса,
Бўлма маҳзун, ғамга ботган пайти дўст-ёр, билмаса,
Сўнг билар, одам ҳар ишни ҳикмати бор, – билмаса..
Ҳақ билур, кўнглингни Саҳвий, билмасин-ёр, билмаса,
Энди меҳрим сўнди, эй, номехрибоним билмадинг!

Мени

Бугун йўқдир хат хабар, хешу таборимдан мени,
Чорасин топмоқ эмасдир, иқтидоримдан мени,
Ягона умид фақат, Парвардигоримдан мени,
Қилди мосиво бу золимлар диёримдан мени,
Бўлмади ҳеч иш иложи, ихтиёримдан мени.

Қилмадим орзу ҳаётда бошимга киймоқни тож,
Битмади ҳаргиз ҳаётда, менда кўпдир эҳтиёж,
Топмади орзу умидлар, оқибат, равнақ, ривож,
Ота онам қабрини, қилмоқ зиёрат, йўқ илож,
Айирдилар то абадга, номус оримдан мени.

Ўзгаларнинг юртини юртим деб, юрибман бугун,
Келажак қандай бўлар, ҳайронда турибман бугун,
Элу юртидан жудо бўлган, музтарибман бугун,
На қариндош, на уруғ, ғурбатда ғарибман бугун,
Йўқдир имкон хабар олмоқ, дўсти ёримдан мени.

Мустабиднинг зулмидан, хор бўлди элдошим — элим,
Кўриб ҳолингни кўзимдан, оқди кўп ёшим, элим,
Мен нечук хурсанд бўлай, хордир ватандошим, элим?!,
На ватан бор, на ватанда, қавми қардошим, элим?,
Жудо қилдилар умуман, йўқу боримдан мени.

Доимо қурбон берилган, эрку озодлик учун,
Нега ўз ҳаққи ҳуқуқин, эл талаб қилмас, нечун?!,
Қолмагай армон дилимда, ҳурлигинг кўрсам, шу кун,
Менга душман бўлди, мен суйган элим, халқим бугун,
Борми наф, ғурбатда топган, эътиборимдан мени?!

Мен ватаннинг меҳрига, тўймай хумор ўтмоқдаман,
Азизликни топмадим, ғурбатда зор ўтмоқдаман,
Турфа хил меҳнат — машаққатга, дучор ўтмоқдаман,
Адолат бўлмади ғолиб, интизор ўтмоқдаман,
Энди не фойдаси бор, бу оху зоримдан мени?!

Шубҳасиз шайтоннинг макридир ҳамиша жилвагар,
Етмаса бас, фитналардан, энди имонга зарар,
Қўрқаман «ортимда не кутгай?» дебон, ташлаб назар,
Дунёдан армон билан, кетса ғариб, Саҳвий агар,
Кимса олгайми хабар, ётган мазоримдан мени?!

Бевафоларга

Тушибдир дилни меҳри беҳаёю-бевафоларга,
Киши борму қилурга чора, дарди бедаволарга?,
Тараххум айламаслар ҳажрида мотамсароларга,
Қачон бўлди дилим дучор, вафосиз дилраболарга,
Иложим қолмади ҳеч, мубтало бўлмай балоларга.

Кириб ишқ йўлига ҳажри била бағримни қон этдим,
Олур шояд кўнгилни деб, яна дардим баён этдим,
Сиримни билмагай ҳеч ким дея, элдин ниҳон этдим,
Неча, ул ойни ман ҳажри-фироғида фиғон этдим.
Ким ул ҳеч қилмади парво қилинган илтижоларга.

Дилинг орзуларига ҳеч раво кутма, умид этма,
Давосиз дардларинга ҳам даво кутма, умид этма,
Аё дўст ишқни боғида, сафо кутма, умид этма,
Гўзаллардан сен эй кўнгил, вафо кутма, умид этма,
Вафо расм ўлмаган эрмиш, азалдан қоши ё-ларга.

Нетай қавмим ичинда лойиқ иззат топмадим ҳаргиз,
Дилим дардига малҳам, дўсти-улфат, топмадим ҳаргиз,
Меҳр қўйдим жавобига, муҳаббат топмадим ҳаргиз,
Мурувват қилганимдан ҳам, мурувват томадим ҳаргиз,
Худоё, этма муҳтож ҳеч қачон хеш-ақраболарга.

Йўқотма ўзгалар олдинда, ўз қадрингни эй кўнгил,
Ўзингни қилма хор, эъзоз-этиб нафсингни эй кўнгил.
Худо қилгай зиёда шунда бил-фазлингни эй кўнгил,
Неча халқлар маломат қилсалар, назмингни эй кўнгил,
Юмиб кўзингни парво, қилмагил бу дийдиё-ларга.

Ҳаётим ҳосили шул, дилда битмас кўп алам қолди,
Бу ҳолатда ўтиб умрим, мабодо бўлса-кам қолди,
Ажал етгунча чеккаймиз, яна, қай-дарди ғам қолди?,
Бугун даву-замондан, етмаган қайси ситам қолди?
Бўлиб Саҳвий каби сарсон-дарбадар юрган гадоларга?!

Манга

Эй кўнгил, айтгил надир, дардинг давосини манга?,
Интилиб ҳеч топмаган, дил муддаосини манга,
Йўқ иложи қайтаришга, Ҳақ қазосини манга,
Дема, дунё аҳлининг, жабру-жафосини манга,
Борми ё, айтгил биров кўрган вафосини манга?!

Бу ҳаётда ғам-алам кўрган киши бисёр эрур,
То тирикдирсан, санга офат-бало тайёр эрур,
Бил ҳаётда Ҳақдин ўзга барчаси бекор эрур,
Мақсади Олийни билсанг, «давлати дийдор» эрур,
Дема, жаннат аҳлининг ҳури лиқосини манга.

Сен Худонинг раҳматидан, умид узма ҳеч қачон,
Орифи Биллоҳ бўлсанг, Олам аҳволи аён,
Олами Боқийни изла, бил яқин, қилма гумон,
Ҳар қачон азм айласа, Роббинг сари бу хаста жон,
Ҳақ Ўзи бергай адолатлик баҳосини манга!

Эй Худо, бергил дилимнинг муддаосин фазл этиб,
Бер Ўзинг бу бедаво, дардим давосин фазл этиб,
Энди кўрсатма ҳаёт, жабру-жафосин фазл этиб,
Айлагил осон қиёматнинг балосин фазл этиб,
Манфаатли қил ҳаёт, берган балосини манга.

Офиятда тут мани, юз пора кўнглимни яна,
Мақсадига етмаган оввора кўнглимни яна,
Поклагил исён билан қоп-қора кўнглимни яна,
Ғамга дуч этма Эгам, бечора кўнглимни яна,
Ҳам унуттиргил қиёмат кун, хатосини манга!

Эй кўнгил, бўл камтарин, кибру-ҳавони тарк этиб,
Осий бўлма ҳеч қачон, хавфу-рижони тарк этиб,
Ҳаққа интил, Ҳақдин ўзга-Мосивони тарк этиб,
Эй мани кўнглим, сира амри-Худони тарк этиб,
Демагил: тутгил яна, нафсинг-ҳавосини,–манга!

Эй кўнгил, ўзгармагил йўқ бўлмасин ўзлик бориб,
Чунки, имон аҳли бўлгай кўрки-бир сўзлик, бориб,
Бузмагил аҳдингни энди, эй қаро кўзлик, бориб,
Аҳдни бузган Саҳвиё, бўлгай қаро юзлик-бориб,
Эй Худо, кўрсатмагил, юзлар қаросини манга!

Қолмади

Эй азизам, ҳажр аро сабру-қарорим қолмади,
Зор бўлдимки фироқингда мадорим қолмади,
Ой юзинга талпиниб дил, ихтиёрим қолмади,
Сан эдинг кўнглим баҳори, бас, баҳорим қолмади,
Хазон урди дилни боғин, лолазорим қолмади.

Элу-юртимдан жудоман, бошда ғурбат бор учун,
Йўқ иложим найлайин, аввалда қисмат бор учун,
Асли имон ҳам синалгайдир, мусибат бор учун,
Интилар доим дилинг-дилга муҳаббат бор учун,
Менда энди бору йўққа, эътиборим қолмади.

Сен мени кўнглим ҳамиша орзу қилган ёр эдинг,
Қайда бўлсам хотирамда, шеърларимда бор эдинг,
Билмадинг сан, ё билиб, билдирмадинг айёр эдинг,
Хар на бўлса бўлдию-кўнглимда сан дилдор эдинг,
Бўлмадинг сан ёрим энди, ўзга ёрим қолмади.

Ўртанар дил васлинга етмоғини имкони йўқ,
Меҳр боғин гуллари сўлди бугун боғбони йўқ,
Англадим, Фарҳоду Мажнун ишқининг ёлғони йўқ,
Чунки, оламда муҳаббат дардининг дармони йўқ,
Энди бу дардим олувчи, ғамгусорим қолмади.

Ҳақ билур, кўнгилдаги, ғамли китобингни сани,
Билмаса билмас, кишилар изтиробингни сани,
Тангрим ислоҳ айлагай ҳоли-харобингни сани,
Ҳақ енгил қилсин қиёматда ҳисобингни сани,
Найлайин, девона бўлдим, номус-орим қолмади!

Гарчи қай дилни, Худога эҳтиёжи йўқ экан,
Билки зулматдир ёритгувчи сирожии йўқ экан,
Дилни кўндирмок керак, гар иш ривожии йўқ экан,
Саҳвиё, дунёда дардингни иложи йўқ экан,
Баридан кечдим, бу дунёда диёрим қолмади!

Жудо бўлдим

Тушиб бошимга офат, мен диёримдан жудо бўлдим,
Нетай такдир экан, гул юз нигоримдан жудо бўлдим,
Ётиб қисматда бори, дўсти-ёримдан жудо бўлдим,
Азизим, ота-онам, дилузоримдан жудо бўлдим,
Қолиб ғурбатда сарсон, ҳар на боримдан жудо бўлдим.

Паришондир хаёлим бу ҳаётнинг можаросида,
Етолмас охирига ҳеч ким, адо бўлмас балосида,
Сўнар тез завқи, боқий бўлмағайдир эҳтиросида,
Мусибат етди бошга, қолдим ҳайронлик аросида,
Бузилди ошиёним, рўзигоримдан жудо бўлдим.

Бари ўткинчидир, битгай қувончи-ғамни умри ҳам,
Азал қисматда оз битган экан, одамни умри ҳам,
Тугайди боқий эрмас, бу фоний оламни умри ҳам,
Дегайлар; йилни тўрт фасли каби, одамни умри ҳам,
Келибди энди «куз фаслим» «баҳорим»дан жудо бўлдим.

Вафоси йўқлигин асли, билардим охир оқибат,
Яна рўёби-орзулар, тилардим охир-оқибат,
Адашган бандаман, уммид қилардим охир-оқибат,
Гул ҳажрида қилиб нола, юрардим охир-оқибат,
Қафасда андалибдек, ихтиёримдан жудо бўлдим.

Қолибдирман букун ман, ғурбат ичра бир диёрим йўқ,
Ўзим афтода ҳолим ўнглагудек иқтидорим йўқ,
Балонинг каттаси ёнимда ҳеч бир дўсти-ёрим йўқ,
Нетай, бир дарбадардирман, қўлимда ихтиёрим йўқ,
Йўқолди қолмади, сабру-қароримдан жудо бўлдим!

Қилур кўнглимни пора, ҳар замон аввалгиси битмай,
Қутулмоқнинг иложи йўқ, экан бу дунёдан кетмай,
Азал қисматга мен таслим, неча оҳу-фиғон этмай,
Бўлиб Саҳвий каби, ғофил, азизлар қадрига етмай,
Келиб оқибат охир, эътиборимдан жудо бўлдим.

Навоий ғазалига Саҳвий Мухаммаслари

Ўртанур

Мен тилимни поклай олмасманки, мисвок ўртанур,
Ким дегайлар; «журмига мос, жисми нопок ўртанур,»
Бу жасад то пок бўлгунга қадар хок ўртанур,
Менда бир ўтдурки, гар дам урсам афлок ўртанур,
Асрасам кўнглумда, жону жисми ғамнок ўртанур.

Бўлса гар дил кимга мойил, кўзни юммасдан қарар,
Бунчалар фитна фасоддан, кимга етмайдир зарар,
Кўрмайин не чора бор, шу бўлса тақдири қадар,
Меҳр эмас оҳим ўтидин, кўкка етмиш бир шарар,
Айб эмастур гар десам, дам урсам, афлок ўртанур.

Шунча йил йўлдош бўлган, васваса шайтонни қўй,
Залолатда ўтди умринг, энди бас, ёлғонни қўй,
Ўртама ортиқ мени жонимни ол, имонни қўй,
Бас, таним ўртарга қонлиғ новакинг, ҳижронни қўй,
Барқ не ҳожатки, бир учқун бирла хошок ўртанур.

Борми бу дашт ичра мендек, телбаи ҳайронадек,
Эли юртидан жудо бўлган, ғариб, бегонадек,
Ишқида обод кўнгил, бўлди бугун вайронадек,
Шамъ ўтин моҳиятин, англай деган, парвонадек,
Оразинг меҳрини фаҳм айларда идрок ўртанур.

Ҳар кўнгил қаърида бордир бир сири, мастураси,
Фитналар тарихини, зикр этди, «Юсуф сураси,»
Бу наво, оҳанг бари, ишқ аҳлининг ашуласи,
Ишқ аро кўнглум неча, толпинса ортар шуъласи,
Ўтқа тушган телба қилғон сойи топок, ўртанур.

Кони зарар дину имонга, муҳаббат туйғуси,
Дилни забт этса муҳаббат, бўлғуси қалбинг бути,
Покиза фитрат олиб келгай гўдак эмган сути,
Ашк ювиб жисмим кудуратдин, қурутмиш оҳ ўти,
Ламъае тушгач узоринг барқидин, пок ўртанур.

Саҳвиё, билгил туганмас, дунёда ҳеч можаро,
Қанчалар фитна фасоддан, бўлдилар мотамсаро,
Бўлмасин банда азал тақдирида бахти қаро,
Эй Навоий, чун рутабдек, оташин лаъли аро,
Хаста кўнглум тушти, тонг йўқ, гар бўлуб чок ўртанур.

Бирор кун йўқ

Бирор кун йўқ дилим дунё матосин орзуманд этмас,
Қиёматнинг ҳисоби бунчалик кўнглимни банд этмас,
Бирор холис киши менга, насиҳат бирла панд этмас,
Мени мен истаган, ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Ҳамиша, ҳар киши оламда, кимдин истагай баҳра,
Биров ботил ҳаводан, ёки диндин истагай баҳра,
Бу осий музтариб, ё Раб, ки Сендин истагай баҳра,
Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае ондин тилармен баҳраманд этмас.

Қаноат қилмадим ҳаргиз нетай бори бисотимга,
Тағаййур қилмади тақдир азал айши нашотимга,
Ўзидин ўзгада чора эмас мавжуд нажотимга,
Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимга,
Аён ул заҳри чашм айлаб, ниҳон бул нўшханд этмас.

Хароб бўлди юрагим бу адо бўлмас маломатдин,
Ўзидан бўлмаса тавфиқ чиқолмассан залолатдин,
Давоси борми мажруҳ дилни соф этса жароҳатдин,
Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним ул банд-банд этмас.

Ғариб бўлдим узоқларда қолиб кетди диёримким,
Нетай ожиз бўлибман қўлда йўқдир ихтиёримким,
Мени ҳолимни танг қилган рақибмас, дўсти ёримким,
Керак ўз чобуки қотилваши мажнун шиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Тилин тийғи билан қилди баданни қиймаким охир,
Жароҳатланди бу тиғдан вужудим сўнгаким охир,
Мунофиқлик қилиб менга, насиҳат демаким охир,
Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгга каманд этмас.

Ажал етса кетарман бор бисотим шу кафанлик бўз,
Тугаб бормоқда дунёдан насибам бўлса не ризқ рўз,
Бугун дардини ошкор айлади Саҳвий, ёзиб дил сўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга, ул ўт узра сипанд этмас.

Зору гирёнман

Зору гирёнман жамолинг истабон жонон сени,
Ўртаниб ҳажрингда ёнди, ошиқи гирён сени,
Паришондир хотирим мен, кўрмасам бир он сени,
Кел-кел, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени,
Чехра очким, кўрмак истар дийдаи гирён сени.

Кўзларим нури жамолинга боқиб нур олмади,
Дардини достон этишдан, бу кўнгил уялмади.
Ҳажрида озурда дилга, не балолар солмади,
Эй ғазоли мушкбў, келким, қуюндек қолмади,
Водие ахтармаған, истаб бу саргардон сени.

Ишқ ўтининг сўнмоғи дерлар, висоли заъфдин,
Муҳаббатга бевафолик, эҳтимоли заъфдин,
Учди бошимдан ақл ҳушим, хаёли заъфдин,
Сен парий пинҳон учун, мен ҳам камоли заъфдин,
Ғойиб ўлдум эл кўзидин, кўргали пинҳон сени.

Не боло ким куйдирар, кўнглимга ишқ ўтин ёқиб,
Ой юзига булутлардан, пардаи исмат тақиб,
Ким етибдир мақсадига, ушбу уммонда оқиб?,
Қон аро гар ғарқасен, эй кўз, не тонгким, бир боқиб,
Зор кўнглумни чу қон эттинг, тутубтур қон сени.

Не ажаб Парвардигор, давлат етурсанг илгима,
Етмаган дил мақсадин, охир кетирсанг илгима,
Икки олам тахти-ла, бахтини берсанг илгима,
Гарчи мумкин йўқ, вале бир қатла кирсанг, илгима,
Борса бош, элдин чиқармоқ ўзга не имкон сени.

Асли бу майхонанинг, мақсуди сен, бил муғбача,
Бизни мосиво қилиб, тарк этмагил, эй муғбача,
Сенга мафтунман мени, маън этмагил, эй муғбача,
Кўз юзунгдин олмасам, айб этмагил, эй муғбача,
Айлай олмон дийдадин ғойиб мени ҳайрон сени.

Гарчи Саҳвий бўлди ёр, қуйинда зору — дарбадар,
Не қилур бечора банда, бўлса гар шундай қадар?,
Бўлгай, ишқиға вафодорлар, азизу мўътабар,
Эй пари, гар телбараб бўлмиш Навоий дарбадар,
Будурур мақсуд ангаким, истагай ҳар ён сени.

Бўлмаган бу эл

Бўлмаган бу эл тарихда, зулми султондан жудо,
Бир замон қўрқув, ваҳима, нола — гирёндан жудо,
Бир мусулмон ўлка бўлди, дину — имондан жудо,
Не наво соз айлағай, булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум, шаккаристондин жудо.

Адолат йўқ бўлса, инсу — жин, малакни, ўртағай,
Элни оғзига тутиб қўйсанг элакни ўртағай,
Бугун юртим дарди, мен — жони ҳалакни ўртағай,
Ул қуёш ҳажрида қўрқарман фалакни ўртағай,
Ҳар шарореким бўлур, бу ўтлуғ афғондин жудо.

Одамизод насли тенг, лекин ичинда ола қўп,
Зўравонлар дастидан нобуд бўлишган бола қўп,
Давру даврон сурдилар, Гулнора бирла Лола қўп,
Дема ҳижронимда чекмассен фиғону нола қўп,
Жисм айларму фиғон, бўлғач нафас жондин жудо?!

Гарчи дарбадар қилибдир, нотавон султон мени,
Раҳматидан мосиво қилган эмас, Раҳмон мени,
Зулмга қарши турай, тарк этгунинча жон мени,
Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Ё Раб, золим зулмини, ҳеч эл бошига солмағил,
Хатою мункар учун, биздан қасосинг олмағил,
Эй фалак, жавринг билан, бунча дилимни тилмағил,
Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил,
Ёрни мендин жудо, ё худ, мени ондин жудо.

Боғ аро кимки тиканни, гули раъно билдиким,
Ажабланманг бир эси паст, ўзни доно билдиким,
Нотавонларни кўринг, ўзин тавоно билдиким,
Васл аро парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани, шамъи шабистондин жудо.

Қазонинг ҳукмида бўлғай, банда ихтиёрсиз,
Буни англарсиз, ғариб қолганда, дил дилдорсиз,
Ватансиз қолмади Саҳвий, қолса ҳам дўст — ёрсиз,
Бир иёсиз ит бўлуб эрди, Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз, банда султондин жудо!

Тинглаб оҳимни

Тинглаб оҳимни менинг бу дардли достонимдин эл,
Бўлди безор оқибат, бу нола гирёнимдин эл,
Тарк этиб кетган менинг, кулбаи ошёнимдин эл,
Мен жаҳондин кечтиму, кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл.

Ватанга қайтмоқлик орзусида кўнгил тўлғонар,
Ким ахир ўз юртидан, ошёнидан мангу тонар?,
Ҳажрида ёнган кўнгиллар, кошки васлидин қонар?,
Тўш-тўшумдин баски, расволиғ ўти лов-лов ёнар,
Ҳар тараф йўлдин чиқарлар, ўтсалар ёнимдин эл.

Бу ғариблик шомиди дилнинг ғуруредур ҳазин,
Ҳижоз оҳанги каби куйнинг суруредур ҳазин,
Зикр ила тасбиҳ айтганда дурудедур ҳазин,
Бахтим уйқусиға гўёким, сурудедур ҳазин,
Кўйида буким уюмас, ҳар тун афғонимдин эл.

Одамизод ичра, номард кимса кўпдир, мардидин,
Ғарибларнинг ҳолини кўргилки ранги зардидин,
Борми бўлганлар халос, дунёда ҳижрон дардидин?,
Тонимаслар бир-бирин, ёққон мазаллат гардидин,
Сўрғали ҳолим, кириб чиққунча вайронимдин эл.

Бош олиб кетдим ватандин сарбасар, зеру забар,
Жондин азиз ақрабодан, топмадим ҳеч бир хабар,
Эй кўнгил, ҳам чекмагил ҳаргизки, Тангрим бохабар,
Менда тумори жунундек печ, ваҳким, бехабар,
Ҳар тараф кўнглумда қонлиғ, доғи пинҳонимдин эл.

Менга орзу бўлди қилмоқ, Ҳажни имон бирла тавф,
Тоату — тақво билан, ҳам адлу — эҳсон бирла тавф,
Доимо зикру ибодат, қўлда қуръон бирла тавф,
Истарам, эй Хизр, келгаймен қилиб жон бирла тавф,
Каъбайи кўйин, хабар топқунча борғонимдин эл.

Саҳвиё, гарчи ватансиз, дарбадар вайронаман,
Барибир меҳрини қўмсаб, ҳажри бирла ёнаман,
Ўзини ўтқа урар, гўёки бир парвонаман,
Эй Навоий, қилмағайлар айб, агар девонамен,
Ул пари васфин ўқуғон сойи девонимдин эл.

Равшан ўлди бир замон

Равшан ўлди бир замон, ҳусни камолингдин кўзим,
Ола олмасдим сенинг, қирмизи олингдин кўзим,
Кўрмади ўзгани қадди, навнихолингдин кўзим,
Онча кавкаб тўкти ғам шоми, хаёлингдин кўзум,
Ким ёруди оқибат, субҳи висолингдин кўзум.

Куйида куймоққа ожиз, жисм эрур бу турфаким,
Бу қисмат бизга азалдан, қисм бу турфаким,
Пок муҳаббат бўлса шайтон, хасм эрур бу турфаким,
Холдин кўз тийра бўлмоқ, расм эрур, бу турфаким,
Ёруди кўз мардумидек, турфа холингдин кўзум.

Туганмас дунёда ҳеч бу можаро, эй муғбача,
Ошиқ ўлганлар бари, бахти қаро, эй муғбача,
Ушбу ғамдин бу ғариб, мотамсаро, эй муғбача,
Қуй ақиқи май суҳайлий, жом аро, эй муғбача,
Ким ёрур ул ахтари, фархунда фолингдин кўзум.

Ҳажрида куйдим нетай, қисматда толеъ бўлмади,
Сакинат топмас киши, ризқига қонеъ бўлмади,
Лекин бу неъмат бари, одамга шоеъ бўлмади,
Васлингга еттим, бихамдиллаҳки, зоеъ бўлмади,
Улки қон йиғлар эди, ҳар дам хаёлингдин кўзум.

Бахтиёр бўлгай киминг, пешонаси шўр ўлмади,
Ким фироқ ичра яшаркан, ҳеч қачон зўр ўлмади,
Дилим оташи унинг тош қалбига кўр ўлмади,
Бу сабабдинким недин, сенсиз қолиб, кўр ўлмади,
Боқа олмайдур юзунгга, инфиолингдин кўзум.

Салтанат соҳибларин эл, иззат қилмоқ расм эрур,
Ғариб девонани гар, кўрганда кулмоқ расм эрур,
Аслида ҳар банда ўз, ўрнини билмоқ расм эрур,
Янги ой кўргач халойиқ, кўзни юммоқ расм эрур,
Лекин очилди кўруб, мушкин ҳилолингдин кўзум.

Шукр қил, Саҳвий ки бу неъмат муяссардир яна,
Назм мулкида Навоий, сенга раҳбардир яна,
Тилимда зикру сано, Аллоҳу Акбардир яна,
Шукрлиллаҳким, Навоийнинг мунаввардур яна,
Хоки пойингдин юзум, шамъи жамолингдин кўзум.

Кимда бор?

Бунчалар дарду ситамким, менда бордир кимда бор?
Юз туман битмас ярамким, менда бордир кимда бор?
Нотавон ожиз танамким, менда бордир кимда бор?
Дилрабо, сендин бу ғамким, менда бордир, кимда бор?
Фурқатингдин бу аламким, менда бордир, кимда бор?

Битмагай бу дил ғамиким, англадим огоҳдин,
Барча тақдири азал, қисмат эрур Аллоҳдин,
Сақласин Тангрим паноҳинда йиқилмак чоҳдин,
Мазраи айшим қўкармайдур, самуми оҳдин,
Йўқса, ёшдин мунча намким, менда бордир, кимда бор?

Шум рақибдин истама олмоққа қасдин, эй кўнгил,
Билмагай паст бўлса гар мардликни расмин эй кўнгил,
Ҳар ким ўз феъли била, билдиргай аслин эй кўнгил,
Қалби рўйандуд ила байъ этса васлин, эй кўнгил,
Доғидин мунча дирамким, менда бордир, кимда бор?

Бандаким орзу ҳавас йўлини тутса эй рафиқ,
Яхшидир, асли қазо ҳукмини уқса эй рафиқ,
Ёки бир орифи Биллоҳга йўлиқса, эй рафиқ,
Бор экан вобастаи тавфиқ, йўқса, эй рафиқ,
Бу қадар шавқи ҳарамким, менда бордир, кимда бор?

Мен каби ғурбатга маҳкум шом рўз ҳеч кимда йўқ,
Ғусса бирла мубтало гирён кўз ҳеч кимда йўқ,
Дард тўла ашъору девон, ғамли сўз ҳеч кимда йўқ,
Қўйма миннатким, юзимдек пок юз ҳеч кимда йўқ,
Бўйла ишқи пок ҳамким, менда бордир, кимда бор?

Ҳар на тақдир бўлса кўргунг, улки хоҳ, нохоҳдин,
Балки, уқбода улуғроқдир гадолар шохдин,
Бўлма озурда ўгит олгил расулуллоҳдин,
Бахт ул қасрига қўймас, йўқса дуди оҳдин,
Бу каманди ҳам-баҳамким, менда бордур, кимда бор?

Саҳвиё, ҳарна келибдур бошинга билгил синов,
Ҳар неки яхши ёмондир оқибат бордир сўров,
Тиклагил тавба биносин, журмунга бўлсин тўлов,
Эй Навоий, гарчи журмум кўптурур, лекин бу навъ,
Ҳусрави соҳибкарамким, менда бордир, кимда бор?

Малул

Эй биродарлар бўлибман, аҳли имондин малул,
Дема душман, балки барча дўст қадрдондин малул,
Айладим тарки ватан ҳам Ўзбекистондин малул,
Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул
Ким, эрурмен кимки ондин яхши йўқ, ондин малул.

Кетсаму ҳеч битмаган ташвишларим битсун мени,
Руҳи зоримни бақо сори олиб кетсун мени,
Тарк этай дунёни мен, дунёси тарк этсун мени,
Ҳажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсун мени,
Ким, эрур ҳар лаҳза мендин жону, мен жондин малул.

Тангри халқ этди халойиқни ибодат этгали,
Етмади ҳеч яхшиларга яхшилик, навбат гали.
Ўтди умрим дарбадарликда, фараж йўқдир ҳали,
Тенгри халқ этмиш мени гўё малолат чеккали
Ким, даме йўқким, эмасмен халқи нодондин малул.

Домига тортди бу гирдоб можаролар кўйида,
Маҳрам айлаб дилни мансабга гадолар кўйида.
Нақди умрим сарф этиб нафси ҳаволар кўйида,
Неча диним узра титрай дилраболар кўйида,
Эй мусулмонлар, бўлубмен кофиристондин малул.

Гар ҳаёт шудир начора, айлама сийнангни чок,
Узмагил Ҳақдин умидингни тананг бўлгунча хок,
Ноумидсизлик қилибдур одамизодни ҳалок,
Истасанг мақсад, қадам қўй, таън тошидин не бок,
Каъба тоши бўлмагон хори муғилондин малул.

Телба олам ошубига бўлмагил мафтун ўзинг,
Гар қаноат бўлмаса бил тўймагай асло кўзинг,
Билки, Ҳақ масъулидирсан бузмагил ҳаргиз сўзинг,
Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзунг,
Кўрмас эрди, бўлса гар сен зори ҳайрондин малул.

Саҳвиё, қилгил тадорик келди куз ҳам, ўтди ёз,
Имтиҳон дунёсида умринг имоди қисқа оз,
Бил ғанимат борида имкон берилмас қайта боз,
Эй муғанний, тут «ироқ» оҳангию кўргуз «ҳижоз»
Ким, Навоий хотири бўлмиш «Хуросон»дин малул.

Ўтиб бормоқда умрим

Ўтиб бормоқда умрим бу ҳаётнинг йўқи боринда,
Бирининг бориға мамнун, бирининг оху зоринда,
Қазони рад қилиш имкони йўқ, қул иқтидоринда,
Бир ой ўтти мени маҳзунға, бир ой интизоринда,
Ки, не кўнглум эрур ҳушинда, не ҳушум қароринда.

Қаранг кимлар куйиб кул бўлмади бу ишқ балосинда,
Неча фазл аҳли парвона кўйининг ибтилосинда,
Дилимнинг мулки ғорат бўлди ҳажрин истилосинда,
Ичим фурқат балосинда, тошим ҳажр ибтилосинда,
Таним ишқ изтиробинда, ўзум шавқ изтироринда.

Сабоҳимни нурафшон айлағай гул юзи нур сочғоч,
Ҳажрнинг шоми бошланғай қуёш ўз пардасин ёпғоч,
Фироғи зулматин ким истағай, васли шамъин топғоч,
Юзунг ҳажрида туфроғ ўлдум ул янглиғки, ел қўпғоч,
Қуёш чиқса, падидор ўлмағай жисмим ғуборинда.

Гули раъно каби юзингдин ўртанди ғариб диллар,
Нега нола қилур гул юзли ойга телба кўнгуллар,
Демак, гулларга ошиқдир, навосоз қилса булбуллар,
Юзунг майдинки гулгул бўлди, йўқ жаннатда ул гуллар
Ки, бир-бир очилибдур, олами ҳуснунг баҳоринда.

Навосоз булбулга душман қарға, қузғун ва лочинмиш,
Азал тақдирда битгани шу бўлса, қайга қочилмиш,
Ҳаётингнинг баҳорин боғида, бу гуллар очилмиш,
Дегайким: бўстон афрўз ичинда тухми сочилмиш,
Биравким холлар кўрса, узоринг лолазоринда.

Хаёлингдан ҳамиша нотавон қалбим ҳузур олғай,
Юзинг шамъига парвона каби ўтға ўзин солғай,
Агар васлига етмассан, бу қайғу қайға йўқолғай,
Тишинг шавқида ғалтонлиғ аро, юз гўшада қолғай,
Агар инжу ўзин солса, дури ашким қаторинда.

Қаю дилга агар ишқ оташидин имтиҳон бергай,
Не тонг васлини топсанг, топмасанг дарди ниҳон бергай,
Бу дард на ўлдириб товон берурким на омон бергай,
Майи васлинг қаниким, нашъаси жисмимға жон бергай,
Бу янглиғким, ўлум ҳолинда мен, ҳажринг хуморинда.

Ҳусн мулкини султони гадонинг ҳолини сўрмас,
Бу давлатда фаровонлик, адолат барқарор турмас,
Садоқат неъматин билсанг дили тош кимсага бермас,
Менинг, ё дўстнинг журми дема, ишқимниким эрмас,
Менинг ҳам ихтиёримда, анинг ҳам ихтиёринда.

Ғаниматдир бу дунёси амал қилгай киши билса,
Умидингни йўқотма раҳматидин танда жон бўлса,
Ажабмас комига етсанг ғариб Саҳвий кўнгил тўлса,
Қуёш чиққандек ўлғай, тийра тун ичра ул ой келса,
Навоийнинг фироқ ичра, қорарған рўзгоринда.

Ўхшамас

Қалбни тақвоси бу дам, аввалгиларға ўхшамас,
Дилдаги қайғу алам, аввалгиларға ўхшамас,
Беҳуда ҳою-ҳашам, аввалгиларға ўхшамас,
Қўнглум ичра дарду ғам, аввалгиларға ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам, аввалгиларға ўхшамас.

Бормикан оламда бир кас, бўлмаган наҳс қўйнида,
Ҳар кишини шумлуғи, бўлғай ўзининг бўйнида.
Қилмагай собитқадам 'ҳақ йўл аро ҳар кимнида,
Не ситамким қилса раҳми, махфий эрди зимнида,
Эмди қилса ҳар ситам, аввалгиларға ўхшамас.

Бўлмағайдир танламоққа, ихтиёр ҳусн ичраким,
Бе бақодир кимки топса, эътибор ҳусн ичраким,
Ой юзида қанчалик бордир ғубор ҳусн ичраким,
Демангиз Ширину Лайли, онча бор ҳусн ичраким,
Хўблукда ул санам, аввалгиларға ўхшамас.

Найлайин, гар қилса рағбат, турли тухмат сўзга ёр?,
Қисмати ишқ аҳлини шу, илғамасмиш кўзга ёр,
Не ажаб жавру ситамлар, қилса энди сизга ёр,
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр.
Ўлмишамки, бу алам, аввалгиларға ўхшамас.

Эй дилим маҳбубаси, меҳримни рад этманг мени,
Масканим байтул ҳазанда, тарк этиб кетманг мени,
Бас, ғариб кўнгилни қийнаб, бунча қақшатманг мени,
Ишқ аро Фарҳод ила, Мажнунга ўхшатманг мени,
Ким бу савдои дажам, аввалгиларға ўхшамас.

Менга оламнинг яралмиш сирридан айтманг яна,
Мен бу сир огоҳиман, кўнглимни ўкситманг яна,
Эй диловарлар дилимни, забт этиб, кетманг яна,
Қўйининг эҳромидин кўнглумни ман этманг яна,
Ким анга азми ҳарам, аввалгиларға ўхшамас.

Мутаносиблик шудир, зулмат зиёнинг хасми ким,
Бу ҳаёт қонунидир, подшоҳ гадонинг нисби ким,
Саҳвиё бўлса неки қисмат, қазонинг касби ким.
Эй Навоий, қилма Жамшиду Фаридун васфи ким,
Шоҳ Ғозийга карам, аввалгиларға ўхшамас.

Кўзи қаросинму дейин

Ибтидосинму дейин, ё интиҳосинму дейин?,
Эҳтиросинму дейин, ё ихтиросинму дейин?,
Эътирофинму дейин, ё изтиробинму дейин?,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?,
Кўнглима ҳар бирининг дарду балосинму дейин?!

Қалби наҳринми дейин, ё дилда аҳдинму дейин?.
Амри саҳлинму дейин, ё инжа қаҳринму дейин?.
Фоний даҳринму дейин, ғам тўла баҳринму дейин?,
Кўзи қаҳринму дейин, киприки заҳринму дейин?,
Бу кудурат ичра рухсори сафосинму дейин?!

Чарх гардунми дейин, ё дунёи дунми дейин?,
Дилни гардинму дейин, ё дардисардинму дейин?,
Бу хайрдинму дейин, ё шум хабардинму дейин?,
Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин?,
Ушбу қаттиқ дард аро, васлинг давосинму дейин?!

Эҳтироминму дейин, ё интиқоминму дейин?.
Дил баёнинму дейин, меҳри аёнинму дейин?,
Имтихонинму дейин, савти саломинму дейин?,
Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин?,
Бирининг қаддин, яна бирнинг адосинму дейин?!

Ҳажри ҳолинму дейин, ишқин маҳолинму дейин?.
Ё висолинму дейин, ёким малолинму дейин?,
Кўп саволинму дейин, қоши ҳилолинму дейин?,
Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин?,
Мовий кўнглак узра гулранги қабосинму дейин?!

Ўзни мажнунми дейин, ашкимни жайҳунми дейин?.
Сув эмас хунми дейин, мунглиғ нидом унми дейин?,
Кун манга тунми дейин, аҳбобим анжумми дейин?.
Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин?,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?!

Саҳвиё, аҳли шуаро, билмаган касбини айт?,
Ҳар бирини назм боғида, насаб наслини айт,
Шеър ёзишлик муҳлати етган замон фаслини айт,
Эй Навоий, дема қоши кўзининг васфини, айт,
Қошу ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?!

Найлайн

Бевафо бўлса, кўзи қоши-қарони, найлайин,
Кўнглим олмас ҳеч, ўзи кўнгилда жони, найлайин?,
Ҳар замонда бор экан, даврин ёмони, найлайин?,
Кўргузар ағёр юз тухмат ниҳони найлайин?,
Ёрким, сўрмай инонур, бу балони, найлайин?!

Одамизод ношукр ва бесабр бўлган мудом,
Ҳақни фазли бирла бўлгай, бўлса нуқсони, тамом,
Ҳақ ризосин истамакдин ўзга мақсадлар ҳаром,
Юз жафо элдан чекиб, бу ким жафогарликга ном,
Эл аро пайдо қилибман-бу жафони найлайин?!

Топмадим истаб, нетай, ўтди умр дилдорсиз?,
Мисли Булбулдек қолибдирман, гулу-гулзорсиз,
Кўп оғир бўлгай, ғариб бўлса киши, дўст-ёрсиз,
Кимни дади бўлса, ёр айлар даво, мен ёрсиз,
Дард аро ўлдим, бу дарди-бедавони найлайин?!

Сен эшитгил айтайинким мен санга сўз, эй кўнгил,
Мосиволлоҳдан умидинг бўлса гар, уз, эй кўнгил,
Эътимодинг бўлса одам зотига, буз, эй кўнгил,
Дам-бадам қонимга тонуғлик берар кўз, эй кўнгил,
Билмон-ул гардомани, юзи-карони найлайин?!

Тушди бошимга ҳаётда, найлайин турли-жафо?,
Чекдиму кўп изтироблар, қолмади дилда сафо,
Қилмаган ҳеч кимга дунё, қилмагай сенга вафо,
Юз вафо айлаб халойиққа, кўрибман минг жафо,
Айламай Холиққа энди, илтижони, найлайин?!

Саҳвиё, қисмат эканда, энди ҳижрат қилмоғим,
Қолмади имконим энди, бу ватанда турмоғим,
Ҳар неки тақдир битибдир, лозим эркан кўрмоғим,
Эй Навоий, чун ватанда, бир нафас дам урмоғим,
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай жалони найлайин?!

Бўлдим санга

Не ажиб қисмат бўлибдир, маҳлиё бўлдим санга?,
Эшитиб савтинга мафтун, истимо бўлдим санга,
Билгали ҳолингни муштоқ, доимо бўлдим санга,
Кўргали ҳуснингни зору, мубтало бўлдим санга,
Не балолиғ кун эдиким ошино бўлдим санга?!

Дилраболар фитнасини узмагил диндин кўнгил,
Охиратни бермагил бой.тарк этиб ундин кўнгил,
Олма оромимни кетгил, тарк этиб мендин кўнгил,
Ҳар неча дедимки кун кундин узай сендин кўнгил,
Ваҳки, кун кундин батарроқ мубтало бўлдим санга.

Кўзга илмай, эътибор этмай, дилимни доғладинг,
Билмадим қайдан мени меҳринг ипига бойладинг?
Сен ўзингни аҳли нокаслар ичинда жойладинг,
Ман қачон дедим вафо қилгил, манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг, “фидо бўлгил» фидо бўлдим санга.

Эй кўнгил бу ғам била, озурда бўлдинг бу сифат,
Ҳам мени бошимга мундоқ ғалва бўлдинг бу сифат,
Ҳажрида девонавор ошуфта бўлдинг бу сифат.
Қай пари пайкарға дерсан, телба бўлдинг бу сифат,
Эй пари пайкар на қилсанг қил манго, бўлдим санга.

Дардинга истаб даво, дунё кезиб, сайёра бўл,
Чорасиз бечораман, мен чорасизга чора бўл,
Энди не фойда сиринг пинҳон тутиб, ошкора бўл,
Эй кўнгил тарки насихат айладинг, оввора бўл,
Юз бало етмасмиди, мен ҳам бало бўлдим санга.

Энди ёдинг дилни қаърида ғарибимдур мудом,
Ўртагай қалбимни гоҳо, музтарибимдур мудом,
Топмади дил мақсадин, кўпдир рақибимдур мудом,
Жоми Жам бирла Хизр суйи, насибимдур мудом,
Соқие, то тарки жоҳ, айлаб гадо бўлдим санга.

Саҳвие, оламда ҳаргиз битмагайдир можаро,
Тангриға қил илтижо ким, бўлмағай бахтинг қаро,
Дилни хуш тутғилки доим, юрмагил мотамсаро,
Ғусса чангидин навое, топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру, бенаво бўлдим санга.

Доимо озурда дил

Доимо озурда дил, даври замонимдин менинг,
Ҳақдин ўзга беҳабар, сирри ниҳонимдин менинг,
Қасди бор ҳижронни жисми, нотавонимдин менинг,
Бир хабар бер, эй сабо, сарви равонимдин менинг,
Ким, куяр жон лоладек, моҳи тобонимдин менинг.

Дилимнинг орзуси бўлган, турмушидан айруман,
Ёки ҳақ аҳлини қилган, қилмишидан айруман,
Ҳажрида оввора бўлдим, ҳақ ишидин айруман,
Ногаҳон фикр айласамким, не кишидин айруман,
Мен билурмен не кечар, ул лаҳза жонимдин менинг.

Дилда туғён урмаса, ишқинда ёнмасдир ғариб,
Кезиб Мажнундек буюк саҳрони, бўлмас музтариб,
Дилга дил хос бўлмаса, кўнгилга бўлмасдир ҳабиб,
Заъфдин, войким, ўзумни фаҳм қилмайдур табиб,
Гар бурун бемор эди, ашки фиғонимдин менинг.

Сабъаи сайёр каби, дунёни кезган дарбадар,
На муқимсан, на мусофир, зарра ўзгармас қадар,
Аҳли дил олдинда бўлгандир бу маъни, мўътабар,
Бир насимеким келур, ул соридин, сўрдум хабар,
Кўнгул отлиғ бир ғариби, нотавонимдин менинг.

Дилга ўт тушса, муҳаббат учқунидан, қай замон,
Лаъли зилоли билан, сўндирмаса топмас омон,
Ҳажрида куйдирмаса ўт, васлидан қонмайди жон,
Носиҳо, куйган юрак исланғонин қилмас ниҳон,
Худ сабо англатмиш элни достонимдин менинг.

Муҳаббат достонларинда, бўлса афсона бари,
Одамизод ишқ, вафо, қадрин тушунган илгари,
Йўқолмоқда садоқат қадри, вақт ўтган сари,
Сончилур ҳар соридин, жонимға ҳижрон ханжари,
Ўқ киби, ул қоши ё, то борди ёнимдин менинг.

Қиров кўнибди сочимга, оқарибди толадек,
Энди лозим кўзларим, ёшлар тўкишлик жоладек,
Кўринг Саҳвийни ғазал, шайдосидур, ёш боладек,
Эй Навоий, мақбарамдан бош чиқарган лоладек,
Доғи кўнглумдин менингдур, ранги қонимдин менинг.

Зулму султондин халос

Бўлмади бечора халқим, зулму султондин халос,
Динфуруш айёр фирибгар, мулла, эшондин халос,
Бўлди, оқибат бу миллат, дину — имондин халос,
Бўлдилар охир шарафдан, шавкату — шондин халос,
Жон етиб оғзимға, топмон дарди ҳижрондин халос,
Жонни ҳижрондин халос эт, ё мени жондин халос.

Бунчалик хору залил бўлган, бир эл-ким, бўлмагай?!,
Зулм ила обод ватан, бўлгайми, бил-ким, бўлмагай?!,
Бунчалик золим киши дунёда балким, бўлмагай?!,
Дин ила инсофи бўлсин, юртбоши, ким бўлмагай,
Андоқ очти сунбулин гул узра ел-ким, бўлмагай,
Бир кўнгул оламда ул зулфи паришондин халос.

Кимни бағрин қон қилмас, бўлса ғамли туйғу-ким?,
Шоирни давронга илҳом берди ушбу қайғу-ким,
Шу сабаб девонида, бўлди шу маъни урғу-ким,
«Ёр юзида қолмасин, бу зўравонлар турқи-ким!»,
Дема, нолангдин учар, ҳар шом элдин уйқуким,
Туннинг ул бошида эл эрмасди афғондин халос.

Биз ғарибга тупроғи аъло кўрингай мушқдин,
Ғариб кулбам мен учун афзал эдику кўшқдин,
Қуймаган ким бор ватанга, соф муҳаббат, рашқдин?,
Йўл очилса бир куни борсам кириб мен эшиқдин,
Гарчи ер топтинг кўнгулда, ваҳм эт оху ашқдин,
Ким кириб вайронға, бўлмас кимса тўфондин халос.

Бу ғариблар шунча йил, зулматни кўтарди не тонг?,
Зулмни йўқ қилса элдин, келиб бир марди, не тонг?,
Келса бир кун, бўлса алвон, эл юзин зарди, не тонг?,
Ажабмас, кетса ғубор босган дилим гарди, не тонг?,
Ёғса мажнун кўнглум узра, шўхлар дарди, не тонг?,
Телба атфол ичра бўлмас, санги борондин халос.

Нотавон ожизлигим олдим-ку тан, Тангри учун,
Бўлмасин ҳеч кимса мендек беватан, Тангри учун,
Ҳижрат қилиб, тинч яшарман нисбатан, Тангри учун,
Сенга озодлик тилайдирмен ватан, Тангри учун,
Истамас бир-бирни сенсиз жону тан, Тангри учун,
Ким они мундин халос этгил, муни ондин халос.

Соғиниб истаб ватанни, зор ҳажридин кўнгул,
Йўқотган ороми дўст ёр, ҳажридин кўнгул,
Қавму қардошим ила дийдор, ҳажридин кўнгул,
Ушбу ғамдин кечалар бедор, ҳажридин кўнгул,
Ҳажр уйи ичра қоболмиш, ёр ҳажридин кўнгул,
Ваҳ, қачон бўлғай бизинг тутқун бу зиндондин халос?!

Истасанг қалбинга ором, дилга дилдор истама,
Бевафо бўлғай гўзаллар, ҳеч гўзал ёр истама,
Кеча — кундуз тинмайин, дунёни бисёр истама,
Бўлмагай ҳаргиз вафоси, беҳуда, зор истама,
Жом давридин халос ўлмоқни зинҳор истама,
Эйки, бўлмоқ истадинг, андуҳи даврондин халос.

Тингламас Саҳвий, «дилинга, илтимос этгил», десам,
«Бир ўзингни ўзгалар бирлан, қиёс этгил», десам,
«Ҳаққа илтижо қилиб, раҳматга мос этгил», десам,
«Тавба тазарруъ қилиб, фазлинг хос этгил», десам,

«Банди зулфунгдин Навойни халос этгил», десам,
Дерки: «бўлмас, бўлмағунча ҳукм султондин, халос!»

Топмадим

Мен бу кундан фитналироқ имтиҳоне топмадим,
Бунчалик, беҳад адолатсиз замоне топмадим,
Бугун имон аҳлидан, ҳоли ёмоне топмадим,
Зулм кўп кўрдим вале, золимга монеъ топмадим,
Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон бача қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Мен элимда ушбу кун собит қароре кўрмадим,
На ўзига на сўзига эътиборе кўрмадим,
Бу диёрда қиш тугаб, бўлган баҳоре кўрмадим,
Қадр қимматни йўқотган, номус — оре кўрмадим,
Ғам била жонимға еттим, ғамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим.

Топмади мазлум бу миллат зулму султондан омон,
Бўлмаса бир чораси бирла иложи бу ёмон,
Бир ёруғликни кутибон интизордирмиз ҳамон,
Қайда қолгандир буюк меросимиз, шавкат ва шон?,
Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,
Бир камон абруда тузлукдин нишоне топмадим.

Биз бугун кетмоқдамиз чуқур бир жарлик томон,
Бу аҳволни ўнгламоқ осон бўлиши даргумон,
Яхшидир чиқсак ёруғликка тўкилмай зарра қон,
Мен умидворман келишини шу кунлар бир замон,
Қўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча пайкон, гул тикон,
Даҳр боғи ичра мундоғ гулситоне топмадим.

Мен бу дунёда ИАҚдек, шоҳи золим кўрмадим,
Бунчалар кўп сақлаган кек, шоҳи золим кўрмадим,
Асли насли бўлмаган бек, шоҳи золим кўрмадим,
Заҳри ниш урган тикандек, шоҳи золим кўрмадим,
Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,
Ишқ кўйида ўзумдек нотаवоне топмадим.

Ҳалок бўлган зўравон кўр, кун фая кун қиссасин,
Тавба қилгач нажот топди, ўқи Зиннун қиссасин,
Ибрат олмоққа етар, кўр дунёи дун қиссасин,
Қай бирини айтайин мен сенга бу, Кун қиссасин,
Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин булжажаброқ достоне топмадим.

Кошки, ер ютса бу золим, ўрдасин, юз қатла ҳайф,
Лаҳадга ем қилса нопок мурдасин, юз қатла ҳайф,
Ёки, еса турманинг мошхўрдасин, юз қатла ҳайф,
Хор бўлиб изласа бир нон бурдасин, юз қатла ҳайф,
Табъ ганжидан маоний хурдасин, юз қатла ҳайф,
Ким нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим.

Топмадим излаб бу дардимга давоий гарчи мен,
Қилган орзуи сароб, ақли ҳавоий гарчи мен,
Адолат истаб кураш қилмоққа доий гарчи мен,
Саҳвий бўлгандир таҳаллусим, «Хатоий» гарчи мен,
Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

Машраб ғазалига Саҳвий мухаммаси

Қаю дилга агар тушса, бу ишқ ўти ёмон ўртар,
Кишида қолмагай тоқат, ҳамиша ҳар замон ўртар,
Бу дардга мубтало бўлган юракларни ҳамон ўртар,
Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баёт этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Бу дард ила куйиб ёнган кишида қолмагай армон,
Муҳаббат ўтида куймоқлик ошиқ дардига дармон,
Насиб этмас ҳаётда ҳар касига бу каби имкон,
Кишига ишқ ўтидин зарраи етса, бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар.

Манга дунё ғамидин сўз демангким барчаси ёлғон,
Манинг қалбимга бу ғам сиғмағайдир ман дили бирён,
Бу ишқ водийсига кирсанг, бўлар тақво уйи вайрон,
Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард ила бўлуб ҳайрон,
Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни фиғон ўртар.

Умидим бўлса равшан бу ғариб кулбам чироқингда,
Асир бўлган дилим эй дилбарим меҳри тузоқингда,
Дилимни ўртагай соғинч васолинг иштиёқингда,
Мени бехонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,
“Нигоро!” деб отинг айтсамки, шавқингдин забон ўртар.

Дер эрдим бу кўнгил дардини мардумдан ниҳон айлай,
Иложим қолмади ортиқ яширмоқни аён айлай,
Маломатгўй маломат айламоғин даргумон айлай,
Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгақларни ниҳон ўртар.

Манга султон бўлишдан ортиқ олдинда гадо бўлмоқ,
Начук давлат ки ушшоқ аҳлига бир муқтадо бўлмоқ,
Санга дардим аён этсам, эмас мумкин адо бўлмоқ,
На қаттиғ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,
Менинг оҳим ўтиға бул замини осмон ўртар.

Дилимдан қайғуни тарқат ки, менда қолмади тоқат,
Кўнгил орзусидир марқад ки, менда қолмади тоқат,
Нигорим айлагил шафқат ки, менда қолмади тоқат,
Юракда дарду ғам қат-қат ки, менда қолмади тоқат,
Агар бу заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўртар.

Мен ҳижрон шомиди тушган, бу аҳволимни билмассан,
Ҳаётинг борида ёринг висолин орзу қилмассан,
Будир ғамнинг асоси, бошқа ғамни энди кўрмассан,
Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,
Унум чиқса юракдин, бу тану жон, устихон ўртар.

Кирибсан аҳли ушшоқ хайлига, ҳеч ортидан қолма,
Неча қайтарсалар йўлингдан ҳаргиз маслаҳат олма,
Кейин Саҳвий каби, ўз манзилинга етмайин толма,
Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошиға солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

Ёдгор Обид ғазалига Саҳвий Мухаммаси

Бунчалар қийнаб мени бу дард ёмон ёндирмаса?
Хаста руҳимни бу жисми нотагон ёндирмаса?
Етмагайму бунчалар қийноқ ҳамон ёндирмаса?!
Ёнмагай эрдим агар қаҳри замон ёндирмаса,
Қаҳри замон ёндирмаса,заҳри инсон ёндирмаса!

Эй фалак,коринг кўнгилларни хузул этмак фақат,
Ўртагон бу ўтда кўнглимни ғуборини йўқот,
Гул каби аслин яширгайдир юракда қатма қат,
Тош каби кўнгил сукутлар, сақлагай эрди фақат,
Тош юрак заҳми сабаб пажмурда жон ёндирмаса?!

Етди бошимга бугун номард рақиблар зарбаси,
Балки бу асли азал қисматни бизга зардаси,
Жон қушига бир қафас бўлган жасаднинг мурдаси,
Қон бўлиб оққаймиди бу кўзларимнинг пардаси,
Зору зорлар гоҳ ошкор,гоҳ пинҳон ёндирмаса?!

Олам узра устувор қилсак эди, Ҳақнинг сўзин,
Қоплагай эрди адолат шунда бу ернинг юзин,
Билмагай одам ҳаётнинг мазмунин, билмас ўзин,
Гоҳ тун тинмас ҳаёл излаб адолат юлдузин,
Этмагай тақдир насиб, гар беомон ёндирмаса!

Руҳи дил озуқаси бўлмиш Ҳудонинг тоати,
Қолмади дунёда ўзга энди кўнгил роҳати,
Эй биродарлар яқин қолди қиёмат соати,
Бул вужуд додига дош бергайди дилнинг тоқати,
Гоҳ билиб, гоҳ билмайин дўсти нодон ёндирмаса?!

Дунёда уздик бугун ҳузри ҳаловатдан умид,
Дўсти душманлар аро битмас адоватдан умид,
Дил мулодин топмади қолди қиёматдан умид,
Бир томон ёру диёр, бирён адолатдан умид,
Дермидим оҳ, гоҳ у ёну, гоҳ бу ён ёндирмаса?!

Саҳвиё, дилга шифо истаб ғазал битгум яна,
Илтижо этмай мен ожиз бандаман нетгум яна?,
Истабон Тангрим ризосин Ўзига қайтгум яна,
Ёна, ёна, кун етиб, шукроналар айтгум яна,
Бул сабил жонни имон, ёки армон ёндирмаса?!

Ёдгор Обид ғазалига Саҳвий мусаддаси;

Гарчи бўлган нотафонликга гирифтор ҳолатим,
Ғам тўла дунёни тарк, этмоққа тайёр ҳолатим,
Яратганнинг раҳматидин, кўп умидвор ҳолатим,
Шеърларим қилгай баён, аслида не бор ҳолатим,
Қилмадим умрим бўйи кимсага изҳор ҳолатим,
Не насиб эрмиш — эрур, ўзимга ошкор ҳолатим.

Бугун олам узра кўп, ғавғо қилурлар баъзилар,
Бир бирин қонин тўкиб, «тақво» қилурлар баъзилар,
Одамийлик расмини, расво қилурлар баъзилар,
Эл аро кўп фитналар, пайдо қилурлар баъзилар,
Билмайин ҳолим недур, иғво қилурлар баъзилар,
Барча иғво аҳлига манбаъи асрор ҳолатим.

Гарчи лозим айламоқ, ҳар ишда инсон машварат,
Чунки, қилмоққа буюрди бизга қуръон, машварат,
Қани бу кунда аҳиллик, қайда қолғон машварат?,
Хўжақўрсинга қилингай, баъзи ёлғон машварат,
Ўз — ўзимла айласам гоҳида пинҳон машварат,
Дер кўнгил «тарк этмагай ҳақ йўлни зинҳор, ҳолатим».

Мустақиллик, хурриятни, гарчи қилгандик ҳавас,
Оқибат ким қочди элдан, кимнидир жойи қафас,
Юртимиз ўнгламади, юртбошини босдику нас,
Бўлдику бу элни қадри, оқибатда хору — хас,
Эл учун эрк изладим, гоҳ изладим эркин нафас,
Шум ғаним йўл бермади, айлади абгор ҳолатим.

Мустабидлар адолатни икки пулга сотдилар,
Ким талаб қилса агар эркин, омонсиз отдилар,
Эрксевар фарзандларини, бирма — бир йўқотдилар,
Бошимизга бу ғарибликнинг юкини ортдилар,
Тош бошимга тош отиб, бўйнимга сиртмоқ тортдилар,
Жон қушим кетди бадар, ёт элда зор- зор ҳолатим.

Ватанпарварларни душман айлашиб қилдилар оқ,
Ушламоққа ҳар тарафда, йўлда кўйдилар тузоқ,
Тарқалиб ҳар ёнга кетдик, дилда кўп дарду фиरोқ,
Бора олмасмиз ватанга, энди биздан кўп узоқ,
Қайда бўлдим — бўлмадим, эл — юрт ғамидин ҳеч йироқ,
Гарчи бу дард жон олур, олурда душвор ҳолатим.

Дунё бўйлаб бугун бу эл, чор тараф дайдиб юрар,
Баъзи элларда қароқчилар тутиб, ушлар, урар,
Мамлакат аҳли қоронғу, совуқ уйда жим турар,
Ўрмаяпди, гар мақол бор, “Ҳар ким экканни ўрар”,
Оч етимлар бошини кимлар силаб, кўнгил сўрар,
Шул оғир ўйлар билан гоҳ — гоҳи бедор ҳолатим.
Кошки эрди бу ҳолатни кўрмаганда кўзларим,
Элни бу аҳволидан қоп қора бўлди юзларим,
Ўтди умримнинг баҳори, ёзи, келди кузларим,
Беватан қолмоқда ортимда ўғиллар, қизларим,
Ер қучиб, тупроқ ютиб сочдим аламкаш сўзларим,
Ҳар сўзим — дил суврати, акс этар такрор ҳолатим.

Саҳвиё, элга мудом таклиф этарман ҳақ йўлин,
Келмоғин бир кун диёримга кутарман ҳақ йўлин,
Мадҳ этиб шому саҳар, дoston битарман ҳақ йўлин,
Умидим борки висолига етарман ҳақ йўлин,
Куйса гар жон, куйса тан — собит тутарман ҳақ йўлин,
То ўлим тутмай ёқам — этмоққа иқрор ҳолатим.

Холдор Вулқон ғазалига Саҳвий Мухаммаси

Фасли хазон зимнида ғамхонани кўрдим,
Боқдим бу ҳазин дилга ғарибхонани кўрдим,
Ҳижрон тунида кўзлари мужгонани кўрдим,
Вах, кузги дарахт шаклида ҳайронани кўрдим,
Ёлғиз ва ғариб, бир дили вайронани кўрдим.

Кошки ғариб дардига эм бўлса шамоллар,
Ёрни лабидан олса ширин бўса шамоллар,
Дилни алам ғамларини олса шамоллар,
Жим – жит кўчада ўйнади раққоса шамоллар,
Чарх урди хазон гирвати, парвонани кўрдим.

Куйдиради ҳадри билан айласа нозлар,
Ошиқ дилини ўртар экан, нағмаю созлар,
Бунча азоб, бунча ширин инжа овозлар,
Дарчам ёнидан ўтди учиб ёввойи ғозлар,
Ҳижрон тўла дил аксида девонани кўрдим.

Тақдири азал битдику даргоҳида, ё, Раб,
Йиғлайди кўнгил, қолса ҳажр чоҳида ё, Раб,
Туғён уради вулқонлар ҳам гоҳида ё, Раб.
Қушлар уясин тутди дарахт шоҳида, ё, Раб,
Инларга боқиб ғам тўла паймонани кўрдим.

Бизга омонат аслида танда бу жонлар,
Таърих қаърида қолгуси тез ушбу замонлар,
Ўлди умид висолидан дилда шу онлар,
Заъфар капалаклар каби учганда хазонлар,
Баргларга кўмилган кўча, остонани кўрдим.

Уммонлар ошиб топган элим бўлди, Торонто,
Келгинди қочоқ қавми билан тўлди, Торонто,
Қайси ғариб дилга сиғар кулги, Торонто,
Йўлларга хазонлар тўшади кузги Торонто,
Боққанча чинор баргига Фарғонани кўрдим.

Бир Ўзинга хосдир мени зикри дурудим,
Кошки, бу ғамгин дилима келса сурудим,
Бир бандасиман якка ул Аллоҳга сужудим,
Қалбимда Худо, Каъбага ўхшайди вужудим,
Сипқорғали ИШҚ бодаси, майхонани кўрдим.

Саҳвийнинг кўнгил оинаси қолдида музлаб,
Мақсадига етолмай дил қолдида бўзлаб,
Мен шу сабаб дарду ғамим айтайин сўзлаб,
Дўст топмади Вулқон бу жаҳон мулкида излаб,
Ҳар ерда ғаним, ваҳшати бегонани кўрдим.

Саҳвий Мусаддаслари

(олтилик)

Ичинда

Яшар экан Одамзод турли замон ичинда,
Гоҳ қуруқлик гоҳ сувда, турли макон ичинда,
Турли миллат турли ирқ-турли забон ичинда,
Гоҳ иссиқ-гоҳ совуқ-гоҳ, қору-бўрон ичинда,
Қўрдим бор экан турли, йўллар жаҳон ичинда.
Ҳар ким ҳар хил маслагу, ҳар хил гумон ичинда.

Қўрсин текшириб бўлса, ҳар кимки илми толиб,
Кетмагай оқил инсон, тўғри келганни олиб,
Танла бир ақидани, кетма бир четда қолиб,
Айт ўз сўзи-фикрингни, юрма тағин уёлиб,
Ҳар ким ўзича Ҳақдир-ҳар ким ўзича ғолиб,
Оқибат бўлур маълум-охир замон ичинда!

Маълум бўлар ҳар кимга-қандай амалларинг бор,
Ҳақ йўл фақат биттадир, залолат йўли бисёр,
Ҳидоят йўлини топ ҳозирча бор ихтиёр,
Шу йўлда яшаб ўтган банда бўлур бахтиёр,
Жаннатни йўли битта-бундан бошқаси бекор,
Бу йўлни Парвардигор-айтди, қуръон ичинда.

Залолатга ҳамроҳдир, доим шубҳаю-гумон,
Дунёда ҳам ҳақ-ноҳақ, билиниб турар аён,
Ким мунофиқ, ким мушрик-ким ҳақиқий мусулмон,
Синов келса, имонни сақламоқ бўлмас осон,
Дуо қил, интил ҳар он, саломат қолсин имон,
Фарқи йўқ, дорул куфр-дорул омон ичинда.

Дунё иззати бўлди, молу динору дирҳам,
Охиратда ҳисоби бўлар, ғам устига ғам,
Маълум бўлар ўшанда кимлар ортиқ, кимлар кам?,
Ўзингни ушбу кунга таёрла энди сен ҳам,
Тақвою-тоат қилгил юрмагил хоотири жам,
Умринг тугаб бародир ҳар лаҳза он ичинда.

Илтижодаман Аллоҳ, Ўзинг ёлғиз Илоҳим,
Фитналик бу оламда, сақлагувчим, паноҳим,
Раҳм айла бу бандангни, аҳволига эй «Шоҳ»им,
Умид этдим Ўзингдан эй, Қудратли Аллоҳим,
Қабул этгил менинг бу, дилимдан чиққан оҳим,
Шарманда қилмагайсан, яхши-ёмон ичинда.

Этмасмидим

Бўлса имконим, кўнгил комин раво этмасмидим,
Саъй этиб ўздин Яратганни ризо этмасмидим,
Олдин ўтган яхшиларга иқтидо этмасмидим,
Мағфират истаб ҳамиша, илтижо этмасмидим,
Оқил ўлсам бир Худога, муттақо этмасмидим?,
Неъмат эҳсонини шукрин адо этмасмидим.

Алданиб қолдим кўриб бу фитналик дунёсини,
Англагай Оқил киши, афзаллигин уқбосини,
Заҳри қотил бўлган омухта еманг ҳалвосини,
Хиёнатдир кори-бори, дўстини ошносини,
Тарк этиб дунё ҳаётин, битмаган ғавғосини,
Дилни аввалроқ ҳаёлидин жудо этмасмидим?!

Энди мойилдир бўлиш узлатга жо кўнглим мени,
Бўлмади оламда шод, мотамсаро кўнглим мени,
Истагай боқий ҳаёт, тарки фано кўнглим мени,
Айлагай Ҳақ раҳматин топмоқ рижо, кўнглим мени,
Узлати Оламни истар доимо, кўнглим мени,
Бўлса мақсад ҳосил ўзга, муддао этмасмидим?!

Кошки эрди беҳуда ғамдан куйиб кул бўлмасам,
Бориб умрим ҳосили охири, бир пул бўлмасам,
Ақлу ҳушимдан жудо, энди буткул бўлмасам,
Қайда менга нусрати аҳли, таваккул бўлмасам,
Ҳосили умрим ризойи Ҳақдир ғофил бўлмасам,
Кечаю-кундуз шуни, истаб дуо этмасмидим?!

Билмадим кимга насиб этгай, шаҳодат жомидан,
Кўнглим истайдир шуни, гоҳ жўш уриб илҳомидан,
Ким бўлур хуррам жудо бўлгач, дилин оромидан,
Шайланиб сабру-қаноат аслаҳа анжомидан,
Бохабар бўлсам шаҳидлар, иззату-икромидан,
Ҳақ йўлида молу-жонимни, фидо этмасмидим?!

Бўлди Иблис кибр айлаб, раҳмати Ҳақдан жудо,
Тўсғуси жаннат йўлидан заррача кибру-ҳаво,
Бўлмагай мақбул ибодат, бўлса гар унда риё,
Ушбу мазмунлар манга, маълум бўлибдир гўйе,
Фарқи борми, беамал Олим билан Жоҳилни, ё,
Билсам ўз дардим давосига даво этмасмидим?!

Юрма ўз аъмолинга мафтун бўлиб иблис каби,
Қалби зулмат қаърида, мадфун бўлиб иблис каби,
Ҳасад ўтида ёниб, маҳзун бўлиб, иблис каби,
Ўзининг макри билан мафтун бўлиб, иблис каби,
Саҳвиё, қолмай десанг малъун бўлиб, иблис каби,
Ҳукмига таслим бўлиб, кибру-ҳаво этмасмидим?!

Мусаббаъ:

(еттилик)

Балоингдан сани

Эй фалак, қайга қочай, ғам тўла жойингдан сани?
Алдагувчи финталик, нафсу ҳавоингдан сани?
Жаҳаннам қаърига чорлагувчи нидойингдан сани?
Раҳмати Ҳақ менга афзалдир, матоингдан сани,
Чунки, безорман бу дарди бедавоингдан сани,
Гар қутулсам кошки, бу битмас балоингдан сани,
Ҳақни даргоҳи азиз, қасру саройингдан сани.

Кўрганим не бўлди айт, бағрингда офатдан бўлак?
Хору зорлик бирла кўп, зулму фалокатдан бўлак?
Топмадим ҳеч яхшилик айлаб, маломатдан бўлак,
Қолмаганму сенда ҳеч, офат фалокатдан бўлак?
Топилар ҳар на жафо, меҳру муҳаббатдан бўлак,
Сенда не бор, бизга ташвишу машаққатдан бўлак?
Фарқи йўқ, аслида Подшоҳнинг гадоингдан сенинг?!

Тарк этиб кетсам сени, буткул бу дил ношод ила,
Қолмасин ортимда номим, кошки бир иснод ила,
Йўқ тафовути жаҳон, вайронининг обод ила,
Бўлур барбод ҳаёт бўстони хазонинг бод ила,
Арз этарман бирма-бир, дардимни шоҳи одила,
Аҳли Ҳақнинг қалблари ором олур, Ҳақ ёдила,
Аҳли дунёга йўқ ором, можароингдан сани.

Бахтиёрдек кўринар подшоҳ, гадонинг наздида,
Ҳақиқат мағлуб эрур, гўё ҳавонинг наздида,
Асли ҳолат бошқача, ақли расонинг наздида,
Заррача бўлмас экан, ер ҳам самонинг наздида,
Бўлди бу маъно, Муҳаммад Мустафонинг наздида,
«Заррача ҳам қадри йўқ, дунё Худонинг наздида»,
Кўп камига ғам чекиш, айни хатоингдан сани!

Гарчи ҳозир ғам чекиб, кўнгли хуноб, Ҳақ дўстлари,
Зулм аҳли илгида, холи хароб, Ҳақ дўстлари,
Сабр айланг, чекмангиз кўп изтироб, Ҳақ дўстлари,
Айлаган дилни ҳаётдан ижтиноб, Ҳақ дўстлари,
Шу сабабдан интилиб айлар савоб, Ҳақ дўстлари,
Қанчалар назди баланд, олийжаноб Ҳақ дўстлари,
Шу мақомга бўлса етмоқ, муддаоингдан сани!

Энди дўст тутсам ўзимга, кошки тақво аҳлини,
Тарк этиб фосиқлару, дунёни расво аҳлини,
Бевафо бу мол билан, мансабга шайдо аҳлини,
Қалбида иблис макон қурган, бу ғавғо аҳлини,
Оқил эрсанг фурсат ўтмай, топгил уқбо аҳлини,
Эй кўнгил, тарк айла дунё бирла, дунё аҳлини,
Аҳли Ҳақ бўлмоқ улуғ неъмат, Худойингдан сани!

Мен ҳаётимдан мурод, дунё эмасдир муддао,
Чунки, дунёда мукаммал, бўлмағай коминг раво,
То тирикдир тўймағай, инсондаги нафси ҳаво,
Топмадим излаб ҳаётда, мен бу дардимга даво,
Йўқ иложим бўлмаса энди Яратгандан шифо,
Саҳвиё, қурбат тилаб, қилғил дуою-илтижо,
Йўқ ажаб, бўлса натижа, бу дуоингдан сани!

Мусамман

(саккизлик)

Бўлмаса

Боғ эмасдир ҳар субҳ, қушларни сози бўлмаса,
Жамланиб унда шуаро, наво сози бўлмаса,
Ҳам улар тузган ғазалларнинг баёзи бўлмаса,
Ҳар бирин имконида, назру ниёзи бўлмаса,
Бўлмағай уммон бари тубсиз, саёзи бўлмаса,
Бу гўзал боғ узра ҳаргиз, қиш аёзи бўлмаса,
Турмас эрди барқарор олам, тарози бўлмаса,
Бўлмас эрди ғам, ҳаётнинг кўпи-ози бўлмаса.

Ўтқарар умрини кимдир доимо, меҳнат билан,
Ё қазодан етса, бир офат ва ё захмат билан,
Ким ҳаёт сурғай фароғат ичра кўп неъмат билан,
Ким безар қасру сайройини, зару зийнат билан,
Ўтса золим зўравонлар, ҳурмату иззат билан,
Эй биродарлар, буларнинг барчаси ҳикмат билан,
Не бўлар ўтса биров, зулм остида ҳасрат билан,
Адолат бирла ҳукм, қилгувчи «Қози» бўлмаса?!

Эй ҳаёт фоний экан, бу боғи бўстони сани,
Ростга ўхшаб алдагайдир, бизни ёлғонинг сани,
Бунча мафтункор гўзалдир, қасру айвонинг сани,
Бизку, беш кунлик бу қасринг ичра, меҳмонинг санинг,
Бўлдику меҳмонларинг ҳам, зору ҳайронинг санинг,
Бизга маълум бўлди, ёлғончи эрур, номинг санинг,
Не керак дунёи фонийда, шараф шонинг санинг?,
Оқибатда Охиратнинг , сарафрози бўлмаса?!

Кимки огоҳ бўлса бу сўздан, дили беғам эмас,
Тун саҳарлар кўздан оққан, ёш эрур, шабнам эмас,
Гарчи Ҳақдан бизга етган, марҳаматлар кам эмас,
Раҳматига ташна кўнглимга, булар малҳам эмас,
Кимки, имонни йўлинда қоиму-маҳкам эмас,
Неъматни қурбатга етмоқликга ул, маҳрам эмас,
Сурати одам сифатдир, сийрати одам эмас,
Бандани ўз эътикод, фикру, овози бўлмаса!

Розиман, ё Раб турибман, ҳукминга тайёр бўлиб,
Қурбатинга мунтазирман, толиби дийдор бўлиб,
Музтариб бечораман қолдим нетай, ночор бўлиб,
Раҳматинг қилгил насибим, энди толеъ ёр бўлиб,
Етса тавфиқи ҳидоят, сирри Ҳақ ошкор бўлиб,
Айласам тақвою-тоат, кечалар бедор бўлиб,
Рўзи маҳшар турганимда, раҳматинга зор бўлиб,
Не саодат, менга Роббим, эътирози бўлмаса?!

Ўқидим кўп одамизод, тариху достонидан,
Кимлар ўтди, бу ҳаётнинг бебақо бўстонидан?,
Топди кимлар Ҳақ ризосин, бу синов майдонидан,
Кимлар ўтди, фойда топмай ғофил ўз имконидан,
Барибир бўлгай жудо, барча ҳаётда жонидан,
Бўлмасин маҳрум мусулмон, охири иймонидан,
Саҳвиё, сенга етишган марҳамат эҳсонидан,
Ўтқа ёққил бу юракни, энди рози бўлмаса!

Таржеъбанд

Мен турмага қамалиб қолгач уйга кетаётган қадрдонларимга «бориб Онажонимга айтинглар»деб, айтмоқчи бўлган кўнгилдаги сўзларим шеър бўлиб ёзилди.

Бевафо дунё адо бўлдим, заволингдан сени,
Жонима етган бу жабри, бемалолингдан сени,
Келди заволинг ҳали кўрмай камолингдан сени,
Қолмади фарқи ҳаром бирла ҳалолингдан сени,
Шодмисан бошимга солган, ушбу ҳолингдан сени?
Мен тиларман энди Қодир Зулжалолингдан сени,
Йироқ қилгай турли хил фитна маҳолингдан сени!
Бевафо бу барча мансаб, мулки молингдан сени.
Истагим топмоқ нажот, дунё малолингдан сени!
Бунга етсам бас, халос бўлсам хаёлингдан сени!

Етказинг борганда мендан қадрдонларга салом,
Қариндош-қардошларимга, меҳрибонларга салом,
Бизни ҳол-аҳволимиздан бағри қонларга салом,
Эшитган билган биродар, мусулмонларга салом,
Кўнгил қўмсар, туғилиб ўсган томонларга салом,
Зулм остида эзилган, нотавонларга салом,
Гирифтор ўлган бу янглиғ, имтиҳонларга салом,
То ҳануз оламда, имони омонларга салом,
Истагим топмоқ омон, дунё малолингдан сени!
Кошки бўлса дил халос, мутлақ хаёлингдан сени!

Сўраса гар ким гирифтори бало бўлди, дейинг,
Яна тутқун бўлди, эркидан жудо бўлди, дейинг,
Турли дарди бедаволар ичра жо бўлди, дейинг,
Яна шу дафтар қаламга ошино бўлди, дейинг,
Зўравонлар зулми бошига бало бўлди, дейинг,
Доғи ҳижрон ичра қолдию, адо бўлди, дейинг,
Энди сизларни дуонгизга гадо бўлди, дейинг,
Тикди Ҳақ йўлига жонини, фидо бўлди, дейинг.
Истагим топмоқ нажот дунё, малолингдан сени!
Кошки фориг бўлса дил, фикру хаёлингдан сени!!

Айтингиз бу дин таралди, Олама меҳнат билан,
Анбиёю Авлиёлар айлаган, даъват билан,
Ётмаган чунки, улар дунёда ҳеч роҳат билан,
Сарф этиб Ҳақ йўлига, молу-жон давлат билан,
Қайтмадилар, бошга тушган офату кулфат билан,
Таваккул айлаб Худога, турдилар журъат билан,
Мукофоти бўлди охир, мағфират раҳмат билан,
Ҳам ҳаётни иззати, ҳам охират жаннат билан!
Истадим топмоқ омон, дунё хаёлингдан сени!
Фориг ўлса кўнгил ҳеч битмас малолингдан сени!!

Онажоним билмасин чунки, оғир бемордир,
Бир ғарибу нотавон имкони йўқ, ночордир,
Қўргани фарзанд туфайли ғам билан озордир,
Йўқ илож кўрмай одам, тақдирда ҳарна бордир,

Ким балага мубталодир, кимни бахти ёрдир,
Осий ўғлингиз букун бу ғам билан дучордир,
Соғиниб Ота-Онасин, меҳрингизга зордир,
Лекин имон имтиҳонига ҳали тайёрдир,
Истагим топмоқ омон, дунё малолингдан сени!
Бўлса шояд дил халос, орзу-хаёлингдан сени!!

Ушбу йўлга кирмагим Ҳақдин иноятдир манга,
Ҳақни БИР билмоқ улуг, бахту-саодатдир манга,
Бу қазо қисмат қилиб қўйган ҳидоятдир манга,
Жонима етган жабр, дилга ҳаловатдир манга,
Чунки, Ҳақдир ушбу йўл, қуръон кафолатдир манга,
Бу боло офат қиёмат кун шаҳодатдир манга,
Англадимки, барчаси шаксиз шарофатдир манга,
Менга басдир бўлса, имоним саломатдир манга!
Истагим топмоқ халос дунё малолингдан сени!
Дил нажот топса фано бўлса хаёлингдан сени!

Чунки, имон йўли Ҳақ йўлдир, Худонинг йўлидир,
Бу ҳаётни бошидан, Одам Атонинг йўлидир,
Ҳазрати Нух, Халилуллоҳ, Зикриёнинг йўлидир,
Яъқубу, Юсуфу, Мусою, Исонинг йўлидир,
Анбиёлар ҳотамининг Мустафонинг йўлидир,
Барча асҳоби киромни, Авлиёнинг йўлидир,
Солиҳу Сиддиқ Шахидлар, жонфидонинг йўлидир,
Яъни жаннатнинг йўли, Дорул-бақонинг йўлидир!
Истагим топмоқ нажот дунё хаёлингдан сени!
Бунга етсам, дилни пок этсам хаёлингдан сени!

Онажоним сабр этинг бўлгай Худойим ёрингиз,
Ажри бўлгай, бунчалар тортган ғаму озорингиз,
Бизга неъматдир, ғаниматдир ҳаётда борингиз,
Бўлолмадим олдингизда, сизни хизматкорингиз,
Қодир Аллоҳ Ўзи бўлгай, доимо ғамхорингиз,
Жаннатин қилгай каромат, сизга Бируборингиз,
Дадажоним бўлсалар, жаннат ичида ёрингиз,
Насиб этгай кўрмоғим жаннатда мен дийдорингиз,
Истагим топмоқ нажот дунё малолингдан сени!
Насиб этса фориг ўлса дил, хаёлингдан сени!

.....

Девон тугади.

Хотима:

Одатда аввалги классик шоирлар ўз девонларини тузганда, ғазалларни алифбо тартибида жойлаштиришарди. Бу анъана аруз вазнида ижод қиладиган шоирлар даври тугагунча давом этди. Маълумки, Туркистон даҳрийлар томонидан истело қилинган, араб ҳарфи асосидаги алфавит алмаштирилди. Адабиётда эса аруз вазнида ёзадиган шоирлар йўқ бўлиб, уни ўрнига бармоқ вазнида ижод қилувчи қатлам пайдо бўлди. Шу сабабли бўлса керакки, охири юз йилда туркий забон халқлар орасида Девон ёзган шоирлар чиқмади. Камина ижодимни арузда машқ қилишдан бошлаганман. Гарчи бармоқ вазнида ҳам ёзсамда, арузда ғазаллар Мухаммаслар ижод қилдим. Буюк шоирлар ғазалларига мухаммаслар боғладим. Бугун шуларни тўплаб девон қилдим. Бу китобни «Девони Саҳвий» деб номладим. Бу девонга менинг турли йилларда ёзган ғазалларим ва мухаммасларим жамланган. Мен уларни алифбо тартибида ёки, ёзилган санасига ёки мазмунига кўра эмас, тўғри келган шаклда жойлаштирдим. Албатта. уни ўқиб баҳолаш мухлисларга ва адабиёт мутахассисларига ҳаволадир. Аллоҳу Таоло ўқувчилар учун ва муаллиф учун манфаатли қилсин. Сўзимнинг охири Барча Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Омин.

Саҳвий.

25.12.2016

Швеция